


ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



# БИОЛОГИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Биология фанларини ўқитишнинг  
инновацион муҳитини лойиҳалаштириш

МОДУЛИ БҮЙИЧА  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмua Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** **п.ф.д., проф. Ж.О.Толипова**

**Тақризчилар:** **б.ф.д., проф. С.Г.Шеримбетов** - Туров фанлар академиясининг академиги – ЎзР ФА Биоорганик кимё институти профессори, лаборатория мудири  
**б.ф.н., доц. Д.Маматқұлов** – ТДПУ доценти.

**Хорижий эксперт:** PhD доктори Франк Лапер - Ponter de Parij №10 университети (Париж).

**Ўқув-услубий мажмua ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрға тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>4</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....</b>	<b>18</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАЗМУНИ .....</b>	<b>79</b>
<b>V. КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ.....</b>	<b>155</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>173</b>
<b>VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>178</b>



## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим мазмунини модернизациялаш, ахборотлар глобаллашган бир даврда мазкур таълим тизимида педагогик фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида инновацион таълим мұхитини ташкил этишга тайёрлаш, мазкур жараёнга инновацион технологияларни қўллашга оид методик билим, қўникма ва малакаларини янги сифат даражасига кўтариш долзарб муаммоларидан бири саналади<sup>1</sup>.

Олий таълим муассасаларида педагогик фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида инновацион мұхитни лойиҳалаштириш, мақсадга мувофиқ ташкил этишга замин тайёрлайдиган ўқув-методик мажмуа, электрон дарслклар, ностандарт адаптив тестлар банки, ўқув курслари бўйича силабус яратиш орқали талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, таълим самарадорлигига эришиш учун зарур бўлган методик билим, қўникма ва малакаларини ривожлантириш ва янгилаш, уларни давлат талаблари ва жаҳон таълим стандартлари даражасига кўтариш ислоҳотлар даврининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим муассасалари педагог ходимларининг малакасини оширишга катта эътибор қаратилиши малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари олдига мұхим вазифалар қўйилган.

Юқоридаги вазифаларни эътиборга олган ҳолда профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия жараёнида инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш мақсадида инновацион таълим технологияларини танлаш, машғулотлар ишланмаси ва технологик хариталарни лойиҳалаш, уларда белгиланган ўқув мақсадларни амалда қўллай олиши, талабаларнинг ёш, психологик ва эргономик хусусиятларига асосан талаба шахсига йўналтирилган таълимни ташкил эта олиши лозим.

Биологик фанлар бўйича замон талабларига жавоб берадиган инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш талабларига мувофиқ, инновацион ва ахборот технологияларга асосланган машғулотлар ишланмаси

<sup>1</sup> 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сонли Фармони. Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.

ва технологик хариталарни лойиҳалашга ўргатиш дастурнинг асосий мақсадини белгилаб беради.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари:**

Профессор-ўқитувчиларнинг инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш соҳасидаги педагогик касбий билим ва қўникмаларини Давлат талаблари асосида чуқурлаштириш, янгилаш ва таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш имконини берадиган замонавий билим ва қўникмаларни таркиб топтириш;

### **Модулнинг концепцияси**

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни», “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўйиладиган Давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий режа ва дастурлар асос қилиб олинган.

### **Йўналиш фанларига оид асосий тушунча ва атамалар**

Таълим-тарбия жараёнида инновацион мұхитни лойиҳалаштириш, давлат ва ижтимоий буюртмалар, ўқитиши принциплари ва қонуниятлари, ўқитиши жараёнининг яхлитлиги ва тизимлилиги, олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий педагогик тайёргарлигига қўйиладиган талаблар. Биологик фанлардан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига тизимли ёндошув.

Анъанавий ва инновацион таълим мұхитининг қиёсий тавсифи, ўзига хос ҳусусиятлари, инновацион технологияларга асосланган ҳолда мазкур жараённи такомиллаштириш муаммолари.

### **Тингловчиларнинг методик билими, қўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

- Таълим-тарбия жараёнида инновацион мұхитни лойиҳалаштиришга доир методик билимни билиши, қўникма ва малакаларни эгаллаши;
- Олий таълим тизимида инновацион мұхитни лойиҳалаштиришга доир биологияни ўқитишида қўлланиладиган ёндошувлар, тенденцияларни билиши;
- Олий таълим тизимида инновацион мұхитни лойиҳалаштиришга доир биологияни ўқитишида қўйиладиган ҳозирги замон талабларини тасаввур қилиши;
- Биологик таълим мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги, биологик таълимнинг узвийлиги ва изчилигини таъминлаш муаммоларини англаши;

- Инновацион мұхитни лойиҳалаштиришда таълим мазмунига оид ахборотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва талабалар онгига етказиш йўллари;
- Педагогика олий таълим муассасаларида биологияни ўқитиш олдиғаги долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш;
- Замонавий биология машғулотларига қўйиладиган талаблар, биологиядан ташкил этиладиган маъruzalarning типлари ва турлари;
- Биологияни ўқитишга тизимли ёндошув асосида маъруза, амалий ва семинар машғулотлари ва аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этиш ва ўтказишида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;
- Талабаларнинг мустақил ишлари ва таълимини ташкил этиш, уларни илмий-тадқиқотларга йўналтириш;
- Инновацион мұхитни лойиҳалаштириш мақсадида биологик фанларни ўқитишида замонавий инновацион технологияларидан уйғунлаштирилган ҳолда фойдаланиш малакасига эга бўлиши лозим.

<p><b>1.1.</b></p>	<p><b>БИОЛОГИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВЛАР КУРСИНИНГ МАҚСАДИ ВА МОҲИЯТИ</b></p> <p>Олий таълим муассасалари биологик фанлар ўқитувчиларининг касбий-педагогик, хусусан, илмий-методик тайёргарлик даражасини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш, уларда биологик фанларни ўқитиш жараёнида инновацион таълим мұхитини лойиҳалаш кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, мазкур жараёнда инновацион технологияларни қўллаш орқали таълим самарадорлигини таъминлаш учун зарур бўлган методик билим, кўникмаларни шакллантириш саналади.</p>
	<p><b>Мазкур курснинг вазифалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, “Таълим тўғрисида”ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида акс этган вазифаларни амалга ошириш;</li> <li>• Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлиги даражасини орттириш;</li> <li>• Профессор-ўқитувчиларда биологияни ўқитишида инновацион таълим мұхитини лойиҳалаш, замонавий ёндошувларни амалга ошириш учун зарур бўлган методологик билимларни шакллантириш, кўникма ва малакаларини таркиб топтириш;</li> <li>• Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш учун зарур бўлган методик билим, кўникма, малака ва компетенция (лаёқат)ни таркиб топтириш;</li> <li>• Ўқитувчиларни ўз педагогик фаолиятини таҳлил қилишга ўргатиш, таҳлилий – танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиш</li> </ul>

	<p>күнімаларини ривожлантириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида юксак умумий ва касб-хунар мәданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка эга педагогик кадрларнинг янги авлодини шакллантириш;</li> <li>• Биологияни ўқитишнинг методологияси ва назарий масалалари билан таништириш;</li> <li>• Биологияни ўқитишни такомиллаштириш ва самарадорлигини орттириш йўллари билан таништириш;</li> </ul>
1.2.	Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси таянч ўқув режасида жами 32 соат вақт ажратилган бўлиб, шундан 10 соат маъруза, 18 соат амалий машғулот, 4 соат мустақил таълим режалаштирилган.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти

T/p	Мавзу	Жами аудитория соати	Назарий	Амалий
1	Биологик таълим-тарбия жараёнида инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштириш муаммолари	2	2	
2	Ўқитиша инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштиришнинг замонавий ёндошувлар таснифи, долзарб муаммолари	2	2	
3	Биологик фанларни ўқитиша инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштиришда модулли ёндашув ва инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштириш технологиялари	2	2	
4	Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда модулли таълим технологиясидан фойдаланиш.	2	2	
5	Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш.	2		2

<b>6</b>	Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда локал технологиялардан фойдаланиш	<b>2</b>		<b>2</b>
<b>7</b>	Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш.	<b>2</b>		<b>2</b>
<b>8</b>	Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда ҳамкорликда ўқитиш технологиясидан фойдаланиш.	<b>2</b>		<b>2</b>
<b>9</b>	Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш.	<b>2</b>		<b>2</b>
<b>10</b>	Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда адаптив тест, стандарт ва ностандарт ўқув топшириқларидан фойдаланиш	<b>2</b>		<b>2</b>
<b>11</b>	Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда фанлар интеграцияси, методик ва дидактик таъминотини ишлаб чиқиши методикаси	<b>2</b>		<b>2</b>
	<b>Жами</b>	<b>22</b>	<b>8</b>	<b>14</b>

## **МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **1-мавзу. БИОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИНІ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

Инновацион таълим мұхити ҳақида тушунча. Инновацион таълим мұхитини ташкил этиш йұналишлари. Новация ва инновация ҳақида тушунча. Инновацион таълим мұхити ва анъанавий таълим мұхитининг қиёсий таҳлили. Таълим -тарбия жараёнида инновацион мұхитни яратиши юзасидан методик тавсиялар

### **2-мавзу. ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВЛАР ТАСНИФИ, ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим түғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида олий таълимда биологияни ўқитишни ташкил этиш муаммолари. Биологияни ўқитишида қўлланиладиган ёндошувлар: педоцентрик,

дидактоцентрик ва ҳозирги замон концепциялари. Биологияни ўқитишига қўйиладиган талаблар.

Биологияни ўқитишига ва ўқитувчисига қўйиладиган талаблар. Замонавий биология ўқитувчисининг модели. Биология ўқитувчисининг касбий тайёргарлигининг таркибий қисмлари: илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлиги, маънавий-ахлоқий, гоявий-сиёсий етуклиги. Биология ўқитувчисининг илмий-методик тайёргарлигининг таркибий қисмлари: гносеологик, ташкилотчилик, конструктив, лойиҳалаш, коммуникатив билим ва кўникмалари. Биологик таълим мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларининг узвийлиги. Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари. Субъект-объект, субъект-субъект муносабатлари. Талабаларни ўз ўқув-билиш фаолиятининг тўла қонли субъектига айлантириш йўллари.

### **3-мавзу. БИОЛОГИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА МОДУЛЛИ ЁНДАШУВ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Биологик фанларни ўқитишида инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш жараёнида модулли ўқитиши тизимининг ўзига хос хусусиятлари, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг меъёрий асослари ва мазмуни. Модулли ўқитиши тизимида талабаларнинг билим, кўникма ва малака, таянч ва фанга доир компетенция(лаёқат)ларни ташхис этиш, уларни баҳолаш тизими. Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларини шакллантириш ва эришилган даражани баҳолаш тизими. Модулли ўқитиши тизими қўлланилганда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишида фойдаланиладиган локал технологиялар. Модулли ўқитиши тизими қўлланилганда таълим-тарбия жараёнини ташкил этишида фойдаланиладиган хусусий методик технологиялар.

Инновацион технологияларнинг тавсифи ва таснифи. Дидактик ўйинли, муаммоли, модулли таълим ва ҳамкорликда ўқитиши технологияларининг ўзига хос хусусиятлари. Биологияни ўқитишида инновацион технологияларидан фойдаланиш йўллари.

### **4-мавзу. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

Модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари. Биологик таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш. Модул дастурининг турлари ва уларни тузиш йўллари. Маъруза, семинар ва амалий машғулотларда фойдаланиш.

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАЗМУНИ

### **1-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Таълим - тарбия жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш йўллари. Маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари ишланмаларини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш йўллари.

### **2-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА ЛОКАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Инновацион технологияларнинг мазмуни ва моҳияти. Локал ва хусусий-методик даражадаги инновацион технологиялар. Маъруза, семинар ва амалий машғулотларда локал даражадаги технологиялардан фойдаланиш. Кейс стади, ақлий ҳужум, атамалар занжири, Кластер, Венн диаграммасидан фойдаланиш орқали талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари.

### **3-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА ДИДАКТИК ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

Маъруза, семинар ва амалий машғулотларда дидактик ўйин технологиясиdan фойдаланиш. Машғулотлар ишланмаси ва технологик харита тузиш. Машғулотларда дидактик ўйин технологияси ва локал даражадаги технологияларни уйғунлаштириш.

### **4-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

Маъруза, семинар ва амалий машғулотларда ҳамкорликда ўқитиш технологияси методларидан фойдаланиш. Машғулотлар ишланмаси ва технологик харита тузиш. Машғулотларда ҳамкорликда ўқитиш технологияси методлари ва локал даражадаги технологияларни уйғунлаштириш.

## **5-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда муаммоли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари. Муаммоли методлар (муаммоли-изланиш характеридаги сұхбат, муаммоли баён, муаммоли амалий ишлар). Маъруза, семинар ва амалий машғулотларда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш. Машғулотлар ишланмаси ва технологик харита тузиш. Машғулотларда муаммоли таълим технологияси ва локал даражадаги технологияларни уйғунлаштириш.

## **6-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА АДАПТИВ ТЕСТ, СТАНДАРТ ВА НОСТАНДАРТ ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Таълим-тарбия жараёнида тескари алоқаны амалга ошириш йўллари. Таълим самарадорлигини орттиришда таҳсил олувчилярнинг ўзлаштирган билим, қўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда назорат турларини хилма-хиллаштириш, гомоген ва гетероген тест топшириқларини тайёрлаш йўллари. Таҳсил олувчилярларнинг ўзлаштирган билим, қўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш йўллари.

Биологик таълим-тарбия жараёнида адаптив тест топшириқларининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий адаптив тест топшириқларини тузиш. Ностандарт тест топшириқларини тузиш ва адаптив тест топшириқлари банкини яратиш ва фойдаланиш.

## **7-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ, МЕТОДИК ВА ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МЕТОДИКАСИ**

Фанлар интеграцияси хақида умумий маълумот. Интеграция турлари. Биологик фанлар бўйича Кейс-стади топшириқлари мажмуасини тайёрлаш методикаси

Биологик фанлар бўйича яратилган дидактик таъминотнинг дидактик мақсади ва вазифалари. Маъруза, амалий ва семинар машғулотларида дидактик ва тарқатма материаллар, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва креатив топшириқлардан фойдаланиш методикаси.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш қўнимаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласди.


“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.
2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда -янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.
3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

**“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.
3. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

Куйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



### “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;
2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;
3. Таълим олувчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;
4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурӯхланади;
5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва түғри жавоб танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзаликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-ғояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-ғоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш үйғотади.

“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни түғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

**“ИШБОП ЎЙИН” МЕТОДИ** - берилған топшириқларга кўра ёки ўйин иштирокчилари томонидан тайёрланган ҳар хил вазиятдаги бошқарувчилик қарорларини қабул қилишни имитация қилиш (тақлид, акс эттириш) методи ҳисобланади.

Ўйин фаолияти бирон бир ташкилот вакили сифатида иштирок этаётган иштирокчининг ҳулқ-атвори ва ижтимоий вазифаларини имитация қилиш орқали берилади. Бир томондан ўйин назорат қилинса, иккинчи томондан оралиқ натижаларга кўра иштирокчилар ўз фаолиятларини ўзгартириш имкониятига ҳам эга бўлади. Ишбоп ўйинда роллар ва ролларнинг мақсади аралашган ҳолда бўлади. Иштирокчиларнинг бир қисми қатъий белгиланган ва ўйин давомида ўзгармас ролни ижро этишлари лозим. Бир қисм иштирокчилар ролларини шахсий тажрибалари ва билимлари асосида ўз мақсадларини белгилайдилар. Ишбоп ўйинда ҳар бир иштирокчи алоҳида ролли мақсадни бажариши керак. Шунинг учун вазифани бажариш жараёни индивидуал-гурухли ҳарактерга эга. Ҳар бир иштирокчи аввал ўзининг вазифаси бўйича қарор қабул қиласди, сўнгра гуруҳ билан маслаҳатлашади. Ўйин якунида ҳар бир иштирокчи ва гуруҳ эришган натижаларига қараб баҳоланади.

**“Ишбоп ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу танлайди, мақсад ва натижаларни аниқлайди. Қатнашчилар учун йўриқномалар ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.
2. Таълим оловчиларни ўйиннинг мақсади, шартлари ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.
3. Таълим оловчиларга вазифаларни тақсимлайди, маслаҳатлар беради.
4. Таълим оловчилар ўз роллари бўйича тайёргарлик кўрадилар.
5. Таълим оловчилар тасдиқланган шартларга биноан ўйинни амалга оширадилар. Таълим берувчи ўйин жараёнига аралашмасдан қўзатади.
6. Ўйин якунида таълим берувчи муҳокамани ташкил этади. Экспертларнинг хulosалари тингланади, фикр-мулоҳазалар айтилади.
7. Ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида натижалар баҳоланади.

Ҳар бир ролни ижро этувчи ўз вазифасини тўғри бажариши, берилған вазиятда ўзини қандай тутиши кераклигини намойиш эта олиши, муаммоли ҳолатлардан чиқиб кетиш қобилиятини кўрсата олиши керак.

**“РОЛЛИ ЎЙИН” МЕТОДИ** - таълим оловчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методdir.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидадир. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим оловчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришилари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахсларо муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал ҳарактери, хулқ-автори мұхим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўкув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради.

### **“Ролли ўйин” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.

1. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.

2. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.

4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.

Ўйин яқунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мүмкінligини изоҳлашга имконият берилади. Кўзатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хulosса қилинади.

**“БАҲС-МУНОЗАРА” МЕТОДИ** - бирор мавзу бўйича таълим олувчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Хар қандай мавзу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида мұхокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод кўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим олувчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим олувчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим олувчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишида қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- ✓ барча таълим олувчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- ✓ “ўнг қўл” қоидаси (қўлини қўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- ✓ фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- ✓ билдирилган фикр-ғояларнинг такрорланмаслиги;
- ✓ бир-бирларига ўзаро ҳурмат.

**“Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси**

**“Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.

3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим олувчилардан бирини котиб этиб тайинлади. Бу босқичда таълим берувчи таълим олувчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.

4. Таълим берувчи таълим олувчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гурухларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласи.

5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

**“МУАММОЛИ ВАЗИЯТ” МЕТОДИ** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методдир.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишилари сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритишни, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар.

**“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси**

**“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласи.

2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.

3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гурухларга ажратади.

4. Кичик гурухлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиши сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гурух тақдимот қиласи. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласи. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.

6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини мұхокама қиладилар, уларни таҳлил қиладилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.

7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиладилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.

8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

**“ЛОЙИХА” МЕТОДИ** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хulosса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гуруҳий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак. Куйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.

### “Лойиҳа” методининг босқичлари

#### “Лойиҳа” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:

1.Муҳандис-педагог лойиҳа иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равишда дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йигадилар.

2. Таълим олувчилар мустақил равишда иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилган вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбоб-ускуналарни режалаштиришлари лозим.

Кичик гуруҳлар иш режаларини тақдимот қиладилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қилинган қарорлар бўйича эришиладиган натижаларни мұхокама қилишади. Бунда ҳар ҳил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Муҳандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш ва рақаси”ни ишлаб чиқади.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: БИОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИНІ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

**Режа:**

1. Инновацион таълим мұхити ҳақида түшунча.
2. Инновацион таълим мұхитини ташкил этиш йўналишлари.
3. Инновацион таълим мұхити ва анъанавий таълим мұхитининг қиёсий таҳлили.
4. Таълим -тарбия жараёнида инновацион мұхитни яратиш юзасидан методик тавсиялар

Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда, шу жумладан, ижтимоий соҳада устувор соҳа саналган таълим тизимида ҳам ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида 2019 йил 8 октябрда «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сонли Фармони қабул қилинди. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.). Мазкур концепцияда олий таълим тизимида ислоҳотларни амалга ошириш йўналишлари аниқ кўрсатилган.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимининг жорий этилиши, ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасаларидағи илғор тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш, инновациян ва ахборот технологияларни таълим-тарбия жараёнига кириб келиши таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши, хусусан, талабаларда билимларни шакллантириш, кўникма, малака ва қасбий- педагогик компетенцияларни таркиб топтириш билан бир қаторда уларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммосини қайта кўриб чиқиши талаб этмоқда.

Мазкур талаб таълим-тарбия жараёнида инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш заруратини келтириб чиқармоқди.

Инновацион таълим мұхити талабаларда нафақат ДТС билан меъёрланган билим, кўникма ва малакалар, балки умумий, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни таркиб топтиришни тақоза этади.

Ўқитиша компетенциявий ёндошувнинг татбиқ этилиши қуйидаги омиллар:

1. Ўқитувчининг илмий-назарий, педагогик-психологик, илмий-методик тайёргарлигининг юқори даражада бўлиши, замонавий фикр юритиши кўникумларини эгаллаганлиги, таълим-тарбия жараёнида инновациян ва ахборот технологияларидан ўз ўрнида ва мақсадга мувофиқ фойдаланиши;

2. Ўқитувчининг таълим мазмуни, ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларининг узвийлигини таъминлаш мақсадида инновацияларни киритиши йўлларини аниқлай олиши;



3. Ўқитувчи ва талабалар ўртасида Б. Блум таксономиясига мувофиқ идентив ўқув мақсадларига эришиш учун ўзаро ҳамкорликнинг вужудга келганилиги;

4. Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида талабаларнинг ўзлаштирган билим, қўникма ва малакалари, шунингдек, умумий ва хусусий биологик компетенция (лаёкат)ни назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқларидан фойдаланиши;

5. Талабаларда биологик билимларни шакллантириш босқичларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда интерфаол методлари ва ахборот технологиялари маҳсулларидан фойдаланиш йўлларини белгилаши;

6. Биологияни ўқитишининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида мавзулар бўйича ахборот технологияларининг маҳсуллари бўлган электрон дарсликлар, мультимедиа, анимацияли тақдимотлар, назорат ва машқ қилишга мўлжалланган дастурлар, виртуал лабораториялар билан бойитиш улардан ўз ўрнида фойдаланишни йўлга қўйилганлиги билан белгиланади.

Инновацион таълим мұхитини яратиш икки хил йўналишда амалга оширилиши назарда тутилади:

1. Таълим мазмунини янгилашда биология фани ва техника соҳасидаги ютуқлар ва инновациялардан фойдаланиш.

2. Таълим-тарбия жараёнида инновацион ва ахборот технологиялардан фойдаланиш.

Таълим мазмунини янгилашдаги инновациялар жумласига анимация, мультимедиаларида ўзида мужассамлаштирган электрон дарсликлар, виртуал лабораториялар, мақсадли тўгараклар ташкил этиш мисол бўлса, иккинчи йўналиш биология машғулотларида инновацион ва ахборот технологияларни қўллаш назарда тутилади.

Инновацион таълим мұхити қўйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Дастробеки босқич – биология ўқитувчиси томонидан инновацион ва ахборот технологиялар таҳлил этилади. Улардан фойдаланилган ҳолда машғулот ишланмалари лойиҳаланади.

2. Оралиқ босқич - инновацион ва ахборот технологиялардан фойдаланилган ҳолда ишлаб чиқилган машғулот ишланмалари педагогик тажриба – синовдан ўтказилади.

3. Якуний босқич - педагогик тажриба – синовдан олинган натижалар таҳлил этилади, кўзланган мақсадга эришишга замин тайёрлаган машғулот ишланмалари оммалаштирилади.

Инновацион таълим мұхити – ўқитиш жараёнининг мақсад ва вазифаларига мос ҳолда таълим мазмуни, ўқитиш методлари, воситаларига янгилик киритиш, таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши ўқитувчининг педагогик фаолияти орқали талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини инновацион ва ахборот технологиялари орқали бошқарилиши натижасида кўзланган натижага эришиш кафолати саналади.

Олий таълим тизими олдига қўйилган давлат ва ижтимоий буюртмалар, шунингдек, инновацион таълим мұхити шароитида биология таълим мини такомиллаштириш учун қўйидагиларни амалга ошириш лозим:

- инновацион таълим мұхити шароитида биологиядан ташкил этиладиган маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотлари, мустақил таълим ва аудиториядан ташқари ишларда инновацион ўқитиши воситалари, методлари ва шаклларидан фойдаланиш;
- инновацион таълим мұхити шароитида талабаларнинг билиш фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва бошқариш, мазкур фаолиятни фаоллаштиришнинг восита ва методларини, ўқув мотивларини ривожлантириш йўлларини аниқлаш;
- инновацион таълим мұхити шароитида биологияни ўқитишида амалий масалаларга эътиборни қаратиш, талабаларда ўқув, амалий ва меҳнат, ижодий ва мустақил фикрлаш кўникмалари, атроф-мұхитга онгли муносабатни таркиб топтириш, биология таълим мининг касбий йўналишини амалга ошириш;
- инновацион таълим мұхити шароитида биологиядан ДТСида белгиланган малака талаблари, касбий-педагогик, умумий ва биологик компетенция (лаёқат)ни таркиб топтириш;
- инновацион таълим мұхити шароитида назорат турларини хилмажиллаштириш стандарт ва ностандарт ўқув топшириқларидан фойдаланишини йўлга қўйиши, яъни талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражасини рейтинг тизими орқали мунтазам назорат қилиши, олинган натижаларга мувофиқ ўқитиши жараёнинга тегишли ўзгартиришлар киритиши каби муаммоларни ҳал этиши лозим.

Маълумки, бугунги фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланган ва ахборотлар оқими глобаллашган кунда инсоният томонидан тўпланган билимлар миқдори шунчалик чексизки, шу билан бир қаторда инсон томонидан мазкур илмларнинг барчасини тўлиқ эгаллаш имконияти чекланган. Шахснинг келгусида эгаллайдиган мутахассислиги, қизиқиши, эҳтиёжи ва интилишларига мувофиқ муайян фан асосларини ўзлаштирилиши асосида уларнинг шахс сифатида шаклланиши ва табиий-илмий саводхонлигини ривожлантиришга замин яратилади. Шахснинг табиий-илмий саводхонлиги асосида табиат ва жамият қонунлари таҳлил этилади, улар эътиқодга айланади, атрофимиздаги оламни аниқ тасаввур қилиши, органик дунёнинг муайян қонуниятлар асосида ривожланишини билиши натижасида, касбий фаолият, табиат ва жамиятда юзага келадиган муаммоли вазиятларни идрок этиши, мутахассис ва жамиятнинг ижтимоий фаол фуқароси сифатида уларни ҳал этишининг муқобил вариантларини ишлаб чиқишига имкон яратилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли фаровонлигини тубдан ошириш ва турмуш сифатини яхшилаш, жамият ва давлатни ҳар томонлама ҳамда жадал ривожлантириш, мамлакатни



модернизация қилиш ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича аниқ мақсадлар белгилаб олинган.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари таълим тизими тажрибаси барча соҳалардаги каби мазкур тизимга сифатли ўсишни таъминловчи янгиликларни узлуксиз тарзда амалиётга жорий этиш жамият ва иқтисодий ривожланишининг ҳаракатлантирувчи кучига айланганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ишлаб чиқаришда инновация ва интеллектуал ҳиссанинг юқори улуши бўлган барқарор бозор иқтисодиёти, замонавий ва глобал бозорда рақобатбардош саноат, шунингдек, қулай инвестициявий ва ишчанлик мұхитига эга жадал ривожланаётган мамлакат йўлини белгилади.

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, инновацион фаолиятни кўллаб-куватлаш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар, илмий ютуқларни жорий этишни рағбатлантиришнинг институционал ва ташкилий-хукуқий асосларини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди.

Мазкур Фармонда давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий ривожланиш, илғор технологияларни жорий этиш, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳаларидаги фаолиятининг асосий йўналишлари назарда тутилган бўлиб, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида инновацион таълим мұхитини яратиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири.

Республикамида инновацион ривожланиш йўналишлари белгиланган қарорларнинг қабул қилиниши жамиятнинг барча соҳалари каби таълим тизимини модернизациялаш, инновацион тараққиётга муносиб ҳисса қўшадиган баркамол шахс, рақобатбардош кадр тайёрлашни талаб этмоқда.

Баркамол шахс, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш муаммоси узлуксиз таълим тизими, хусусан, кадрлар тайёрлайдиган олий таълим тизимидан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнини модернизациялаш, инновацион таълим мұхити шароитини муваффақиятли шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Инновацион таълим мұхити шароити деганда, таълим мазмунини янгилаш, таълим-тарбия жараёнига инновацион ва ахборот технологияларни татбиқ этиш, талабаларнинг психологияк ва эргономик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ўқув материалларнинг қийинлик даражасига эътибор қаратиш, мустақил таълимни йўлга қўйиш орқали талабаларнинг ўз-ўзини ривожлантиришига имкон яратиш, фанларни ўқитишида интеграцияни амалга ошириш, талабаларнинг ўзлаштирган билим, кзникма, малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда ностандарт адаптив тестларда фойдаланиш, уларнинг шахс сифатида ўзини намоён қилиш ва табиий-илмий саводхонлигини ривожлантиришга замин яратилган таълим макони тушунилади.

Олий таълим муассасалари талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш мазмуни, таълим-тарбия жараёнини юқори даражада мақсадга мувофиқ

ташкил этилиши уларнинг мазкур таълим мұхитида шахс ва мутахассис сифатида шаклланишига замин тайёрлаши лозим.

Олий таълим муассасаларида инновацион таълим мұхитини шакллантириш ижтимоий соҳанинг устувор йўналиши саналган узлуксиз таълим тизимиға компетенциявий ёндашувга мувофиқ ташкил этиладиган таълимтарбия жараёни орқали рақобатбардош кадр, кенг математик, иқтисодий, табиий-илмий саводхонликка эга баркамол шахсни вояга етказиш имконини вужудга келтиради.

Инновацион таълим мұхитини шакллантиришнинг мақсади давлатнинг инновацион сиёсати нуқтай назаридан таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш орқали таълим самардорлигини орттириш саналади.

Таълим самардорлиги рақобатбардош кадр тайёрлаш, талабаларнинг шахс сифатида ривожланиши, кенг илмий саводхонликнинг таркиб топтириш ва ривожлантиришига имкон яратиш орқали юзага келади.

Инновацион таълим мұхитининг вазифалари анъанавий таълим мұхитида эътибор бериладиган таълимий, тарбиявий ривожлантирувчи мақсадлар билан бир қаторда қуйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- Компетенциявий ёндашув асосида таълим мазмунини янгилаш, самарали ўқитиш воситалари, методлари, технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш орқали муайян мутахассислик бўйича рақобатбардош кадр, табиий-илмий саводхонликга эга баркамол шахс тайёрлаш;
- Таълим-тарбия жараёнида фанлар интеграциясини амалга ошириш орқали талабалар томонидан ДТС билан меъёрланган билим, кўникма, малакалар, таянч ва хусусий компетенцияларни ўзлаштирилиши орқали табиий-илмий саводхонликни ривожлантиришга эришиш;

Инновацион таълим мұхити новацияларни таълим-тарбия жараёнига киритиши талаб этади.

Новация–педагогик жараённи модернизациялаш ва такомиллаштиришга йўналтирилган янгилик саналса, инновация эса, педагогик жараённи ташкил этиш, бошқаришни сифат ўзгаришига олиб келадиган ғоя ва жараён бўлиб, новацияни амалиётга тадбиқ этади.

Юқоридаги фикрлар эътиборга олинган ҳолда новация ва инновациянинг ўзига хос хусусиятлари қиёсий таҳлил таҳлил этилди.

### **Новация ва инновация тушунчаларининг қиёсий таҳлили**

<b>№</b>	<b>МЕЗОНЛАР</b>	<b>НОВАЦИЯ</b>	<b>ИННОВАЦИЯ</b>
1.	Мақсади ва кўлами	Хусусий	Тизимли
2.	Методологик таъминоти	Мавжуд назариялар миқёсида	Мавжуд назариялар миқёсидан четга чиқади
3.	Илмий асос	Мавжуд меъёр ва	Мавжуд меъёр ва қонунлар-

		қонунларга асосан тушуниш ва тушунтириш осон кечади	дан фарқ қылғанлиги учун тушунмаслик, зиддиятлар келиб чиқиши мүмкін
4.	Таъсир характеристері	Экспериментал бўлиб, хусусий янгиликлар апробациядан ўтказилади	Самарадорликка эришиш учун мақсадли тадқиқот ўтказиш ва изланиш талаб этилади
5.	Фаолият давомийлиги	Вақт ва қўлами чегараланган	Тизимли, босқичли ва давомли тадқиқот ўтказилади
6.	Педагогик фаолият тури	Субъектларга тайёр ахборотни етказиш	Янги ёндашувни тизимлаштириш
7.	Татбиқ этиши даражаси	Мавжуд меъёр ва қонунларга асосан янгича бошқарувни ташкил этиши	Ўқув мақсадларига эришиш ғояларини ишлаб чиқиш, уни ривожлантириш, шарт-шароитларни вужудга келтириш ва амалга ошириш
8.	Кутиладиган натижа	Таълим тизимининг баъзи таркибий қисмларини янгилаш	Таълим тизимининг барча таркибий қисмларини янгилаш, улар ўртасидаги узвийликни таъминлаш
9.	Янгилиги	Фаолиятда ташаббускорлик, рационализаторлик, янги методика яратиш,	Фаолиятнинг янги йўналишини кашф этиши, фаолият натижасида янги сифат кўрсаткичларга эришиш
10	Якуний натижа	Мавжуд тизимни такомиллаштириш, уларнинг функционал боғланишни янгилаш	Янги тадқиқот назарияси ва амалиётни парадигмаси ишлаб чиқилади

Жадвалдан кўриниб турибдики, инновация тизимли жараён бўлиб, у таълим-тарбия жараёнида қўлланилиб келаётган мавжуд назариялар миқёсидан четга чиқади.

Олий таълим муассасаларида педагогик фаолият юритадиган профессор-ўқитувчилар томонидан муайян ўқув курсларидан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида инновацион мұхит шароитини яратиш, компетенциявий ёндашувни амалиётга тадбиқ этиши доирасида тизимли, босқичли ва давомли изланиш олиб борилиши, дидактик мақсадларга эришиш ғояларини ишлаб чиқиш, уни ривожлантириш, шарт-шароитларни вужудга келтириш ва амалга ошириш юзасидан методик ва дидактик таъминотини яратиш юзасидан иш олиб борилиши зарур.

Таълим-тарбия жараёнида инновацион мұхит шароитини яратиш методик тизимининг барча таркибий қисмларини янгилаш, улар ўртасидаги узвийликни таъминлаш учун инновация киритилди.

Инновацион таълим мұхити шароитида компетенциявий ёндашувни амалиётга тадбик этиш орқали талабаларнинг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш мақсадида ташқил этилган таълимтарбия жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятini кичик гурӯҳларда шакллантириш натижасида мазкур фаолиятни фаоллаштириш, таълим сифати кўрсаткичини орттиришга эришиш учун муаммоли ўқув топшириклари, Кейс стади топшириклари ишлаб чиқилди.

Юқорида қайд этилган фикрларни тасдиқлаш мақсадида анъанавий таълим мұхити ва инновацион таълим мұхити қиёсий таҳлил этилди.

### **Анъанавий ва инновацион таълим мұхитларининг қиёсий тавсифи**

к/с	Таълим мұхити таркибий қисмлари	Анъанавий таълим мұхити	Инновацион таълим мұхити
1.	Давлат ва ижтимоий буюртма	Рақобатбардош кадр, баркамол шахсни вояга етказиш	Рақобатбардош кадр, баркамол шахсни вояга етказиш
2.	Таълим мазмунининг таркиби	Билим, қўникма, малакалар	Билим, қўникма, малака, таянч ва хусусий компетенциялар
3.	Ўқитишиш воситалари	Табиий, тасвирий воситалар	Табиий, тасвирий воситалар, электрон дарслик
4.	Ўқитишиш методлари	Репродуктив ўқитишиш методлари	Репродуктив ва интерфаол ўқитишиш методлари
5.	Ўқитишиш шакллари	Аудитория ва аудиториядан ташқари таълим	Аудитория ва аудиториядан ташқари таълим
5.1.	Маъруза	Ялпи ахборот тайёр ҳолда ялпи етказилади	Кичик гурӯҳларда муаммоли етказилади
5.2.	Амалий машғулот	Кўрсатмага биноан ташкил этилади	Инновацион технология талаблари асосида ташкил этилади
5.3.	Мустақил таълим	Кўрсатмага биноан репродуктив даражада ташкил этилади	Репродуктив, продуктив, қисман-изланишли, креатив даражада ташкил этилади
5.4.	Тўгарак	Мавзулар бўйича маърузалар ташкил этилади	Қисман-изланишли ва ижодий даражада маърузалар ўтказилади
6.	Технологиялар	Анъанавий таълим технологияси	Инновацион ва ахборот технологиялари
7.	Педагогик муносабатлар	Объект-субъект	Субъект - субъект

8.	Назорат воситалари	Репродуктив даражадағи саволлар ва тест топшириқлари	Репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва креатив даражадаги саволлар ва тест топшириқлари
9.	Назорат тури	Ўқитувчи назорати	ўз-ўзини назорат, ўзаро назорат, ўқитувчи назорати
10.	Дидактик воситалар	Жадвал, схемалар, расмлар	My test дастури асосида шакллантирилган адаптив тестлар
11.	Ўқитувчининг педагогик фаолияти	Ахборотни тайёр маълумот шаклида етказиш	Муаммоли маърузалар ташкил этиш, талабаларни мустақил билим олишга йўналтириш

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда ўқитиши методлари муҳим ўрин тутади, шу сабабли мазкур фаолиятни фаоллаштириш мақсадида репродуктив методлар билан бир қаторда муаммоли, мантиқий, дидактик ўйин, назорат ва ўз-ўзини назорат методлардан фойдаланиш аниқланди.

Олий таълим муассасаси “Биология” бакалавриат таълим йўналиши намунавий ўқув режасидан ўрин олган ўқув курсидан ташкил этиладиган маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотлари дидактик ўйин технологиялари, модулли таълим технологияси, муаммоли таълим технологияси, ҳамда ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг кичик гуруҳларда ишлаш методидан фойдаланган ҳолда лойихаланиши мақсадга мувофиқ.

Инновацион таълим мұхити шароитида талабаларнинг мустақил таълими топшириқлари қийинлик даражасига кўра репродуктив, продуктив, қисман-изланишли, креатив даражада шакллантирилиши зарур.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида аудиториядан ташқари ўқитиши шакллари, хусусан, тўгараклар муҳим ўрин тутади. Тадқиқот давомида компетенциявий ёндашув асосида талабаларнинг табиий-илмий саводхонликини ривожлантиришнинг методик тизимиға биноан “Ёш биологлар” тўгараги режасига мувофиқ қисман-изланишли ва ижодий даражада маъруза, ўқув-баҳслари, мунозаралар ўtkазилиши лозим.

Ўқув курсиларидан ташкил этиладиган маъруза ва семинар машғулотлари локал даражадаги Кейс стади, Венн диаграммаси, атамалар занжири, биологик диктант, хусусий методик даражадаги дидактик ўйин технологияси, модулли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиши технологияларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этилди. Мазкур

технологиялар талабаларни ўз ўкув фаолиятининг субъектига айлантириб, педагогик муносабатларда субъект-субъект муносабат вужудга келтиради.

Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини орттириш ва талабаларнинг ўкув мотивацияларни кучайтиришда ўзлаштирилган билим, күникма, малакалар, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни аниклашда назорат топшириқларининг қийинлик даражасига эътибор қаратилди, хусусан, репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва креатив даражадаги саволлар ва тест топшириқларидан фойдаланилди. Назорат турлари хилма-хиллаштирилди, яъни талабаларнинг адаптив тест топшириқлари орқали ўз-ўзини назорат, кичик гурухларда ишлаш жараёнида ўзаро назорат ва ўқитувчи назоратидан фойдаланилади.

Мазкур жараёнда дидактик воситалар мухим ўрин тутиши эътиборга олинган ҳолда My test дастури асосида шакллантирилган адаптив тестлар шакллантирилди ва амалиётга жорий этилди.


Юқорида қайд этилган таълим-тарбия жараёнига киритилган инновация яъни янгиликлар ўқитувчининг педагогик фаолиятида ҳам ўзгаришлар бўлиши, анъанавий ёндашувда воз кечиб, компетенциявий ёндашувни амалиётга тадбиқ этиш, муаммоли маъруза ва семинар машғулотларини ташкил этиш, талабаларни мустақил билим олишга йўналтириш орқали уларнинг шахс сифатида ривожланиши, кенг табиий-илмий саводхонликга эга рақобатбардош кадрларни тайёрлашга замин тайёрлаши давр талаби саналади.

Таълим-тарбия жараёнида инновацион таълим мұхитини яратиш ўқитиши жараёнига янгича ёндашув, таълим мазмунини янгилаш, инновацион ва ахборот технологиялардан фойдаланиш орқали талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиришни талаб этади.

Таълим-тарбия жараёнининг янгича ёндашув асосида ташкил этилиши талабаларда ўкув мотивларини шакллантириш ва фаоллаштиришни талаб этади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида ўкув курсларини ўқитишида компетенциявий ёндашувни амалиётга тадбиқ этиш орқали талабаларнинг табиий-илмий саводхонликини ривожлантиришнинг дидактик асослари жадвал шаклида берилмоқда.

**Инновацион таълим мұхитини яратишнинг дидактик асослари**



Таълим-тарбия жараёнига ахборот ва коммуникацион технологиялар, технологик инновациялар, педагогик инновациялар, иқтисодий инновациялар, ташкилий инновациялар кириб келиши муносабати билан

биология ўқитувчиси ҳам ўз педагогик фаолиятига инновацияларни киритиши, инновацион педагогик фаолиятга эга бўлишига замин яратадиган замонавий билим, қўникма ва малакаларини эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши лозим.

Юқоридаги фикрларни эътиборга олган ҳолда биология ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти куйидаги:

1. Биология машғулотларида техник ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлларини лойиҳалаш ва амалда қўллаш учун зарур бўладиган методик билим, қўникма ва малакалар;


2. Биологиядан аудиториядан ташқари ишларда техник ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлларини лойиҳалаш ва амалда қўллаш учун зарур бўладиган методик билим, қўникма ва малакалар;

3. Биологик экспурсия ва тадбирларда техник ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлларини лойиҳалаш ва амалда қўллаш учун зарур бўладиган методик билим, қўникма ва малакалар;

4. Биологияни ўқитишида инновацион технологияларни қўллаш борасида илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва амалиётга қўллаш каби таркибий қисмлардан иборат.

Биология ўқитувчисининг инновацион фаолияти тузилмасини жадвал тарзида қўйидагича ифодалаш мумкин.

## **БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИСИННИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ТУЗИЛМАСИ**



Биология ўқитувчиси инновацион педагогик фаолият учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда қўйидагиларга эътибор қаратиши зарур:

1. Биология машғулотларида ўрганиладиган мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, мазмунни ёритувчи тақдимот материаллари тайёрлаши, бунда техник инновацион технологияларнинг барча имкониятларидан фойдаланиб, анимация, мультимедиа ва слайдларни тайёрлаш, мазкур воситалардан фойдаланилган машғулотларда талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини педагогик инновациялар асосида лойиҳалаштириш ва амалда қўллаш йўлларини белгилаши;

2. Биологиядан аудиториядан ташқари ишларда талабалар томонидан бажариладиган кузатиш ва тажриба қўйиши топшириклари мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, мазмунни ёритувчи тақдимот материаллари тайёрлаши, бунда техник инновацион технологияларнинг барча имкониятларидан фойдаланиб, анимация, мультимедиа ва слайдларни тайёрлаш, мазкур воситалардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини педагогик инновациялар асосида лойиҳалаштириш ва амалда қўллаш йўлларини белгилаши;

3. Биологик экспедиция ва тўгарак машғулотларда мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, мазмунни ёритувчи тақдимот материаллари тайёрлаши, бунда техник инновацион технологияларнинг барча имкониятларидан фойдаланиб, анимация, мультимедиа ва слайдларни тайёрлаш, мазкур воситалар фойдаланилган машғулотларда талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини педагогик инновациялар асосида лойиҳалаштириш ва амалда қўллаш йўлларини белгилаши;

4. Ўз педагогик маҳоратини орттириш мақсадида мунтазам изланиш олиб бориш, ўқитища инновацион технологияларни қўллаш борасида илғор биология ўқитувчиларининг иш тажрибасини ўрганиш ва амалиётга қўллаши лозим.

### **Назорат саволлари**

1. Инновацион таълим мұхитини яратиш методик тизимини изоҳланг.
2. Аңъанавий ва инновацион таълим мұхитига қиёсий тавсиф беринг.
3. Инновацион технологияларнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганинг.
4. Биология ўқитувчининг инновацион фаолиятини ўрганинг ва уни түлдириш юзасидан таклиф тайёрланг.
5. Биология ўқитувчининг педагогик фаолияти ҳақида тушунча беринг.
6. Ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти таркибий қисмларини изоҳланг.

## 2-мавзу: БИОЛОГИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВЛАР ТАСНИФИ, ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

### Режа:

1. Биологияни ўқитишида инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш муаммолари.
2. Талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини фаоллаштириш муаммолари.
3. Инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштиришда таълим мазмуни, ўқитиши восита, метод ва шаклларнинг уйғунлиги.

**Таянч тушунчалар:** Давлат ва ижтимоий буюртмалар, замонавиј ёндошув турлари тизимли, модулли, инновацион ва талаба шахсига йўналтирилган ёндошув, узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиши принциплари, ўқитиши қонунлари ва принциплари, таълим мазмунининг таркибий қисмлари ва уларни таркиб топтириш босқичлари.

Маълумки, давлат ва жамият ривожининг ҳар бир босқичи шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий-маърифий ва маданий эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда дидактиканинг тарихий ва мантиқий бирликнинг методологик принципига мувофиқ таълим тизими олдига муайян давлат ва ижтимоий буюртмаларни қўяди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, таълим ижтимоий соҳадаги устувор йўналиш деб белгиланди, узлуксиз таълимни жорий этишининг методологик ва назарий асоси бўлган “Таълим тўғрисида”ги Конун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да узлуксиз таълим тизими олдига ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаган ва кейинчалик пухта ўзлаштирган, ижтимоий-сиёсий, хуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратиш, жамият, давлат ва оила олдидағи ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш каби давлат буюртмалари қўйилган.

Жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, мағкуравий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, хуқуқий-демократик жамият қуриш тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда яратилган “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” номли рисолада таълим тизими олдига ижтимоий буюртмалар қўйилган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда мазкур давлат ва ижтимоий буюртмалардан олий таълим муассасаларида биологик фанларни ўқитишига қўйиладиган мақсад ва вазифалар шакллантирилади.

Биологик фанларни ўқитишида ўқитувчи мазкур буюртмаларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар:

- Биологик таълим жараёнида талаба-ёшларни маънавий-аҳлоқий тарбиялаш, маърифий ишларнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;



- Биологик фанлардан ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникатив технологиялардан фойдаланиш;
- Биологик фанларни ўқитишида тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитиши жараёнини жадаллаштириш;
- халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида биологик таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш;
- Биологик таълим жараёнининг ўқув-методик мажмуалар ва дидактик таъминотнинг янги авлоди силабусни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлар устуворлиги асосида биологик таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида талаба-ёшларнинг маънавий ва аҳлоқий фазилатларини ривожлантириш;
- Биологик таълим жараёнида талаба-ёшлар онги ва қалбига миллий ғоя ва мафкурани сингдириш, таълим муассасаларида мафкуравий тарбияни бугунги кун даражасига кўтариш;
- Таълим-тарбия жараёнида таълим ва тарбияни узвийлаштириш орқали талabalарнинг баркамоллигини таъминлаш, хуқукий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиеник таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш;
- Бўлажак педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чукурлаштиришни бажариш лозим.

Мазкур буюртмалар асосида олий таълим муассасаларида биологик фанларни ўқитиши замонавий ёндошувлар мавжуд:

1. Биологик фанларни ўқитиши жараёнига тизимли ёндошув;
2. Биологик фанларни ўқитиши жараёнига модулли ёндошув;
3. Биологик фанларни ўқитиши жараёнига инновацион ёндошув;
4. Биологик фанларни ўқитиши жараёнига талаба шахсига йўналтирилган ёндошув;

Мазкур ёндошувларга хос хусусиятларни аниқлаш биологияни ўқитиши методикасининг долзарб муаммолари саналиб, ҳар бири машғулотлар давомида алоҳида кўриб чиқилади.

Юқорида қайд этилган ёндошувларни муваффақиятли амалга ошириш учун аввало олий таълим тизимида барча ўқув фанлари, хусусан биологик фанларидан ташкил этиладиган ўқитиши жараёнини илмий-назарий асослари бўлган ўқитиши принциплари ва қонуниятларини аниқлаш лозим.

Мазкур принциплар ва қонуниятларни аниқлашда мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларини таҳлил қилиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунида мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари сифатида таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълим узлуксизлиги ва изчиллиги, таълим тизимининг



дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги, таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув, билимли бўлиш ва истеъодни рағбатлантириш кабилар белгиланган.

Маълумки, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари узвий равиша узлуксиз таълим тизимининг фаолият кўрсатиш принципларига бевосита таъсир кўрсатади ва уларни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Конуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, қайта куриш, узлуксиз таълим тизимининг турлари, таълим муассасалари олдидағи вазифалар, кадрлар тайёрлаш миллий моделини амалиётга татбиқ этиш масалалари билан бир қаторда узлуксиз таълим тизимининг қуйидаги фаолият кўрсатиш принциплари қайд этилган:

1. **Таълимнинг устуворлиги** – жамиятимизда таълим устувор йўналиш саналади. Шу сабабли, биологик таълим-тарбия жараёнининг самарали ташкил этилиши юксак маънавиятли, билимли ва салоҳиятли баркамол шахс ва рағбатбарош кадрнинг шаклланишига замин яратади.

2. **Таълимнинг демократлашуви** – таълим ва тарбия жараённида педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш, ўқитиши методларини самарали танлаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқаришда устоз ва таҳсил олувчининг ҳамкорлигига асосланади.

3. **Таълимнинг инсонпарварлашуви** – талабаларнинг қобилиятларини эътиборга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш ва уларнинг билим олишга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши, миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминлаш, инсон, жамият ва иатроф-муҳитнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришга замин яратади.

4. **Таълимнинг ижтимоийлашуви** – таълим олувчиларда онгли интизом, инсоний қадр қиймат туйғуси, юксак маънавият, ижтимоий нормаларга асосланган хулқ-автор, эстетик бой дунёқараш, маданият ва ижодий фикрлашни ташкил этиш назарда тутилади.

5. **Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги** – таълимнинг миллий тарихимиз, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётнинг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлашни таъминлайди.

6. **Таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги** ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришни амалга оширади.

7. **Иқтидорли ёшларни аниқлаш–таълим жараёнини табақалаштириш** ва индивидуаллаштириш асосида иқтидорли ёшларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равиша фундаментал ва маҳсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратишни кўзда тутади.

Республикамида олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақияти узлуксиз таълим тизимининг барча турларида, шу жумладан олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган ўқитиши принциплари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг

асосий принциплари ва узлуксиз таълим тизимининг фаолият күрсатиши принципларига қанчалик мөс келиши ва уларни амалиётта жорий этишга сафарбар этилганлигига боғлиқ.

Олий ўқув юртида кадрларни тайёрлаш сифати шу ўқув юртида ташкил этиладиган таълим тарбия жараёнининг самарадорлигига узвий боғлиқ бўлади.

Олий ўқув юртида ташкил этиладиган таълим тарбия жараёнида ўқитувчининг педагогик фаолияти ва талабаларнинг ўқув билиш фаолияти мақсадга мувофиқ ўзаро узвий ташкил этилиши даражаси кўрсаткичи самарадорлик кўрсаткичи саналади.

Олий ўқув юртида олиб бориладиган таълим тарбия жараёни яхлит тизим ҳолида тасаввур қилиш зарур. 1-жадвалга қаранг.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, олий ўқув юртидаги таълим тарбия жараёнини ташкил этишнинг барча шакллари мазкур таълим муассасаси олдига кўйилган давлат ва ижтимоий буюртмаларни бажаришга хизмат қилиши лозим.

Машғулотлардаги ўқитувчининг фаолияти педагогик фаолияти саналиб, мазкур фаолият таълим мазмунини талабалар онгига етказишга қаратилган ва мазкур мазмундан келиб чиқиб ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларидан фойдаланилади.

Ўқитувчи томонидан тавсия этилган таълим мазмунини ўрганишга замин тайёрлайдиган талабаларнинг фаолияти уларнинг ўқув билиш фаолияти саналади.

Олий ўқув юртининг мақсади ва вазифасидан келиб чиқсан ҳолда таълим мазмуни сараланади, у ўқув курслари бўйича намунавий ўқув дастурида ўз ифодасини топади. Ўқув дастуридаги мазмуннинг талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўқув фанлари бўйича ДТС белгиланади. Шу тариқа тайёрланадиган кадрнинг ўзлаштириши лозим бўлган таълим мазмуни белгиланади.

Дидактик адабиётларда олий ўқув юрти таълим мазмуни 4 таркибий қисмдан иборат бўлиши аниқланган:

1. Билимлар – ғоялар, назариялар, қонуниятлар, тушунчалар ва ҳ.к.
2. Фаолият усуллари – кўникма ва малакалар
3. Ижодий фаолият тажрибалари – мустақил ва ижодий, мантиқий, таҳлилий танқидий фикр юритиш кўникмалари;
4. Қадриятлар тизими;

Олий ўқув юртида ҳар бир ўқув курси бўйича тузиладиган ўқув дастури ва унга мөс ҳолда тайёрланадиган дарсликларда юқорида қайд этилган таълим мазмунининг таркибий қисмлари ўз ифодасини топиши лозим.

Аксари ҳолларда тайёрланган ўқув дастури ва дарсликларда юқорида қайд этилган таълим мазмунининг таркибий қисмларидан фақат билимлар ўз ифодасини топган, қолганлари эътибордан четда қолган.


Бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири, таълим мазмунининг барча таркибий қисмларини ўзида мужассамлаштирган дарсликларни тайёрлаш саналади.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ўз ҳукмронлигини сақлағып көлаётган анъанавий ўқитиши биологик фанларни ўқитиши жараёнига тизимли ёндошувга асос бўлиб хизмат қиласди.

Биологик фанларни ўқитиши жараёнига тизимли ёндошув негизида таълим мазмуни, ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларининг узвийлигини таъминлаш ётади ва таълим–тарбия жараёнининг мазкур таркибий қисмлари бир яхлит тизимни ҳосил қиласди.

Мазкур тизимли ёндошувни жадвал тарзида қуидагича ифодалаш мумкин.


### **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ТИЗИМИ**



*1 жадвал*

Олий ўқув юрти дарсلىклари таълим мазмунини түлиқ қамраб олиши учун аввало, мазкур таълим мазмунининг таркибий қисмларини талабаларда таркиб топтириш босқичларини түлиқ англаб олиш зарур. 2-жадвалга қаранг

### **ОЛИЙ ТАЪЛИМ МАЗМУНИННИГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**




*2 - жадвал*



Талабаларда таълим мазмунининг биринчи таркибий қисми бўлган билимларни шакллантириш босқичлари 3 - жадвалда берилмоқда.

### ТАЛАБАЛАРДА БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ



3 жадвал

Жадвалдан кўриниб турибдики, талабаларда билимларни шакллантириш учун ўқув материалини сезги органлари орқали қабул қилиши лозим.

Шуни қайд этиш керакки, талабалар ўқув материалини сезги органлари орқали қабул қилиши учун дидактикада ўқув материалини саралаш бўйича ишлаб чиқилган қўйидаги принципларга амал қилиш лозим:

1. Фоявий йўналтирилганлик;
2. Илмийлик;
3. Фундаменталлик;
4. Тушунарлилик;
5. Тизимлилик;
6. Мантиқий кетма -кетлик;
7. Узвийлик;
8. Таълимнинг узлуксизлиги;
9. Фанлараро боғланиш;

Талабаларда тасаввур қилиши абстракт тафаккурини ривожлантириш учун дидактикада ишлаб чиқилган юқорида қайд этилган принциплар билан бир қаторда кўргазмалилик, назария ва амалиёт бирлиги принципларга амал қилиш лозим:

Ўрганилган маълумотларни талабалар ёдда сақлаши ва уни назорат қилиш учун ҳар бир мавзу якунида хulosса чиқариш ва талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш учун савол топшириқлар, машқ масалалар берилиши лозим.

Билимларни шакллантиришнинг кейинги босқичларини амалга ошириш учун ўзлаштирилган билимларни таниш одатий, кутилмаган янги вазиятларда қўллаш учун муаммоли тарзда савол топшириқлар, машқ масалалар ишлаб чиқилиши лозим.

Талабаларда таълим мазмунининг иккинчи таркибий қисми бўлган фаолият усуллари – кўникмаларни таркиб топтириш, уни малака даражасига етказиш учун амалий ва лаборатория машғулотлари учун топшириқлар, уларни бажариш юзасидан кўрсатмалар берилиши мақсаддага мувофиқ.

Кўникма таркибига кирадиган иш усулларини аниқлаш, мазкур иш усулларини бажариш, такрор бажариш, амалда қўлланишига эътибор қаратиш лозим. Мазкур босқичларга тўлиқ амал қилингандагина кўникмалар малакага айланишини ёдда тутиш зарур. Талабаларда кўникмаларни таркиб топтириш босқичлари 4 - жадвалда берилмоқда.

Модернизациялаштирилган ва узвийлаштирилган ДТС ва ўқув дастури мазмунига билим, кўникма ва малакалар билан бир қаторда умумий (таянч) ва хусусий биологик компетенциялар киритилган.


**Компетенция** – биология фани бўйича талабаларнинг эгаллаган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётида дуч келадиган амалий ва назарий масалаларни ечишда фойдаланиб, амалиётда қўлай олишидир.

**Компетентлилик** (лот: competens – лаёқатли, қобилияти бор) шахс билим, кўникма ва тажрибаларининг унинг ижтимоий-профессиональ мавқеи ва ўзига тегишли вазифаларни бажариш, муаммолар ҳал қилишга етарлилиги

ҳамда ҳақиқий мослик даражаси. Компетентлилік таркибига соф касбий билим, күникма ва малакалардан ташқари, ташаббускорлик, ҳамкорлик, гурухда ишлаш лаёқати, коммуникатив қобилияты, реал баҳолай олиш, мантиқий фикрлаш, ахборотни саралаш ва фойдалана олиш хусусиятлари ҳам киради. Демак, ҳар бир ўқитувчи биология фанидан таълим бериш жараёнда талабаларда компетентцияни шакллантириш лозим.

**Компетентлик ёндошув** - таълимда компетенциявий ёндошув дейилганды, ўқувчиларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётларида учрайдиган вазиятларда эгаллаган турли типдаги малакаларини самарали равища қўллашга ўргатиш тушунилади.

### **ТАЛАБАЛАРДА КЎНИКМАЛарНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ**



Таълим мазмунининг учинчи таркибий қисми ижодий фаолият тажрибаларини таркиб топтириш учун таълим тарбия жараёнига муаммоли



таълим технологияси асосида муаммоли тарздаги савол топшириқлар, машқ масалалар ишлаб чиқилиши, унда талабалар томонидан мантиқий операцияларни мустақил бажарилиши назарда тутилиши лозим.

Талабаларда ижодий фаолият тажрибаларини шакллантириш босқичлари 5 - жадвалда берилмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, талабаларда ижодий фаолият тажрибаларини шакллантириш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, унинг босқичларига тўлик амал қилингандагина кўзланган натижани олиш мумкин.

Талабаларда ижодий фаолият тажрибаларни шакллантириш учун биология ўқитувчиси ҳар бир машғулотларда ижодий (креатив) ўқув топшириқларидан фойдаланиш лозим.

Биологиядан фойдаланиладиган ижодий (креатив) ўқув топшириқлари жумласига қуидагиларни киритиш мумкин.


1. Қийинлик даражаси ижодий (креатив) ўқув топшириқлари
2. Кейс-стади топшириқлари.
3. Ностандарт тест топшириқлари.

Мазкур топшириқлар талабаларда ижодий фаолиятни шакллантириш ва ривожлантиришга замин яратади.

Биология ўқитувчиси мазкур ўқув топшириқларни тузища албатта ўрганиладиган мавзу мазмунини қайта ишлари, ўқув муаммоларини вужудга келтириши, талабаларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги, кутилмаган вазиятларда қўллашини эътиборда тутиши лозим.

Машғулотлар давомида талабалар мазкур ўқув топшириқларни бажариш жараёнида муаммоларни сезги органлари орқали идрок этиши, тасаввур қилиши, абстракциялаши, муаммони мантиқан мушоҳада қилиши, ақлий операциялар таҳлил, синтез, таққослаш, қиёслаш, умумлаштириш ва хulosса ясаш орқали муаммонинг ечимини топиши назарда тутилади.

## ТАЛАБАЛАРДА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТНИ ШАКЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ



5 жадвал

Таълим мазмунининг тўртинчи таркибий қисми қадриятлар тизимини таркиб топтириш босқичларидан аввал қадриятларга аниқлик киритиш лозим.

Биологик фанлар таълим мазмунидаги қадриятлар таълим-тарбия жараёнида таълим билан тарбиянинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Биологик таълим жараёнида ўрганиладиган мавзунинг мазмунига боғлиқ ҳолда талабаларнинг онги ва қалбига миллий мафкура ғояларини сингдириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, касбий йўналтирилганликни амалга ошириш, баркамолликка йўналтириш қадриятларга мисол бўлади.


Олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шакллари икки гурухга ажратилади:

1. Аудиторияда ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёни шакллари, улар жумласига маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари киради.

2. Аудиториядан ташқари ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёни шакллари, улар жумласига талабаларнинг мустақил таълими ва иши, курс иши, ўқув-дала ва педагогик амалиёт, битирув-малакавий ишлар мансуб бўлади.

Уларни жадвал тарзида қуйидагича ифодалаш мумкин.

Ўқитувчи дастлаб олий таълим муассасаси олдидағи давлат ва ижтимоий буюртма, ўқитиладиган курснинг бўлажак кадрларни тайёрлашдаги ўрнини эътиборга олган ҳолда таълим мазмунини намунавий ва ишчи дастур орқали таҳлил қилади, аудитория ва аудиториядан ташқари ташкил этиладиган ўқув машғулотларини яхлит ҳолда режалаштиради.





Мазкур режа асосида ўзининг педагогик фаолиятини ташкил этади.

Юқорида қайд этилганидек, ўқитувчи ўзининг педагогик фаолиятини ташкил этишда дастлаб:

- олий ўқув юрти олдидаги вазифалар;
- ўқитиладиган фаннинг мутахассисни тайёрлашдаги ўрни;
- таълим-тарбия жараёнинга қўйиладиган замонавий талаблар;
- фани бўйича ўтказиладиган ўқитиш шаклларини ташкил этишга қўйиладиган талабларни узвий равишда тасаввур этиши зарур.

Юқорида қайд этилганлар ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишида дастуруламал бўлиб хизмат қиласди. Шу сабабдан ўқитувчи ўрганиладиган мавзунинг дидактик мақсадини ҳисобга олган ҳолда:

- Маъруза, семинар, лаборатория ва амалий машғулотларда ўқитишнинг самарали воситалари ва методларидан фойдаланиш;
- Таълим-тарбия узвийлигини таъминлаш, талabalарни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, мустақиллик принциплари ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда маънавий ва ахлоқий фазилатларни ривожлантириш йўлларини белгилаш ва амалга ошириш;
- Талabalарни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларини аниқлаш;
- Талаба-ёшлар онги ва қалбига миллий ғояни сингдириш йўлларини белгилаш;
- Талabalарнинг билиш фаолиятини мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва бошқариш, мазкур фаолиятни фаоллаштиришнинг самарали восита ва методларини, ўқув мотивларини ривожлантириш йўлларини аниқлаш;
- Ўқитиша амалий масалаларга эътиборни қаратиш, талabalarda ўқув, амалий ва меҳнат, ижодий ва мустақил фикрлаш кўникмалари, атроф мұхитга онгли муносабатни таркиб топтириш, таълимнинг касбий йўналишини амалга ошириш;

Ўқитиш жараённан тескари алоқани амалга ошириш, яъни талabalарнинг билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштириш даражасини рейтинг тизими орқали мунтазам назорат қилиш, олинган натижаларга мувофиқ ўқитиш



жараёнига тегишли ўзгартеришлар киритиш каби муаммоларни ҳал этиш лозим.

• талабаларни фаннинг назарий асослари ва билимлари билан қуроллантириш, маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мазмуни, воситалари, методлари ва шаклларини уйғун танлаш орқали таълим самарадорлигига эришишни назарда тутиши лозим.

Олий таълимдаги ўқитиши жараёни таълим мазмуни, ўқитиши воситаси, методлари ва шаклларини ташкил қилишнинг кўпқиррали ягона тизим шаклида амалга оширилади.

Олий таълимдаги ўқитишининг шакл ва методлари йигиндиси ўқув жараёнининг объектив қонуниятлари билан белгиланадиган ягона дидактик мажмуани ташкил этади.

Олий таълимдаги ўқитишининг шакл ва методлари таснифи ўзаро боғланган ва ўзаро шартланган икки фаолиятга таянади:

- ўқув жараёнини бошқариш ва ташкил этиш бўйича ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти;

- талабаларнинг ўқув ва билиш фаолияти.

Олий таълимдаги ўқув жараёнининг асосий шаклларидан бири маъруза саналади, маърузада талабалар онгига етказилган назарий билимлар ва масалалар семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, талабаларнинг мустақил таҳсили орқали мустаҳкамланади, ўқув анжуманлари, маслаҳатлар, экспурсия, экспедиция, ўқув-дала, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётда амалга қўлланилади, уларнинг натижалари курс иши ва битирув-малакавий ишларда ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълимдаги ўқув жараёнининг шакллари яхлит тизимни ташкил этади.

Маъруза – у ёки бу илмий масала ёки муаммони тўғри, мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш саналади.

Маъруза ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали талабалар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир.

Мазкур жараёнда ўқитишининг талабаларни таълим олиш ва баркамолликка йўналтириш, ахборот бериш, методологик ва тарбиялаш функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маърузанинг талабаларни таълим олиш ва баркамолликка йўналтириш функциясида талабаларнинг дикқати ўқув курси мазмунидаги асосий гоялар, назариялар, конуниятлар ва қонунларга жалб этиш орқали таълим олиш ва касбни мукаммал эгаллашнинг аҳамияти, ўрганилаётган материалларнинг бўлғуси касбий фаолиятидаги роли ва аҳамияти, уни ўзлаштириш методларига жалб қилинади.


Маърузанинг ахборот бериш функцияси асосий илмий фактлар, қоидалар, хулосаларнинг моҳиятини ёритиш жараёнида ўқитувчи билан талабалар ҳамкорлигига амалга оширилади.

Маърузанинг методологик функциясини қўллаш фаннинг тадқиқот методларини қиёслаш, чоғишириш, илмий изланишнинг тамойиллари ва ёндашувларини билиш, талабаларни келгусида илмий-тадқиқот ишларига жалб этишга замин тайёрлайди.

Маърузанинг тарбиявий функцияси маъруза жараёнида талаба-ёшларнинг онги ва қалбига миллий гояни сингдириш, ўкув материалига ҳиссий баҳо бериш муносабатларини уйғотиши, қизиқишлигини ўстириш, мантикий фикрлаш ва исботлашни ойдинлаштириш йўли билан амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларида фойдаланиладиган маъруза мазмуни ва дидактик мақсадига кўра: кириш маърузаси, муаммоли маъруза ва умумлаштирувчи маърузаларга ажратилади.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МАЪРУЗА ТИПЛАРИ



Ўқув курсларидан ташкил этиладиган кириш маърузасининг дидактик мақсади:

- талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларини янги ва кутилмаган вазиятларда қўллашга ўргатиш;
- талабаларни янги ўқув материалини қабул қилишга тайёрлаш;
- талабаларнинг фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишини орттириш асносида уларнинг бўлгуси кадр ва шахс сифатида ривожланишига замин тайёрлаш;

- ўқув курсининг мазмуні ва бўлғуси кадрларнинг шаклланишида тутган ўрнини эътиборга олган ҳолда фанлараро, мавзулараро боғланишини амалга ошириш саналади.

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МАЪРУЗА ТИПЛАРИНИНГ ДИДАКТИК МАҚСАДЛАРИ**




Ўқув курсларидан ташкил этиладиган муаммоли маъruzanинг дидактик мақсади:

- ўқув дастуридан ўрин олган мавзулар бўйича янги ўқув материалини ўрганиш;

- талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларини янги ва күтилмаган вазиятларда қўллаш ўқув материалыни мустаҳкамлаш;
- фанлараро, мавзуулараро боғланишни амалга ошириш билимларни тизимлаштириш, назорат қилиш ва бўшлиқларни тўлдириш.

### МАЪРУЗА ТИПЛАРИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР



Ўқув курсларидан ташкил этиладиган умумлаштирувчи маъruzанинг дидактик мақсади:

- Талабалар томонидан ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш;

• Талабаларнинг ўзлаштирган билим, күникма ва малакалари асосида таянч ва хусусий компетенция (лаёқати)ни таркиб топтириш, бўлажак кадр сифатида касбий-педагогик тайёргарлигини шакллантириш ва шахс баркамоллигини таъминлаш саналади.

Дидактик адабиётларда маъruzalar типлари ва уларда фойдаланиладиган технологиялар берилганлигини ҳисобга олган ҳолда маъruzalar типларида фойдаланиш тавсия этиладиган технологияларнинг турлари юқорида жадвал тарзида берилди.

### **Маъруза машғулотини ташкил этиш методикаси**

Олий таълим муассасаларида маъруза машғулоти-таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий шаклларидан бири ҳисобланади, шу сабабли ўқитувчи мазкур машғулотни ташкил этиш ва ўтказиш замон талабларига мос лойиҳалаши зарур.

Ўрганиладиган мавзунинг мазмунига кўра аввало, маъруза машғулотининг типи (кириш, муаммоли, умумлаштирувчи), мақсади ва вазифалари, фойдаланиладиган инновацион технологияларни аниқлаб олиш зарур.

- Ўқитувчи ўқув фанининг намунавий дастури асосида шакллантирилган ишчи дастурга мувофиқ тузилган мавзули-тақвим режадан ўрганиладиган мавзуни аниқлаши, тақдимот тайёрлаши, мавзу бўйича Кейс-стади топшириқлари, кичик гуруҳларда ўқитиш методидан фойдаланиш имконини берадиган ўқув топшириқлари мажмуасини тузиши лозим.

- Машғулотнинг ташкилий қисмида саломлашиш одобига мувофиқ саломлашиш, гуруҳда онгли интизомни вужудга келтириш, давоматни аниқлаш, ўтган мавзу бўйича берилган топшириқларни аниқлаш назарда тутилади.

- Ўқитувчи янги мавзу мазмунига асос бўладиган тушунчаларни назарда тутган ҳолда машғулотнинг талабаларнинг билимларини фаоллаштириш қисмида Кейс-стади топшириғи асосида фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишини амалга ошириши, мазкур топшириқлар кенг қамровли, топшириқларнинг мураккаблик даражаси ва кетма-кетлиги талаб даражасида бўлишига эътибор қаратиши ва талабаларнинг ўқув мотивларини кучайтириши лозим. Шу босқичда ўқитувчи ўтган мавзуни якунлаш ва янги мавзу билан боғлаш мақсадида муаммоли методлар ва кўргазма воситалари ёрдамида муаммоли вазиятни вужудга келтириши, талабалар фаолиятини муаммони ҳал этишга йўллаш, талабаларнинг аввалги мавзуларда ўзлаштирган билим, күникма ва малакаларни янги вазиятда қўллашга замин тайёрлаши, улардаги типик хато ва камчиликларни бартараф этиши, якунлашни кенг қамровда ўтказиб, асосий тушунча ва таянч сўзларга ургу берииши, хулоса ясапи зарур.

- Машғулотнинг янги мавзууни ўрганиш қисмida талабаларни янги мавзунинг ўкув мақсадлари, вазифалари, маъруза давомида кичик гурухларнинг машғулот давомида бажариладиган ишлар билан таништириши, Блум таксономияси бўйича шакллантирилган ўкув мақсадларини талабалар зиммасига юклаши талаб этилади. Янги мавзунинг мазмунидаги асосий ғоя, қонунлар, қонуниятлар кўргазма воситалар ёрдамида кенг қамровли ёритилиши, мавзу бўйича тушунча, кўникма ва малакалар талабалар томонидан ўзлаштириш босқичларига амал қилинган ҳолда шакллантирилиши лозим.
- Мавзу баёнида илмийлик, тушунарлилик, тизимлилик, кенг қамровлилик, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбия узвийлиги каби ўқитиши принципларига амал қилиш, мавзу мазмунини маҳаллий ҳамда кўшимча материаллар билан кенгайтиришни амалга оширишга эътибор қаратиш назарда тутилади.
- Мавзу баёнининг самарадорлигини репродуктив (оғзаки, кўргазмали, амалий) ва фаол (муаммоли, мантиқий, ижодий изланишли, дидактик ўйинли ва ҳ.к.) методлар, воситалар (кўргазмали қуроллар, лаборатория жиҳозлари, тарқатма ва дидактик материаллар, ўкув-техник ва компьютер воситаси ва ҳ.к.)дан уйғун фойдаланиш орқали орттириш талаб этилади.
- Маъруза машғулотида ўрганиладиган мавзунинг мазмунига мувофиқ инновацион ва ахборот технологиялар (муаммоли, модулли, дидактик-ўйинли, ҳамкорликда ўқитиши) танланади. Инновацион технологиялар танлагандан мазкур технология талабларига мувофиқ талабалар билиш фаолиятини ташкил этиш назарда тутилади ва уларнинг билим заҳираси, эгалланган кўникма ва малакалари, эргономик, ёш ва психологик хусусиятларига мослиги эътиборга олинади.
- Ўқитувчи талабаларнинг диққатининг давомийлигини эътиборга олган ҳолда машғулот давомида Кейс-стади ва ақлий ҳужум топшириқлари асосида муаммоли вазиятларнинг туғдириши, уларни ҳал этишда талабалар билимидан фойдаланиши, талабаларнинг билиш фаолияти ва уларнинг машғулотда фаол иштирокини таъминлаши лозим.
- Маъруза машғулоти мазмунига боғлиқ ҳолда тақдимот материалларининг мавжудлиги ва ўз ўрнида мақсадга мувофиқ фойдаланиш маъruzанинг самарадорлигини орттиришга замин тайёрлайди.
- Ўқитувчининг вазиятга қараб нутқининг ҳиссиётли, оғир-вазмин бўлиши, дикциянинг аниқлиги, юқори савиядаги мулоқот маданияти, ўкув мақсадлари ва топшириқларини кўя олиши, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш кўникмалари, ўзини тутиши, мимикаси, ҳис - ҳаяжонини бошқара олиши, талабаларга нисбатан педагогик инсонпарварлашган муносабати унинг юксак педагогик маҳоратга эга эканлигидан далолат беради.
- Маъруза мазмунида бугунги куннинг долзарб муаммоларини қамраб олинган, талабаларнинг ғоявий-сиёсий етуклигини ривожлантиришга йўнал-



тирилган, мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда касбий йўналтирилганлик, шунингдек, таълим-тарбиянинг узвийлиги амалга оширилган бўлиши лозим.

Машғулот давомида мантиқий кетма-кетлиқда мавзу режаси тўлиқ ёритилиши, талабалар томонидан мавзу мазмунидаги назария, ғоя, қонуниятлар, тушунча, атамаларни ўзлаштириш жараённида дидактик қонуниятларга амал қилиниши, тушунча ва атамаларнинг изоҳи ёритилиши машғулотнинг замон талабларига жавоб беришини таъминлайди.

Маърузанинг якунида ўқитувчи мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда машғулотни якунлаши, мазкур жараёнда талабаларнинг иштирокини таъминлаши, талабалар жавобидаги типик хато ва камчиликларни бартараф этиши, якунлашни кенг қамровли, асосий тушунча ва таянч сўзларга ургу бериши, хулосалashi лозим.

Олий таълим ўқитиши тизимида маъруза билан биргаликда семинар, амалий ва лаборатория машғулотларидан ҳам фойдаланилади, мазкур ўқитиши шакллари таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, назария ва амалиёт бирлиги функцияларини бажаради.

Олий таълим муассасаларида ўқитиши шаклларидан бири семинар саналади.

### **Семинар машғулотини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси.**

Семинар машғулоти қуйидаги дидактик мақсадларни амалга оширишга хизмат қиласди:

- Талабаларнинг ўқув курслари бўйича ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш орқали илмий дунёқарашини кенгайтириш;
- ДТС билан меъёрланган кўникмаларни малака даражасига етказиш орқали талабаларнинг таянч ва хусусий компетенцияларини шакллантириш;
- Талабаларнинг аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашга замин тайёрлаш;
- Талабаларни илмий-ижод методологияси билан таништириш орқали илмий изланишларга йўллаш;
- Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари ва компетенциялари асосида касбий йўналтирилганликни амалга ошириш.

Ўқитувчи семинар машғулотларининг боришини лойиҳалашда талабалар томонидан бажариладиган иш тартиби, семинар машғулоти мавзусидан келиб чиқсан ҳолда Блум таксономиясига мувофиқ ўқув мақсадлари, мазкур ўқув мақсадларига эришишни таъминлаш учун талабаларнинг кичик гурӯҳлари учун ўқув топшириқлар(Кейс стади, муаммоли савол-топшириқлар, креатив масала машқ)ни шакллантириши ва уларни фан силабусига мавзулар кетма-кетлигига жойлаши ва талабаларни таништириши лозим.

Шуни қайд этиш лозимки, ўқитувчи семинар машғулоти топшириқларини шакллантиришда уларнинг мазмуни ўқитиши шакллари

бўлган маъruzada ўрганилган назарий масалалар, мустақил таълим топшириқлари билан узвий боғлиқ бўлишига эътибор қаратиши зарур.

Семинар машғулотини ташкил этишда қуидаги масалалар ўқитувчининг диққат марказида турмоғи лозим:

- Машғулот бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши;
- Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши;
- Семинар мазмунидаги маълумотларнинг янгилиги ва долзарблиги;
- Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда талабалар онги ва қалбига миллий гояларнинг сингдирилиши;
- Семинар мазмунининг талаба келгусида эгаллайдиган касбга алоқадорлиги, касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши;
- Семинар машғулоти ўқув топшириқларини шакллантиришда талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланишга замин яратиш;
- Семинар машғулоти топшириқлари таркибида фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишга асосланган ўқув топшириқларининг мавжуд бўлиши, улардан мақсадга мувофиқ ўз ўрнида фойдаланиш йўлларини белгилаш;
- Семинар машғулоти топшириқларини бажаришда асос бўладиган тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўникмаларни таркиб топтириш бўйича топшириқлардан ўз ўрнида фойдаланилиш;
- Талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (индивидуал, кичик групкалар)ни танлаш ва шу асосда талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш йўлларини лойиҳалаш;
- Семинар машғулоти мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади топшириқларини тузиш ва ўз вақтида фойдаланиш.
- Семинар машғулоти мазмунига фан янгиликлари, инновацияларни киритиш, талабаларни инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш;

Педагогика назарияси ва амалиётида маъруза машғулотлари каби семинар машғулотлари ҳам уч тури билан фарқланади: кириш, муаммоли ва умумлаштирувчи семинар машғулотлари.

Кириш семинар машғулотлари, асосан, талабаларни мустақил ишнинг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш мақсадида ўтказилади. Унда адабиётлар, маълумотнома-адабиётлар ва бошқа манбалар билан ишлаш усуллари ўргатилади, талабаларни бошлангич шаклда илмий-тадқиқот ишларига ўтишга ҳозирлайди. Мазкур жараён семинар машғулотларининг тайёргарлик шакли ҳисобланади ва одатда ўқув курсини ўрганишнинг биринчи хафтасида ўтказилади.

Кириш семинарида ўқитувчи талабалар билан ҳамкорликда силабусда берилган ўқув топшириқлари, семинар машғулотларининг мавзулари ва

уларда бажариладиган ўқув топшириқларни биргаликда муҳокама қиласы, муайян саволлар бүйічә йўл-йўриқ берилади.

Муаммоли семинар машғулотларида маъруза машғулотларида ёритилган илмий-назарий масалалар юзасидан муҳим вазифалар ҳал қилинади. Ўқитувчи ўрганилган мавзуни дидактик жиҳатдан қайта ишлаб чиқиши, муаммоли савол-топшириқлар тузиши орқали талабаларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашга замин яратиши лозим.

Умумлаштирувчи семинар машғулотлари талабаларнинг курсни ўрганиш давомида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини умумлаштириш, тизимилаштириш, хулоса ясашга замин тайёрлайди.

Ўқитувчи семинар машғулотларининг турлари ва уларнинг дидактик мақсадларини эътиборга олган ҳолда талабалар учун ўқув топшириқларини шакллантириши лозим.

Амалий машғулот атамаси педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. Амалий машғулот атамаси кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради. Амалий машғулотларнинг маърузадан фарқланадиган асосий белгиларидан бири ўқув жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги ўқув мақсадларига эришиш ҳаракатларида қўзга ташланади. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар маърузада илмий билимлар назарий жиҳатдан баён қилинган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чукурлаштирилади, кенгайтирилади ва аниқлаштирилади.

Амалий машғулотлар талабалар билимини мустаҳкамлаш, амалиётга қўллаш ва назорат қилишга хизмат қиласы.

### **Амалий машғулотни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси.**

Амалий машғулот қўйидаги дидактик мақсадларни амалга оширишга хизмат қиласы:

- Талабаларнинг ўқув курслари бүйічә ўзлаштирган назарий билимларини амалиётга қўллаш орқали ДТС билан меъёрланган кўникмаларни таркиб топтириш;
- Таркиб топтирилган кўникмаларни малака даражасига етказиш орқали талабаларнинг таянч ва хусусий компетенцияларини шакллантириш;
- Талабаларнинг аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали ижодий фаолият тажрибаларини эгаллашга замин тайёрлаш;

Ўқитувчи амалий машғулотларнинг боришини лойиҳалашда талабалар томонидан бажариладиган иш тартиби, амалий машғулот мавзусидан келиб чиққан ҳолда Блум таксономиясига мувофиқ ўқув мақсадлари, мазкур ўқув мақсадларига эришишни таъминлаш учун талабаларнинг кичик гуруҳлари учун ўқув топшириқлар(Кейс стади, муаммоли савол-топшириқлар, креатив масала машқ)ни шакллантириши ва уларни фан силабусига мавзулар кетма-кетлигига жойлаши ва талабаларни таништириши лозим.

Шуни қайд этиш лозимки, ўқитувчи амалий машғулот топшириқларини шакллантиришда уларнинг мазмуни ўқитиш шакллари бўлган маъruzada ўрганилган назарий масалалар, мустақил таълим топшириқлари билан узвий боғлиқ бўлишига эътибор қаратиши зарур.

Амалий машғулотни ташкил этишда қўйидаги масалалар ўқитувчининг диққат марказида турмоғи лозим:

- Машғулот бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги куннинг долзарб муаммоларига боғланиши;
- Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши;
- Амалий мазмундаги маълумотларнинг янгилиги ва долзарблиги;
- Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда талабалар онги ва қалбига миллий ғояларнинг сингдирилиши;
- Амалий иш мазмунининг талаба келгусида эгаллайдиган касбга алоқадорлиги, касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши;
- Амалий машғулот иш тартибини шакллантиришда талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланишга замин яратиш;
- Амалий иш топшириқларини бажаришда фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишга асосланган ўқув топшириқларини тайёрлаш, уларни мақсадга мувофиқ ўз ўрнида фойдаланиш;
- Амалий иш топшириқларини бажаришда асос бўладиган тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўникмаларни таркиб топтириш бўйича топшириқлардан ўз ўрнида фойдаланиш;
- Талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилиш шакли (индивидуал, кичик гуруҳлар)ни танлаш ва шу асосда талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш йўлларини лойиҳалаш;
- Амалий иш мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади топшириқларини тузиш ва ўз вақтида фойдаланиш.
- Амалий иш мазмунига фан янгиликлари, инновацияларни киритиш, талабаларни инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш;
- Талабаларнинг амалий иш топшириқларини бажаришга бўлган мотивациясини кучайтириш.

### **Лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.**

Лаборатория машғулотларининг бошқа ўқитиш шаклларидан асосий фарқи талабалар томонидан белгиланган ўқув топшириқлари мустақил равишда бажарилади ёки тажриба ўтказилади.

Лаборатория машғулотида лаборатория ишлари бажарилади, яъни фанда тажриба йўли билан кашф этилган янгиликлар талабалар томонидан лаборатория хонасида “қайта кашф қилинади”.

Шу сабабли, лаборатория машғулоти ўқитиш жараёнида мухим ўрин тутади ва қўйидаги дидактик мақсадлар:



- Талабаларнинг ўқув курслари бўйича ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш орқали кўникма ва малакаларни таркиб топтириш;
- ДТС билан меъёрланган кўникмаларни малака даражасига етказиши орқали талабаларнинг таянч ва хусусий компетенцияларини шакллантириш;
- Талабаларнинг аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш орқали ижодий фаолият тажрибаларини эгаллаш асносида илмий изланишларга йўллаш;
- Талабаларнинг илмий-назарий, шу билан бир қаторда илмий-методик тайёргарлигини орттириш;
- Назария-амалиёт, фан ва ишлаб чиқариш бирлиги бўйича билимларни чуқурлаштиришни амалга оширишга хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда лаборатория машғулотлари талабаларда куйидаги:

- лаборатория ишининг мақсадини аниқ белгилаш;
- лаборатория ишини бажариш тартибини режалаштириш ва босқичмабосқич ўтказа олиш;
- лаборатория ишидан кутиладиган натижани башорат қилиш ва натижани мустақил равишда қўлга киритиш каби ўқув меҳнати кўникмаларини таркиб топтиришга замин тайёрлайди.

Лаборатория машғулотни ташкил этишда куйидаги масалалар ўқитувчининг диққат марказида турмоғи лозим:

- Машғулот бошланишида мавзуга оид муаммоли вазиятнинг вужудга келтирилиши, бугунги қуннинг долзарб муаммоларига боғланиши;
- Назария ва амалиёт, таълим-тарбиянинг узвийлигига амал қилиниши;
- Лаборатория иши мазмунидаги маълумотларнинг янгилиги ва жиҳозларнинг етарли даражада бўлиши;
- Талабаларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган лаборатория ишларини виртуал лаборатория орқали намойиш қилиш;
- Лаборатория иши мазмунининг талаба келгусида эгаллайдиган касбга алоқадорлиги, касбий йўналтирилганликни амалга оширилиши;
- Лаборатория машғулот иш тартибини шакллантиришда талабалар томонидан аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан фойдаланишга замин яратиш;
- Лаборатория иши топшириқларини бажаришда фанлараро, боблараро, мавзулараро боғланишга асосланган ўқув топшириқларини тайёрлаш, уларни мақсадга мувофиқ ўз ўрнида фойдаланиш;
- Лаборатория иши топшириқларини бажаришда асос бўладиган тушунчаларни мустаҳкамлаш мақсадида кўникмаларни таркиб топтириш бўйича топшириқлардан ўз ўрнида фойдаланиш;
- Лаборатория иш мазмунига боғлиқ ҳолда Кейс-стади топшириқларини тузиш ва ўз вақтида фойдаланиш.

- Лаборатория иши мазмунига фан янгиликлари, инновацияларни киритиш, талабаларни инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш;

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасаларида аудиторияда ташкил этиладиган ўқитиш шаклларига маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари киради.

### **Назорат саволлари.**

1. Биологик фанларни ўқитишида замонавий ёндошувлар таснифини ўрганинг. Сиз қайси ёндошув асосида биологик таълим жараёнини ташкил этишни маъқул кўрасиз?
2. Педагогика олий таълим муассасаларида биологияни ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган ўқитишининг шаклларини аниқланг.
3. Биологияни ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган маъruzанинг дидактик мақсади ва функцияларини тушунтириш.
4. Биологияни ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган лаборатория машғулотининг дидактик мақсади ва функцияларини тушунтириш.
5. Биологияни ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган амалий машғулотнинг дидактик мақсади ва функцияларини тушунтириш.
6. Биологияни ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган семинар машғулотининг дидактик мақсади ва функцияларини тушунтириш.
7. Биологияни ўқитиш жараёнида фойдаланиладиган дала амалиётининг дидактик мақсади ва функцияларини тушунтириш.
8. Биологиядан ўтказиладиган педагогик амалиётнинг дидактик мақсади ва функцияларини тушунтириш.
9. Биологик фанларни ўқитишида ташкил этиладиган талабаларнинг мустақил таълимининг дидактик мақсади ва функцияларини тушунтириш.
10. Биологик фанлар бўйича талабаларнинг курс ишининг дидактик мақсади ва функцияларини аниқланг.
11. Талабаларнинг битирув малакавий иши бўйича илмий изланишларни ташкил этиш босқичларини аниқланг.

**3-Мавзу: БИОЛОГИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА МОДУЛЛИ ЁНДАШУВ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**Режа:**

1. Модулли ўқитиш тизимининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Биологик фанларидан таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда модулли ўқитишни амалга ошириш йўллари.
3. Инновацион технологияларнинг мазмуни ва моҳияти
4. Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологияларни қўллаш даражалари, таснифи.
5. Инновацион технологияларнинг хусусий – дидактик ва модуль даражада қўлланилишининг аҳамияти.
6. Виология ўқитувчисининг инновацион фаъолияти. Биология ўқитувчисининг педагогик фаолияти ҳақида тушунча.
7. Ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти таркибий қисмлари.

**Таянч тушунчалар:** Модул, модулли ўқитиш тизими, модулли ўқитиш тизимининг ёндошувлари, ДТС, билим, кўникма, малака, компетенция, рейтинг тизими, ностандарт ўқув ва тест топшириқлари, ўқув мақсадлари. Педагогик технологиялар, мазмуни, моҳияти, умумий дидактик, хусусий методик, модуль (локал) даражা, биология ўқитувчисининг функциялари.

Педагогика олий таълим муассасаларида биологик фанларни ўқитиш жараёнида модулли ёндошувни амалга ошириш учун дидактик адабиётлар таҳлил этилди, ҳорижий мамлакатларнинг илғор иш тажрибалар ўрганилди.

Шуни қайд этиш лозимки, педагогик амалиётда модулли ўқитиш тизими модулларга асосланади ва мазкур тизимга нисбатан 2 хил ёндошув мавжуд:

1- ёндошув. Таълим муассасаси ўқув режасидан ўрин олган ўқув курси модул деб қабул қилиш ва кетма-кетликда ўрганишга ўтказиш.

Республикамида Тошкент тиббиёт академиясида мазкур ёндошув асосида таълим-тарбия жараёни ташкил этилади ва талабалар ўқув режадан ўрин олган курсни белгиланган тартибда кетма-кетликда муайян вақт давомида 1та модулни ўрганади. Таълим-тарбия жараёнидан олинган натижалар сарҳисоб этилгандан сўнг, иккинчи модул бўйича таълим-тарбия жараёни ташкил этилади. Шу тариқа ўқув режадан ўрин олган ўқув курсларидан семестр давомида кетма-кетликда ўқитиш жараёни ташкил этилади.

Мазкур ёндошув Республикаиздаги кўпгина олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнига тажриба-синов сифатида қўлланилди. Тажриба-синов жараёни кутилган натижани бермаганлиги, талабалар ўзлаштирадиган таълим мазмунидан келиб чиқиб,

уларнинг руҳий, жисмоний ва эргономик имкониятлари эътиборга олинган ҳолда мазкур ёндошувнинг амалиётта жорий этиш масаласи кечикирилди.

2- ёндошув. Таълим муассасаси ўқув режасидан ўрин олган ўқув курси боби ёки бўлими модул деб қабул қилиш шу курсларни модулли тизим ўқитиш;

Ўқув режадан ўрин олган курсларни модулли тизимга ўтказиша ҳар бир фан алоҳида модул хисобланиб ўқув дастуридаги ҳар бир боб модул асосида ўқитилиши назарда тутилади.

Биологик фанларни ўқитиша модул тизимидан фойдаланишнинг куйидаги афзаликлари мавжуд:

1. Биологик фанларни ўқитиша модул тизимидан фойдаланиш талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга замин тайёрлайди. Ҳар бир машғулот юзасидан Блум таксономиясига мувофиқ ўқув мақсадларининг аниқланиши ва уларни талабалар зиммасига юклатилиши, уларни ўз ўқув фаолиятининг субъектига айлантиради ва самарадорликни орттиришга замин тайёрлайди.

2. Биологик фанларни ўқитиша модул тизимидан фойдаланиш талабалар томонидан нафақат ДТС билан меъёrlанган билим, кўникма, малакалар балки умумий ва хусусий компетенцияларни шакллантириш орқали педагогик кадрларнинг малака талабларига жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имконини беради.

3. Модуллар таркибидан ўрин олган мавзулар бўйича ўқув мақсадларнинг аниқланиши, унга мос ҳолда назорат топширикларининг ишлаб чиқилиши биологик фанларнинг дидактик таъминотини мазмунан бойитиш, фан силабусини ишлаб чиқилишига замин яратади.

4. Биологик фанларни модулларга бўлиб ўқитиш ва уни мақсадга мувофиқ назорат қилишни йўлга қўйиш талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқ баҳолаш ва уларнинг фаолиятидаги камчиликларга барҳам бериш, билимидаги бўшлиқларни тўлдириш ва коррекциялаш имкониятини яратади.

Биологик фанларни ўқитиша модул тизимидан фойдаланишнинг афзалиги жадвал тарзида ифодаланмоқда.



Биологик фанларни ўқитишида модул тизимидан фойдаланиш учун ўқитувчи қуидаги ишларни амалга ошириши лозим.

Биологик фанларни ўқитишида модул тизимидан фойдаланиш учун биология ўқитувчилари қуидаги ишлар:

1. Биологик фан ўқув дастуридан ўрин олган бобларни мантиқий тугалланган фикрли модулларга айлантириш;
2. Биологик фан ишчи ўқув дастуридан ўрин олган талабаларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билим, қўникма ва малакалар асосида мазкур модул (боб) да талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билим, қўникма ва малакаларни аниқлаш;
3. Мазкур модул (боб) да талабалар ўзлаштириши лозим бўлган билим, қўникма ва малакалар асосида Блум таксономияга асосан ўқув мақсадларни шакллантириш;
4. Мазкур модул (боб) дан ўрин олган маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларнинг талабалар зиммасига юклатиладиган ўқув мақсадларини аниқлаш;
5. Белгиланган ўқув мақсадларига эришиш мақсадида маъруза, лаборатория, амалий ва семинар машғулотларида фанлараро боғланиш, инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлларини белгилаш;
6. Талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, қўникма ва малакаларнинг эгаллаганлик даражасини аниқлаш учун ностандарт ўқув ва тест топшириқларини тузиш орқали жорий, оралиқ ва якуний назорат топшириқларини шакллантиришни амалга ошириши лозим;

Хулоса қилиб айтганда, биологик фанларни ўқитишга модулли ёндошув таълим самарадорлигини орттиришга замин яратади.

Республикамизда жорий этилган олий таълим тизими олдига қўйилган мұхим вазифалардан бири таълим-тарбия жараёнида инновацион мұхитни яратиш саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 - йил 28 - майдаги ПҚ 1761-сонли Қарорида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини юқори даражадаги касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилган.

Ушбу қарорда хорижий мамлакатларнинг илғор иш тажрибасини ўрганган Республикализ олимлари томонидан тавсия этилган педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида фанларни ўқитиш жараёнида педагогик, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларини қўллаш юзасидан тавсия яратиш лозимлиги уқтирилган.

Мазкур маъруза юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида тайёрланиб, унда узлуксиз биологик таълим жараёнида биологияни ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланиш масалалари ўрин олган.

Инновация – инглизча сўздан олинган бўлиб, *in* – киритиш, *novatsya* янгилик деган маънони беради.

Ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланиш ўқитувчидан кўп киррали изланиш ва амалий фаолиятни талаб этади.

Республикамизда олий таълимни жорий этиш жараёнида таълим мазмуни янгиланди, ўқув дастурлари ва ўқув фанлари бўйича ДТС модернизацияланди. Ушбу жараён таълим-тарбия жараёнининг бошқа таркибий қисмлари: ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларини инновация киритиш орқали модернизациялашни талаб этмоқда.

Замон билан ҳамнафас педагогик фаолият юритаётган модератор ўқитувчилар юқорида қайд этилган талабларга монанд ҳолда ўқитишида интерфаол методлар, педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш бўйича дастлабки тажрибаларни эгалламоқда.

Республикамизда жорий этилган олий таълим тизимида инновация куйидаги йўллар орқали татбиқ этилмоқда:

- Ахборот ва коммуникацион технологиялар-технологик инновациялар;
- Таълим-тарбия жараёнининг мазмунини янгилаш, унинг бориши ва талabalарнинг билиш фаолиятини фаоллаштирувчи технологиялар - педагогик инновациялар;
- Таълим соҳасидаги замонавий иқтисодий механизмлар - иқтисодий инновациялар;
- Таълим соҳасидаги замонавий тузилмалар - ташкилий инновациялар;

Маълумки, юқорида қайд этилган инновациялар таълим-тарбия жараёнига комплекс ҳолда жорий этилиши ўқитувчидан муайян методик билим, кўникма ва малакалар, шунингдек, педагогик компетентлик(лаёқат)ни талаб этади.

Ўқитувчининг замонавий методик билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, шунингдек, педагогик компетентлик(лаёқат)нинг мавжудлиги унинг ўз педагогик фаолиятида баркамол шахсни вояга етказишни назарда тутишига асос бўлади.

Кўйида таълим-тарбия жараёнининг мазмунини янгилаш, унинг бориши ва талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштирувчи технологиялар - педагогик инновациялар ҳақида фикр юритилади.

Таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларни муваффақиятли қўллаш учун биология ўқитувчилари маҳсус методик билим ва кўникмаларни эгаллашлари, педагогик амалиётда зарур бўладиган методик тайёргарликка эга бўлишлари лозим.

Педагогик технология атамасига шу муаммо бўйича изланган ҳар бир олим ўз нуқтаи назаридан келиб чиқсан ҳолда таъриф берган. Ҳали бу тушунчага тўлиқ ва ягона таъриф қабул қилинмаган. Ушбу таърифларнинг ичида энг мақсадга мувофиғи ЮНЕСКО томонидан берилган таъриф саналади.

Педагогик технология - ўқитиши шаклларини оптималлаштириш мақсадида ўқитиши ва билимларни ўзлаштириш жараёнида инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Бу ерда инсон салоҳияти дейилганда ўқитувчининг педагогик ва талабаларнинг билиш фаолияти, техник ресурслар деганда ўқитиши методлари ва воситалари назарда тутилмоқда.

Бизнинг назаримизда, педагогик технология - таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитиши ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқитувчининг педагогик ва талабанинг ўқув-билиш фаолиятини уйғун равища ташкил этиш, мазкур фаолиятни фаоллаштириш мақсадида, самарали ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларини қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимлар мажмуасидир.

Педагогик технологияларнинг учта даражаси мавжуд:

1. Умумий методик даражада. Умумий педагогик (умумдидактик, умумтарбиявий) даражада педагогик технологиянинг умумий қонуниятлари, контсептуал асослари, ўқитувчи ва талабанинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ишлаб чиқилади.

2. Хусусий методик даражада муайян бир ўқув фани, курсни ўқитиши жараёнининг мақсади ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида таълим мазмунини талабалар онгига сингдиришда фойдаланиладиган ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларининг мажмуаси тушунилади.

3. Локал (модуль) даражада таълим-тарбия жараёнининг маълум бир қисмида мазкур қисмнинг хусусий дидактик ва тарбиявий мақсадини ҳал этишга қаратилган технология тушунилади.

Педагогик технологияларнинг юқорида қайд этилган учта даражаси бир-бирини түлдиради ва тақозо этади.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги таълим тизимида муваффақиятли қўлланилиб келаётган ва дидактикада ишлаб чиқилган педагогик технологиялар шахсга йўналтирилганлигига, таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқарилишига, шахсга бўлган муносабатига, ҳозирги замон таълим тизимида ҳукмронлик қилаётган анъанавий таълимни мазмунан янгилаш ва таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни тубдан ўзгартиришга қаратилганлигига кўра таснифланади.

Педагогик технологияларнинг қўлланиш даражалари



4. Ҳозирги замон таълим тизимида ҳукмронлик қилаётган анъанавий таълимни мазмунан янгилаш ва таълим-тарбия жараёнини ташкил этишни тубдан ўзгартиришга қаратилган технологияларни дидактик мақсадларига кўра қуидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги педагогик технология;
- Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технология.
- Таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришининг самарадорлигини оширишга қаратилган педагогик технологиялар.
- Ўқув материалини дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаш асосидаги педагогик технология.

Қуидада шу технологияларга қисқача тўхталамиз.

1. Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш асосидаги педагогик технология;

Мазкур технология ўқитувчи ва талаба шахси ўртасидаги муносабатларни мұккаммалаштириш, талаба шахсига индивидуал ёндашиш, таълим-тарбия жараёнини демократлаштириш, таълим мазмунини инсонпарварлық гоялари билан бойитишини назарда тутади.

2. Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга қаратилған педагогик технология. Мазкур технология биологияни ўқитишида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга имкон яратади. Бу технологиялар гурухи дидактик-ўйин, ривожлантирувчи, муаммоли, модулли ва коммуникатив таълим технологияларини ўз ичига олади.

3. Таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқаришнинг самарадорлигини оширишга қаратилған педагогик технологиялар. Ушбу технологиялар биологияни ўқитишида таълим жараёнини мақсадға мувофиқ ташкил этиш ва бошқариш орқали самарадорликни оширишга имкон беради. Уларга дастурли ўқитиши, дифференциал таълим, таълимни индивидуаллаштириш, гурухли ва жамоавий ҳамкорлик уйғунлаштирилган таълим технологиялари киради.

4. Ўқув материалини дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаш асосидаги педагогик технология. Мазкур технология ўқув материалини дидактик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта ишлаш орқали талабаларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнининг самарадорлигини ошириш, ақлий фаолиятни босқичма-босқич шакллантириш орқали мустақил ва эркин фикрлашни ривожлантиришни назарда тутади.

Юқорида қайд этилганидек, педагогик технологиялар таълим жараённанда локал (модуль) ва хусусий методик даражада қўлланилади.

Биология ўқитувчиси талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш мақсадида аввал машғулотнинг маълум босқичида локал (модуль) даражада қўллаши мақсадға мувофиқ. Бунда аввал янги мавзу ўрганилиб, талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўнишка малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда назорат тестлари, турли ўйин машқлар, мусобақа, тренинг ўтказади. Талабаларнинг бу фаолиятга киришиши ва муайян кўнишка ва малакаларни эгаллагандан сўнг, педагогик технологияларга асосланган машғулотларни ўтказиши, яъни хусусий методик даражада қўллаши мумкин.

Хусусий методик даражада машғулотнинг барча босқичлари педагогик технология талаблари асосида ташкил этилади. Бунда ўқитувчи ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қайси технологиядан фойдаланиш, мазкур технология асосида талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари, машғулотда талабаларнинг билиши лозим бўлган ўқув топшириклари, талабаларнинг ўзлаштирган билимини назорат қилиш ва баҳолаш йўлларини белгилаши лозим.

Биз педагогик технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти ва мазмунига кўра икки гурухга ажратдик:

1. Педагогик жараённинг характеристики, бориши ва мазмунини ўзгартиришда қўлланиладиган педагогик технологиялар.

2. Биология машғулотларида фойдаланиладиган технологиялар.

Педагогик жараённинг характеристики, бориши ва мазмунини ўзгартиришда қўлланиладиган педагогик технологиялар гурухига:

- Таълим жараёнини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш технологияси;

- Шахсга йўналтирилган технологиялар;

- Ривожлантирувчи таълим технологиялари;

- Таълимни дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш;

Биология машғулотларида фойдаланиладиган технологиялар гурухига:

- Дидактик ўйин технологияси, муаммоли таълим технологияси, модулли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, лойиҳалаш технологияси ва анъанавий таълим технологиялари киради.

Таълим-тарбия жараёнига қўйилган талаблар ва биологик таълим мазмунининг янгиланиши нафақат ўқитиш методлари, воситалари ва шаклларини такомиллаштириш, балки ўқитувчининг функцияларини қайта кўриб чиқишина тақозо этади.

Маълумки, таълим жараёни талабаларнинг билим олиш, қўнимка ва малакаларни эгаллаш, уларнинг илмий дунёқараси, ижодий изланишларини ривожлантириш мақсадига йўғрилган ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги саналади.

Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчининг фаолияти педагогик фаолият, талабаларнинг фаолияти эса, ўқув - билиш фаолияти саналади.

XXI-аср биология ўқитувчиси ахборот етказиш, раҳбарлик, интерфаоллик, ташкилотчилик, талабаларга тегишли маслаҳат бериш, назорат, тарбиявий, тадқиқот, инновациян ва лойиҳалаш функцияларини эгаллаган бўлиши лозим.

Самарадорликни оширишда ўқитиш жараёнининг ахборот етказиш, ташкилотчиси ва бошқарувчиси бўлган ўқитувчи фаолияти мухим рол ўйнайди.

Ўқитувчининг фаолияти ёш авлоднинг ақлий, ахлоқий, руҳий, жисмоний қобилиятларини уйғун равишда, ривожлантириш мақсадида таълим мазмунига биноан уларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш саналади.

Ушбу фаолият қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- ўқув материалини танлаш, тизимга солиш, мантикий кетма-кетлиқда лойиҳалаш.

- талабаларнинг ўқув материалини қабул қилиш, англаш ва онгли ўзлаштириш имконини берадиган ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларини танлаш.



- педагогик жараённи яхлит ҳолда ҳар бир талабаларнинг ўқитиши мақсадларига мувофиқ ўкув-билиш фаолиятини ташкил этиш, уларнинг билимлар тизими ва билимларни ўзлаштириш усулларини эгаллашларига эришиш.

- талабаларнинг машғулотлар ва аудиториядан ташқари ишлар, экскурсиялар давомидаги ўқув-билиш фаолиятини режалаштириш ва лойихалаш.

- талабаларнинг билим, күнікма ва малакаларни ўзлаштириш усулларини эгаллашга қаратылған онгли ва фаол фаолиятини ташкил этиш ва рағбатлантириш методларини белгилаш.

- талабалар томонидан ўқув топшириқларини бажарылып сифатини орттириш йўлларини белгилаш.

- назорат, ўқитиши натижаларини таҳлил қилиш ва талабалар шахсини ривожлантириш бўйича келгусида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни белгилаш.

- ўқитиши жараёнининг натижасига мувофиқ мазкур жараённи ташкил этиш ва бошқариш юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритиш.

Ўқитувчининг таълим жарёнини бошқариш вазифаси ўқитиши жараённага фақат тегишли ўзгартиришлар киритиш билан чекланмасдан балки, мазкур жараённинг субъекти бўлган талабалар шахсида ахлоқий сифатларнинг шаклланиши, маънавий юксалишни кўзда тутади. Бундай фаолиятни бошқариш учун ўқитувчи аввало фаолият турлари, унга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар, истиқболдаги мақсад ва вазифаларни лойихалаши, олинажак натижаларни фараз қилиши зарур.

Ўқитувчининг ўқитиши жараёнидаги раҳбарлик роли, талабаларнинг ўқув материалини онгли ва фаол ўзлаштириш фаолиятини бошқариш саналади. Бунинг учун у:

- илмий жиҳатдан асосланган Блум таксономиясига мувофиқ ўқув вазифаларини белгилаши;

- талабалар томонидан ушбу вазифаларни амалга оширишга имкон берадиган қулай психологик мұхитни вужудга келтириш;

- ўқув вазифаларини ҳал этиш учун амалга ошириладиган фаолият ҳақида аниқ кўрсатма бериши;

- талабалар дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликларни фараз қилиши, уларга ўз вақтида ва етарли даражада ёрдам кўрсатиши;

- талабаларда ўзаро ҳамкорлик, ёрдам, самимий мулокот, бурч ва маъсулият ҳиссини вужудга келтириши зарур.

Ўқитиши жараёнидаги ўқитувчи фаолиятининг ҳар бир босқичи талабалар фаолиятининг харakterи ва шахсидаги ўзгаришларга олиб келади.

Шу сабабли, ўқитувчи фаолиятни амалга оширишда муайян босқичдаги, ўқув фани ва унинг ҳар бир бўлимидаги ўқитиши мақсадларини аниқ билиши ва чуқур таҳлил қилиши, уларни эволюцион тарзда амалга ошириш йўлларини белгилаши лозим.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактабларида биологияни ўқитиши шакллари: машғулот, машғулотдан ташқари ишлар, экскурсия ва синфдан ташқари машғулотлар саналади.

Таълим-тарбия жараёнига ахборот ва коммуникацион технологиялар, технологик инновациялар, педагогик инновациялар, иқтисодий инновациялар, ташкилий инновациялар кириб келиши муносабати билан биология ўқитувчиси ҳам ўз педагогик фаолиятига инновацияларни киритиши, инновацион педагогик фаолиятга эга бўлишига замин яратадиган замонавий билим, кўникма ва малакаларини эгаллашни ўз олдига мақсад килиб қўйиши лозим.

Юқоридаги фикрларни эътиборга олган ҳолда биология ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти қуйидаги:

1. Биология машғулотларида техник ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлларини лойихалаш ва амалда қўллаш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакалар;


2. Биологияядан аудиториядан ташқари ишларда техник ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлларини лойихалаш ва амалда қўллаш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакалар;

3. Биологик экспедиция ва тадбирларда техник ва инновацион технологиялардан фойдаланиш йўлларини лойихалаш ва амалда қўллаш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакалар;

4. Биологияни ўқитишида инновацион технологияларни қўллаш борасида илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва амалиётга қўллаш каби таркибий қисмлардан иборат.

Биология ўқитувчисининг инновацион фаолияти тузилмасини жадвал тарзида қўйидагича ифодалаш мумкин.

## **БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИСИННИГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ТУЗИЛМАСИ**



Биология ўқитувчиси инновацион педагогик фаолият учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашда қўйидагиларга эътибор қаратиши зарур:

5. Биология машғулотларида ўрганиладиган мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, мазмунни ёритувчи тақдимот материаллари тайёрлаши, бунда техник инновацион технологияларнинг барча имкониятларидан фойдаланиб, анимация, мультимедиа ва слайдларни тайёрлаш, мазкур воситалардан фойдаланилган машғулотларда талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини педагогик инновациялар асосида лойиҳалаштириш ва амалда қўллаш йўлларини белгилаши;

6. Биологиядан аудитопиядан ташқари ишларда талабалар томонидан бажариладиган кузатиш ва тажриба қўйиши топшириклари мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, мазмунни ёритувчи тақдимот материаллари тайёрлаши, бунда техник инновацион технологияларнинг барча имкониятларидан фойдаланиб, анимация, мультимедиа ва слайдларни тайёрлаш, мазкур воситалардан фойдаланган ҳолда талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини педагогик инновациялар асосида лойиҳалаштириш ва амалда қўллаш йўлларини белгилаши;

7. Биологик экспурсия ва тўгарак машғулотиларда мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, мазмунни ёритувчи тақдимот материаллари тайёрлаши, бунда техник инновацион технологияларнинг барча имкониятларидан фойдаланиб, анимация, мультимедиа ва слайдларни тайёрлаш, мазкур воситалар фойдаланилган машғулотларда талабаларнинг ўкув-билиш фаолиятини педагогик инновациялар асосида лойиҳалаштириш ва амалда қўллаш йўлларини белгилаши;

8. Ўз педагогик маҳоратини орттириш мақсадида мунтазам изланиш олиб бориши, ўқитища инновацион технологияларни қўллаш борасида илғор биология ўқитувчиларининг иш тажрибасини ўрганиш ва амалиётга қўллаши лозим.

### **Назорат саволлари**

7. Инновацион технологияларнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганинг.
8. Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялар қандай даражаларда қўлланишини аниқланг.
9. Педагогик технологияларнинг таснифини ўрганинг.
10. Педагогик технологияларни хусусий–дидактик ва модуль даражада қўлланишини тушунтиринг.
11. Педагогик жараённинг характеристики, бориши ва мазмунини ўзгартиришда қўлланиладиган педагогик технологияларни аниқланг.
12. Биология машғулотларида фойдаланиладиган технологияларга таъриф беринг.
13. Виология ўқитувчисининг инновацион фаолиятини ўрганинг ва уни тўлдириш юсасидан таклиф тайёрланг.

14. Биология ўқитувчисининг педагогик фаолияти ҳақида тушунча беринг.
15. Ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти таркибий қисмлари.

#### **4-Мавзу: ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИ ЛОЙИҲАЛАШТИ-РИШДА МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

##### **Режа:**

1. Модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Дидактик мақсадлар мажмуаси, хусусий дидактик мақсадларни аниқлаш йўллари. Ўқитувчининг тайёргарлиги.
3. Инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштиришда фойдаланиладиган модул дастурининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
4. Таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш.
5. Талабаларнинг мустақил билим олиш фаолиятини самарали ташкил этиш йўллари.
6. Модулли машғулотнинг тузилиши ва технологик харитаси.
7. Модулли машғулотнинг анъанавий машғулотлардан фарқи.

##### **1 - модул**

Модулли таълим технологияси модулларга асосланади. Модул лотинча сўздан олинган бўлиб, қисм (блок) деган маънони билдиради.

Таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологияларидан фойдаланишда машғулотда фойдаланиладиган мавзу мантиқий тугалланган фикрли қисмлар, яъни модулларга ажратилади ва ҳар бир қисмни талабалар мустақил ўзлаштиришлари учун ўқув топшириқлари тузилади. Шу ўқув топшириқлари асосида, ҳар бир модул якунида савол-жавоб ўтказилади ва хулоса чиқарилади.

Мазкур машғулотларда талабаларнинг билиш фаолияти модулларни кетма-кет ўзлаштиришларини назарда тутган ҳолда ташкил этилади. Ҳар бир модулни ўзлаштириш жараёни талабаларнинг яхлит билиш фаолиятининг элементи саналади, яъни бир машғулотда яхлит ташкил этилиши кўзда тутилган талабаларнинг ўқув фаолияти мавзу ажратилган модулларга мувофиқ ҳолда ўқув фаолияти элементлари (ЎФЭ)дан ташкил топади. Агар машғулотда ўрганиладиган мавзу мазмуни 4 та модулдан иборат бўлса, талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти мос ҳолда 4 та ўқув фаолияти элементи (ЎФЭ)дан ташкил топади. Шуни қайд этиш керакки, машғулот якунида талабаларнинг ўз фаолиятларини таҳлил қилиши ва ўз-ўзини баҳолашини амалга ошириш максадида модул дастурини якунлаш босқичи бўлади. Шу сабабли фикр юритилаётган ушбу машғулотда фойдаланиладиган модул дастурида 5 та ўқув фаолияти элементи (ЎФЭ) бўлади. Ўқитувчи шу асосда модул дастурини тузади.



Таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири, талабаларга инсоният тарихи давомида яратилған билимларни етказиши, фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишлари учун тегишли шароит яратиши, зарур ахборотларни танлаш ва мустақил ўқиши ўргатиши орқали билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондириши ва қизиқишиларини ортиришдан иборат.

Ушбу вазифаларни анъанавий таълим технологиясидан фойдаланилган ҳолда ҳал этиб бўлмайди, шу сабабли таълим-тарбия жараёнига модулли таълим технологиясини қўллаш зарурати вужудга келди.

Модулли таълимнинг асосий мақияти, талабалар модул дастурлари ёрдамида мустақил ишлашига асосланган ўкув-билиш фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришадилар.

Модул дастурлари мавзунинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадидан келиб чиқадиган модул дастурининг дидактик мақсади, талабаларнинг машғулот давомида бажарадиган ўкув топшириқлари, топшириқларни бажариш бўйича берилган кўрсатмалар, модул дастурини якунлаш қисмини ўзида мужассамлаштиради.

## 2-модул

### **Модул дастурларини тузишда ўқитувчи эътиборини қўйидагиларга каратиши зарур:**

1. Модул дастуридан кўзда тутилган дидактик мақсадни аниқ ёритиши. Анъанавий таълимда, машғулот ишланмасида ўқитувчи машғулотнинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини ўз зиммасига юклайди, яъни талабаларда муайян тушунчаларни шакллантириши, илмий дунёқарашни кенгайтириши, тарбия бериш ва ҳ.к. Модул дастурининг дидактик мақсади машғулотнинг юқорида қайд этилган мақсадларига уйғун ҳолда талабаларнинг зиммасига юклатилади. Шуни қайд этиш керакки, мақсад аниқ бўлса, унга мувофиқ ҳолда тадбирлар қўлланилади ва эришиш осон бўлади.

2. Ўкув материалини ўрганишнинг мантиқий йўналиши (индуktiv ёки дедуктив тарзда берилганлиги)ни аниқлаш. Модулли таълим тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда ўкув материалини мазмунан тугалланган мантиқий кетма-кетлиқдаги кичик қисм (модул)ларга тақсимлаш.

3. Талабалар томонидан ўкув материалларини ҳар бир модули ёки қисмини ўзлаштириши учун ташкил этиладиган ўкув фаолияти усулларини белгилаш.

4. Ўкув фаолияти усулларига боғлиқ ҳолда модул дастуридан ўрин олиши лозим бўлган ўкув элементларини ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш.

5. Талабалар билимини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича дастлабки жорий назорат, ахборот тўплами, ўқитиш мазмунини қайта ишлаш, якуний назорат ва талабалар билимидаги типик камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш йўлларини белгилаш.

6. Талабалар учун асосий ва қўшимча адабиётларни танлаш.

Талабалар модул дастури ёрдамида ўқув материалини мустақил ва ижодий ўрганиш жараёни мазкур мавзуни ўзлаштириш учун дастурда белгиланган вақт доирасида амалга оширилишига эришиши лозим.

Модул дастурини муваффақиятли күллашнинг мұхим шарти, унда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятининг ўқув элементларини түғри танлаштырып. Чунки талабалар модул дастури билан ишлаганда, айнан шу ўқув элементларини бажарадилар.

Биз қуйида ўқув фаолияти элементларининг турлари ҳақида фикр юритамиз.

Модулли дастурда жуда күп ахборот манбаларидан фойдаланилади, шу сабабли ўқув фаолияти элементларини ахборот манбаларига күра тавсифлаш максадға мувофиқ.

Модулли таълим технологиясидан фойдаланишда ўқитувчи қуйидаги мезонларга амал қилиши лозим:

1. Талабаларга мустақил ўзлаштириш учун тавсия этиладиган ўқув материали талабаларнинг ўқув имкониятларини ҳисобға олган ҳолда, улар уddyалай оладиган ва шу билан бирга максимал даражада қийин бўлмаслиги керак.

2. Талабалар ўқув материалини дастурда белгиланган вақт доирасида эгаллашлари керак.

3. Ўқитувчи талабаларни ўқув материалларини мустақил ва ижодий ўзлаштириш кўникмасига эга бўлишига эришиши лозим. Бунда, дастлаб ўқитувчи машгулотга олиб кирадиган ахборотни икки қисмга ажратади. Биринчи қисмини талабалар ўқитувчи ёрдамида иккинчи қисмини ижодий ва мустақил ўзлаштиришлари лозим. Кейин белгиланган мавзуларни модулли машғулот шаклида ўтказишни мўлжаллаб, модул дастурларини тузади.

Модул дастури ўқитувчилар томонидан тузилиб унда ўқитиши мақсадлари мавзуни ўрганиш босқичлари, талабалар томонидан бажариладиган ўқув фаолияти элементлари, талабалар билимини назорат қилиш йўллари кетма-кет ёзилади.

Шуни қайд этиш керакки, модул дастурлари бу - машғулот матни ва ўқитувчи томонидан ўқув материалини режалаштириш эмас, балки талабаларнинг у ёки бу мавзуни мустақил ва ижодий ўрганишларига мўлжалланган ўқув фаолияти дастуриди.

Модул дастурлари ўқитувчилар томонидан тузилиб унда ўқитиши мақсадлари, мавзуни ўрганиш босқичлари, талабалар томонидан бажариладиган ўқув топшириқлари, ўқув фаолияти элементлари, талабалар билимини назорат қилиш йўллари кетма-кет ёзилади.

Куйида ўқув ахбороти манбаларига боғлиқ ҳолда ташкил этиладиган ўқув фаолияти элементларининг турлари жадвал тарзида берилмоқда:

№	Ўқув фаолияти элементи тури	Ўқув ахбороти манбалари
ЎФЭ-1	Матнли ўқув	Дарслик, қўшимча ўқув адабиётлар,

	элементи	газета ва журналлар
ЎФЭ-2	Жадвалли ўқув элементи	Жадваллар, моделлар, диаграммалар
ЎФЭ-3	Кўргазмали ўқув элементи	Таблицалар, расмлар, композициялар
ЎФЭ-4	Оғзаки ўқув элементи	Ўқитувчи ёки маъruzачининг маърузаси, талабаларнинг ахбороти
ЎФЭ-5	Кейс стадили ўқув элементи	Компьютер хотирасига киритилган ахборотлар, таълим дастурлари, мультимедиалар
ЎФЭ-6	Компьютерли, аудио-видео, техник воситали ўқув элементлари	Кинофильм, диафильм, диапозитивлар, видеофильм, магнит тасмалари, дисклар
ЎФЭ-7	Табиий объектли ўқув элементлари	Табиий объектлар, микро ва макропрепаратлар, гербариј, тулум ва х.к.

Модулли машғулотларда, мавзунинг мазмунидан келиб чиқсан ҳолда юқорида қайд этилган ўқув фаолияти элементлардан якка тартибда ёки тегишли ЎФЭ дан мажмуа ҳолда фойдаланиш мүмкин.

### 3-модул

Таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш учун ўқитувчи қуидаги ишларни амалга ошириши лозим:

1. Ўқув материалларини модулли режалаштириш. Ўқув йили бошида қайси мавзуларни модулли таълим технологиясидан фойдаланиб ўрганилишини белгилаш;

2. Мазкур мавзулар бўйича модулли машғулот ишланмаларини лойиҳалаш;

3. Мавзунинг таълимий,тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига мувофиқ ҳолда модул дастурларини тузиш;

Модул дастурлари мазмуни ва моҳиятига кўра:

- Талабаларнинг индивидуал тарзда ишлашига мўлжалланган модул дастурлари ҳар бир талабанинг иқтидори, қизиқиши, билим савияси, ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва орттириш, дарслик устида мустақил ва ижодий ишлаш, ўз-ўзини баҳолаш кўнималарини ривожлантириш;

- Иккита талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастурлари юқорида қайд этилганлардан ташқари, талабаларнинг бир-бирини ўқитиши, ўзаро ҳамкорликда ўқув топшириқларини бажариши ва муаммоларни ҳал этиши, ўзаро назоратни амалга ошириши;

- Талабаларнинг кичик гурӯҳларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастурлари юқоридагилар билан бир қаторда талабалар ўртасида мулоқот, ўқув баҳси ва мунозара, ўзаро ҳамкорлик ва ёрдамни амалга ошириши назарда тутади.

Ўқитувчи мазкур модул дастурларидан аввал индивидуал тарздаги модул дастурларидан қўллаб, талабаларнинг ўқув материаларини мустақил ва ижодий ўзлаштириш кўникмалари шаклланганлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг, иккита талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастурлари, тегишли педагогик шарт шароитлар вужудга келгандан сўнг, кичик гуруҳларда ишлашга мўлжалланган модул дастурларидан фойдаланиши лозим.

Кичик гуруҳлар учун тузилган модул дастурларидан фойдаланища икки хил ёндашув мавжуд:

### 1. Мусобақа усули.

Ўқитувчи талабаларни тенг сонли кичик гуруҳларга ажратиб, модул дастури воситасида мустақил ишларни ташкил этади. Ҳар бир модул якунида савол-жавоб, ўқув баҳси мусобақа тарзида ўтказилади. Гуруҳлар ўртасида ғолиблар аниқланади. Гуруҳ аъзолари ўз фаолиятини ҳамкорларининг фикрини ҳисобга олган ҳолда баҳолайди.

### 2. Кичик консультантлар усули.

Ўқитувчи талабаларни тенг сонли кичик гуруҳларга ажратиб, модул дастури воситасида мустақил ишларни ташкил этади. Ҳар бир гуруҳга кичик консультантлар тайинланади. Кичик консультантлар гуруҳ ишини бошқаради, талабаларнинг фаолиятини назорат қиласи, тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Ҳар бир модул якунида савол-жавоб, ўқув баҳси ўтказилади. Ўзаро назорат орқали талабалар баҳоланади.

Модул дастурининг турлари ва уларнинг моҳияти дидактик мақсадларни амалга ошириш имкониятларини таққослагандан яққол кўринади:

<b>Дидактик мақсадлар</b>	<b>Талабалар-нинг индивидуал ишлашига мўлжалланган модул дастури</b>	<b>Икки талаба ҳамкорликда ишлайдиган модул дастури</b>	<b>Кичик гуруҳларда ҳамкорликда иш-лайдиган модул дастури</b>
Талабаларнинг ўзлаштирган билим савиасини аниқлаш ва орттириш.	+	+	+
Мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш	+	+	+
Ўқув топширикларини бажариш суръатини орттириш.	+	+	+
Ўзаро ҳамкорлик, ёрдамни вужудга келтириш.	+	+	+

Ўз-ўзини баҳолаш күникмаларини ривожлантириш.	+	-	-
Ўзаро назоратни амалга ошириш	-	+	+
Ўзаро мулодотни вужудга келтириш.	-	+	+
Ўкув баҳси ва мунозарани вужудга келтириш.	-	+	+
Ижодий ишлаш ва мустақил фикрлаш күникмаларини таркиб топтириш.	+	+	+

Модулли таълим технологиясига асосланган машғулотларда ўувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти модул дастурлари асосида ташкил этилади. Талабалар ўқув материалини модул дастуридан ўрин олган ўқув топшириқларини сифатли бажариш орқали мустақил ўзлаштирадилар ва ўз ўқув фаолиятининг субъектига айланадилар. Шу тариқа ягона таълим-тарбия жараёнининг иккита субъекти ўқитувчи ва талаба ўқув жараёнидан кўзланган мақсадга эришади.

Ўқитувчи ўқув материалларини модулларга ажратади ва модул дастурини яратади. Ҳар бир модулнинг хусусий дидактик мақсади ва ўқув топшириқларини аниқлайди. Машғулот юзасидан назорат тест топшириқлари ва мустақил иш топшириқларини тузади. Талабаларнинг мустақил ўқув билиш фаолиятини ташкил этади. Модул дастурининг дидактик мақсади ва ўқув топшириқлари билан таништиради. Талабаларнинг модул дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этади. Муаммоли вазиятларни вужудга келтиради, тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради.

Модул дастуридан ўрин олган ҳар бир модул якунда ўқув баҳси, савол-жавоб, мунозара, ақлий хужум ўтказади. Модул дастурини якунлайди.

Кўйида модулли таълим технологиялари асосида ташкил этилган машғулотда ўқитувчи ва талабаларнинг ўқув билиш фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлари билан танишамиз. (3- жадвал)

### ЎҚИТУВЧИННИГ ПЕДАГОГИК ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ БИЛИШ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

ЎҚИТУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ	ТАЛАБАНИНГ ЎҚУВ- БИЛИШ ФАОЛИЯТИ	КЎЗЛАНГАН НАТИЖА
Ўқув материалларини модулларга ажратади ва модул дастурини тузади.		Талабалар фаолиятини мавзу матнини мустақил ва ижодий ўзлаштириш-

Хар бир модулнинг хусусий дидактик мақсади ва ўкув топшириқларини аниклади. Машғулот юзасидан назорат тест топшириқлари ва мустақилиш топшириқларини тузади.		га йўллаш, ўқув билиш фаолиятини босқичмабосқич ташкил этиш.
Талабаларнинг мустақил ўкув билиш фаолиятини ташкил этади. Модул дастурининг дидактик мақсади ва ўкув топшириқлари билан таништиради.	Модул дастурининг дидактик мақсади, модуллар, модулларнинг хусусий дидактик мақсадлари, машғулот давомида бажариладиган ўкув топшириқлари, топшириқлар юзасидан кўрсатмаларни англайди. Ўз ўкув билиш фаолиятини ташкил этади.	Талабаларни модул дастурининг дидактик мақсади, модулларнинг хусусий дидактик мақсадига мувофиқ ўкув билиш фаолиятини ташкил этишга ўргатиш.
Талабаларнинг модул дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этади.	Ўкув материалини мустақил ўзлаштиради, ўкув топшириқларини сифатли бажаради, саволларга жавоб топади.	Асосий ғояни аж-ратиши, мантиқий фикр юритиш, фикрини баён этиш ва асослаш кўникмалари, нутқ ва мулоқотга киришишга эришиш
Муаммоли вазиятларни вужудга келтиради, тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Модул дастуридан ўрин олган ҳар бир модул якуннда ўкув баҳси, савол-жавоб, мунозара, ақлий ҳужумда фаол иштирок этади.	Муаммоли вазиятлардан чиқишининг оптимал вариантларини таклиф этади. Ўкув баҳси, савол-жавоб, мунозара ва ақлий ҳужумда фаол иштирок этади.	Ҳар бир шахснинг касбий ва интеллектуал ривожланишига имкон яратиш. Талабалар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдамни вужудга келтириш.
Модул дастурини якунлаш.	Модул дастурининг дидактик мақсадига мувофиқ ўз ўкув фаолиятини таҳлил қиласи ва баҳолайди.	Ўз ўкув фаолиятини танқидий таҳлил қилиш ва таққослаш, ўз-ўзини назорат ва баҳолашга ўргатиш.
Машғулот юзасидан тест топшириқлари ёрдамида	Тест топшириқлари асосида ўз билимларини	Ўз ўкув фаолиятидаги камчиликларга барҳам

ўқитувчи назоратини амалга ошириш.	назорат қилиш, камчилеклари ва йўл қуйилган хатоларни аниқлаш Уларга барҳам бериш йўлларини излаш.	бериш йўлларини аниқлаш ва ўз устида ишлаш режасини тузишга ўргатиш.
Эришилган натижани таҳлил қилиш. Талабаларга эришилган натижасига мувофиқ ҳолда мустақил ва ижодий иш топшириқларини тавсия этиш.	Ўрганилган мавзуга оид кроссворд ёки ижодий изланишли топшириқларни бажаради.	Талабаларнинг билимларни ўзлаштириш самарадорлигини орттириш.

Маърузада модулли таълим технологиясини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур технологиядан фойдаланиш учун ўқитувчи қўйидаги тайёргарлик ишларини олиб борган бўлиши шарт:

1. Ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари асосида талабаларга қўйиладиган ўқув мақсадларини белгилаш;
2. Ўрганиладиган мавзуни мантиқий тугалланган фикрли модулларга ажратиш, ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларини аниқлаш ва уларнинг иерхаргик даражасини тузиш;
3. Талабаларнинг ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларига эришиш йўлларини назарда тутган ҳолда ўқув топшириқларини тузиш ва унга ажратилган вақт меъёrlарини белгилаш;
4. Модулларнинг кетма-кетлиги асосида модулларнинг хусусий мақсадлари, ўқув топшириқларни яхлит тарзда ўзида мужассамлаштирган модул дастурини лойиҳалаш;
5. Маъруза матни ва модул дастурини машғулотдан бир ҳафта аввал талабаларга тарқатиш;
6. Модул дастурининг уч хил тури бўлишини назарда тутган ҳолда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклини аниқлаш;

*Изоҳ:*

- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни фактik материаллардан иборат бўлиб, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчилик юзага келмаса, у ҳолда модул дастурининг индивидуал ишлаш модул дастуридан фойдаланилади;
- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни фактik материаллар билан бир қаторда илмий-назарий масалалардан иборат бўлиб, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчиликни юзага келтирган ҳолда модул дастурининг икки талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастуридан фойдаланилади;
- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни илмий-назарий масалалар, тушунча ва атамаларни ўзида мужассамлаштирган бўлса, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчиликни юзага келиши табиий бўлган

холда модул дастурининг талабаларнинг кичик гурухларда ҳамкорликда ишлашига мүлжалланган модул дастуридан фойдаланилади;

Хозирги кунда олий таълим муассасаларига уч хил тайёргарликка эга талабалар қабул қилинаётганлиги, уларда ўқув меҳнати ва амалий кўникмаларнинг эгаллаганлик даражаси турлича бўлганлигини инобатга олиб модулли таълим технологиясидан фойдаланишда модул дастурининг талабаларнинг кичик гурухларда ҳамкорликда ишлашига мүлжалланган модул дастури юқори самара бермоқда.

Мазкур модул дастури асосида ишлаганда талабаларнинг кичик гурухлари ўртасида рақобат, гурух сардори гурух аъзолари билан қўшимча ишлаш, машғулотгача модул дастуридан ўрин олган савол-топшириқлар юзасидан тайёргарлик кўриш имконияти вужудга келади.

Ўқув топшириқларининг жамоа орқали қўйилиши, гурух аъзоларининг гурух муваффақиятига ҳисса қўшишга интилиши таълим-тарбия жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи саналади. Гурухнинг эришган натижаларининг таҳлил ва эътироф этилиши талабалар ўқув мотивларини фаоллаштирадиган омил саналади.

Талабаларнинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ўз-ўзини, ўзаро ва ўқитувчи томонидан назорат қилиниши таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиласиди.

Модулли таълим технологияси ўқитиш жараёнида янги мавзуни ўрганишда хусусий методик даражада қўлланилади ва локал даражада қўлланиладиган ақлий хужум, инсерт, кластер, бумеранг, атамалар занжири, блиц, ўйин машқлар билан уйғуллаштирилади.

Талабалар модул дастурининг дидактик мақсади, модуллар, модулларнинг хусусий дидактик мақсадлари, машғулот давомида бажариладиган ўқув топшириқлари, топшириқлар юзасидан кўрсатмаларни англайди. Ўз ўқув билиш фаолиятини ташкил этади. Машғулот матнини мустақил ўзлаштиради, ўқув топшириқларини сифатли бажаради, саволларга жавоб топади. Муаммоли вазиятлардан чиқишининг оптимал варианларини таклиф этади. Ўқув баҳси, савол-жавоб, мунозара ва ақлий хужумда фаол иштирок этади ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитиш жараёнининг самарадорлиги ўқитувчи томонидан талабаларнинг билиш фаолиятини ўқитиш вазифалари ва мақсадларига мувофиқ ташкил эта олиш кўникмаларини эгаллаганлик даражасига боғлиқ бўлади. Модулли таълим технологиясидан фойдаланишнинг афзаллик томонлари, уни анъанавий таълим технологияси билан таққослаганда аниқ кўринади.

№	Анъанавий таълим	Модулли таълим
1.	Машғулотлар бир хил тарзда олиб борилади.	Модул дастури талаблари асосида олиб борилади.
2.	Вақтдан унумли фойдаланилмайди.	Вақтдан самарали фойда-

		ланилади.
3.	Ўқув материалини ўзлаштириш дастлабки босқичда бўлади. Уй вазифасининг ҳажми ортиб кетади.	Талабалар томонидан ўқув материали юқори даражада ўзлаштирилишига, ўз устида мустақил ишлашига имкон яратилади.
4.	Талабаларнинг ўзаро мулоқоти, мустақиллиги, нутқини ривожлантириш имконияти чекланган.	Талабалар якка, жуфт ҳолда кичик гурӯҳларда ишлайди, улар ўртасида дўстона мулоқот, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик вужудга келади, нутқи ривожлантирилади.
5.	Янги мавзуни ўрганишда ўрта савияли талабага нисбатан мўлжал олинади. Талабалар фаолияти суст, тайёр билимларни ўзлаштиришга қаратилади.	Ҳар бир талаба ўз қизиқиши, иқтидорига асосланиб билимини ошириш мақсадида мустақил ва ижодий ишлаб янги билимларни ўзлаштиради.
6.	Талабалар билимини ўқитувчи баҳолайди.	Ўз-ўзини назорат, ўзаро назорат ва ўқитувчи назорати амалга оширилади.
7.	Педагогик муносабатлар авторитар технологияга асосланади.	Педагогик муносабатлар ўзаро ҳамкорликка асосланади.

Кўйида модулли таълим технологиясига асосланган маъруза машғулотининг тузилиши, машғулот ишланмаси берилмоқда.

Модулли таълим технологиясининг талабаларнинг кичик гурӯҳларда ишлашига мўлжалланган модул дастурига асосланган машғулотнинг ишланмаси

Машғулотнинг мавзуси:

Машғулотнинг таълимий мақсади:

Машғулотнинг тарбиявий мақсади:

Машғулотнинг ривожлантирувчи мақсади:

Машғулот жиҳозлари:

Машғулотда фойдаланиладиган технология: Модулли таълим технологияси (талабаларнинг кичик гурӯҳларда ишлашига мўлжалланган модул дастури)

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий кисм

II. Ўтган мавзу юзасидан талабалар билимини тест савол-топшириқлари ёрдамида аниқлаш ва баҳолаш.

III. Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан танишишириш ва уларнинг фаолиятини ўқув топшириқларини бажаришга йўллаш.

IV. Янги мавзуни ўрганиш:

а) янги мавзу бўйича тузилган модул дастурини тарқатиш ва талабаларни модул дастурининг дидактик мақсади билан танишириш;

б) талабаларнинг фаолиятини модул дастуридаги ўкув топшириқларини мустақил бажаришга йўллаш;

в) ҳар бир модул топшириқларининг тўлиқ бажарилишини назорат қилиш, тегишли кўрсатмалар бериш;

г) ҳар бир модул якуннада савол-жавоб ёки мунозара ўтказиш.

Ўқитувчи ушбу машғулотда ўрганиладиган ўкув материалини қуидаги мантиқий тугалланган фикрли қисмга яъни модулга ажратади:

1.

2.

3.

Шу асосда қуидаги модул дастури тузилади.

“ ” мавзуси бўйича талабаларнинг кичик грухларда ишлашига мўлжалланган модул дастури.

Модул дастурининг дидактик мақсади:

Сиз модул дастури ёрдамида талабалар билан кичик грухларда, ҳамкорликда ишлаб, тушунчаларни ўзлаштиришингиз, дарслек устида мустақил ишлаш кўникмаларингизни ривожлантиришингиз зарур.

(Бу ерда машғулотнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари талабалар зиммасига юкланади. Машғулотнинг дидактик мақсадларининг талабалар зиммасига юкланиши, уларнинг билиш фаолиятининг фаол бўлишига олиб келади).

Ўқув фаолияти элементи (ЎФЭ)	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган ўкув материалига оид топшириқлар	Топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмалар	б а х о
1-ЎФЭ 1. 2. 3.	Мақсад: Дарслидаги матнни диққат билан ўқиб чиқиб, қуидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Талабалар грухи билан ҳамкорликда ишланг ва савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
2-ЎФЭ 1. 2. 3.	Мақсад:	Талабалар грухи билан ҳамкорликда ишланг ва савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
3-ЎФЭ 1. 2.	Мақсад:	Талабалар грухи билан ҳамкорликда ишланг ва савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
4.-ЎФЭ	Мақсад: Модул дастурини якунлаш. Модул дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг.	Талабалар грухи билан ҳамкорликда ишланг ва савол-жавобда фаол иштирок этинг.	

<p>Сиз унга қай даражада эришдингиз?</p> <p>Ўзингизнинг ўқув фаолиятингизни беш балли тизимда баҳоланг.</p> <p>Ўқув фаолиятингиздан қониқиши ҳосил қилған бўлсангиз тест топширикларини бажаринг.</p> <p>Агар ўз ўқув фаолиятингиздан эришилган натижа сизни қаноатлантирумаса, модул дастури ёрдамида мавзуни қайта ўрганинг.</p>	<p>Ўз ўқув фаолиятингизни таҳлил қилинг</p>	
--	---	--

V. Талабаларнинг модул дастури ёрдамида мустақил ишларини ташкил этиш. Ҳар бир модул якунида талабалар жамоаси билан савол-жавоб, ўқув мунозарасини ўтказиши.

VI. Модул дастурини якунлаш.

VII. Янги мавзу бўйича талабаларнинг ўзлаштирган билимларини тест топшириқлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

VIII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

IX. Мустақил иш топшириғинибериш.

**Модулли таълим технологиясига асосланган маъruzani  
такомиллаштириш бўйича тавсиялар**

3-вариант

<b>Ташкилий қисм</b>	<b>Талабалар- нинг ўқув мотивларини ривожлан- тириши</b>	<b>Янги мавзуни ўрганиш</b>	<b>Якун ясаш ва хulosалаш</b>	<b>Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.</b>
Давоматни аниқлаш Атамалар варағидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш Ақлий хужум ўтказиши	1-Модул Кичик гуруҳларда ишлаш 2-Модул Кичик гуруҳларда ишлаш 3-Модул Кичик гуруҳларда ишлаш Модул дастурини якунлаш	Ҳар бир модул якунида кичик гуруҳлар ўртасида мунозара ларини ўтказиши Мавзуни умумий якунлаш	Кичик гуруҳларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиши Мустақил иш топшириқлар ини тавофтлаб бериш

Хулоса қилиб айтганда, таълим-тарбия жараёнида модулли таълим технологиясидан фойдаланиш ўқитиш жараёнининг самарадорлигини

орттириш баробарида талабаларнинг билимларни онгли ўзлаштириши, ақлий фаолият усулларини эгаллаши, шахс сифатида баркамоллигини таъминлашга замин яратади.

**Назарат саволлари:**

1. Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишда модулли таълим технологиясининг ўрнини аникланг.
2. Модулли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари ва уларга қўйиладиган талабларни аникланг.
3. Таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш жараёнида модулли таълим технологиясини анъанавий таълим технологияси билан уйғунлаштириш йўлларини тушунтиринг.
4. Модул дастурининг турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аникланг.
5. Модулли машғулотнинг тузилиши ва технологик харитасининг ўзига хос хусусиятларини аникланг.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАЗМУНИ

### 1-машғулот: Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш

Республикамизда жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг асосий бүғини, кадрлар тайёрлаш сифати ва самарадорлигига масъул бўлган олий ўқув юртларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш мұхим аҳамият касб этади.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида педагогик технологиялар уч хил даражада қўлланилади:

1. Умумий дидактик даража – педагогик технологияларнинг концептуал асослари, таълим-тарбия жараёнига қўллаш принциплари, ўзига хос хусусиятлари, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш йўллари ёритилади. Ушбу даражада асосан, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультети, педагогика олий ўқув юртларида “Педагогик технологиялар” курсида фойдаланилади.

2. Хусусий методик даражада – олий ўқув юртларида ўқитиладиган барча курсларнинг мақсади, вазифалари, таълим мазмунини эътиборга олган ҳолда ўқитишида фойдаланилади.

3. Локал (модул) даражада – ўқитиши жараёнининг муайян қисмида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш мақсадида фойдаланилади.

Юқорида қайд этилган фикрлардан кўриниб турибдики, олий таълимда педагогик фаолияти кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларни аввал умумий дидактик даражадаги билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш лозим.

Агар профессор-ўқитувчилар педагогик технологиянинг концептуал асослари, таълим-тарбия жараёнига қўллаш принциплари, ўзига хос хусусиятлари, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш йўлларига оид билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиргмаган бўлса, педагогик технологиядан кўзланган натижага эришиш қийин кечади.

Мазкур билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирган профессор-ўқитувчилар ўзлари масъул бўлган фанларни ўқитишида педагогик технологиялардан хусусий методик даражада муваффақиятли фойдаланиши мумкин.

Хусусий методик даражада қўлланиладиган педагогик технологиялар жумласига дидактик ўйин, муаммоли таълим, модулли таълим, ҳамкорликда ўқитиши, лойиҳалаш технологиялари киради.

Таълим-тарбия жараёнига киритилган ҳар қандай ўзгариш талабаларнинг билиш фаолиятининг ўзгаришига олиб келади. Талабалар педагогик технологияларнинг талабларига мослашиши учун, яъни муайян кўникмаларни эгаллашлари учун таълим-тарбия жараёнида дастлаб педагогик технологиялардан локал даражада фойдаланиш керак.

Локал даражада қўлланилган педагогик технологиялар ўз самарасини бергандан сўнг, хусусий методик даражада фойдаланишга ўтиш мақсадга мувофиқ.

Шуни қайд этиш керакки, анъанавий таълимда ўз ҳукмронлигини сақлаб қолаётган субъект-объект муносабатларига барҳам бериш, педагогик технологияларни қўллаш орқали субъект-субъект муносабатларга ўтиш муайян вақт ва талабалар томонидан мазкур муносабатда иштирок этиш учун зарур бўлган кўнималарни эгаллашларига имкон яратиш лозим.

Таълим-тарбия жараёнига локал даражада қўлланиладиган педагогик технологиялар жумласига “Инсерт”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Ақлий ҳужум”, “Кичик гурухларда ишлаш”, “Атамалар занжири”, “Атамалар варағи” ва ҳ.к киради.

Мазкур технологиялар машғулотларнинг бир қисми, яъни талабаларнинг ўтган мавзу бўйича ўзлаштирган билимларини аниқлаш, талабаларнинг ўқув мотивларини фаоллаштириш ёки мавзуни умумлаштириш ва холоса ясашда фойдаланиш мумкин.

Олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шаклларига маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, курс иши, мустақил таълим, ўқув-ишлаб чиқариш, ўқув ва педагогик амалиётлар киради.

Юқорида қайд этилган таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш шаклларидан маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Маърузада ўрганилиши белгиланган мавзуuning ўқув дастурида тутган ўрни, мақсади, вазифаларига кўра: кириш, муаммоли, мавзули, умумлаштирувчи маъruzalарга бўлинади

Шунга кўра унда фойдаланиладиган педагогик технологиялар турлича бўлиши мумкин.

Анъанавий технологияга асосланган маъруза ҳозирги пайтгача қисқа вақтда катта ҳажмдаги илмий-назарий маълумотларни кенг аудиториядаги кўп сонли таҳсил олувчиларга етказиш имкониятини мавжудлиги билан ўз қимматини йўқотмаган.

Мазкур машғулот турининг асосий камчилиги таҳсил олувчиларга ахборотнинг тайёр ҳолида етказилиши, талабаларнинг билиш фаолияти пассив тингловчи сифатида ташкил этилиши саналади.

Лекин, олий ўқув юртларида ўқитиладиган фундаментал фанларни ўқитишида маъруза жуда қўл келади, фақат юқорида қайд этилган камчиликларга барҳам бериш учун маъruzанинг боришига муайян ўзгартиришлар киритиш тавсия этилади.

Ушбу ўзгартиришларни тасаввур этиш учун қўйида анъанавий таълим технологиясига асосланган маъруза машғулотининг ишланмаси берилмоқда.

**Анъанавий таълим технологиясига асосланган маъруза  
машғулотининг ишланмаси**

Машғулот мавзуси:

Машғулотнинг таълимий мақсади: машғулотда шакллантириладиган тушунчалар ва қўникмалар ўз ифодасини топади. Бунда мавзунинг асосий тушунчалари, атамалари ва таянч сўзларидан фойдаланилади.

Машғулотнинг тарбиявий мақсади: талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, уларни шахс сифатида маънавий-ахлоқий, ақлий, иқтисодий, экологик, эстетик, жисмоний, байналминал, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш назарда тутилади.

Машғулотнинг ривожлантирувчи мақсади: мавзу мазмунини аввалги ўрганилган мавзулардаги қайси тушунчаларини ривожлантириш, албатта ўқув, амалий, мустақил ва ижодий фикрлаш қўникмаларини ривожлантириш қайд этилади ва машғулот давомида амалга ошириш йўллари белгиланади.

Машғулот жиҳозлари: мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув ва кўргазмали жиҳозлар, воситалар бирма-бир қайд этилади.

Машғулот тури: маъруза;

Машғулотда фойдаланиладиган технология: Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кичик гуруҳларда ишлаш методи анъанавий таълим технологиясининг маъруза шакли билан уйғунлаштирилган ҳолда.

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм – З босқичдан иборат бўлиб, унда саломлашиш, ўқув хонасининг санитария-гигиеник ҳолати, талабаларнинг машғулотга тайёргарлиги, давомат ва ўтган мавзуни аниқлаш, талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш ва эътибори, дикқатини жамлаш амалга оширилади.

II. Ўтган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш. – баҳолашнинг бошқа турларидан фойдаланиш ҳам мумкин, лекин унда талабаларнинг ҳаммасини баҳолаш имконияти бўлмайди. Бу эса, машғулот самарадорлигини аниқлаш имкониятини бермайди.

III. Ўтган мавзуни якунлаш ва талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш. –машғулотнинг бу босқичи муҳим ўрин тутади. Бу босқичда аввалги мавзунининг асосий тушунчаларини таъкидлаш, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини қайд этиш, уларнинг билимидаги камчиликларга барҳам бериш, талабаларни рағбатлантириш, уларнинг олдига янги мавзуни ўрганиш бўйича мақсад ва вазифаларнинг тўғри қўйилиши машғулот самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

IV. Янги мавзу бўйича ўқитувчининг ахбороти:

Маърузанинг режаси:

1.

2.

3.(Бу ерда режа асосида матн берилади)

Ўқитувчи янги мавзуни күргазмали воситалар ёрдамида баён этганидан сўнг, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этади.

V. Талабаларни кичик гуруҳларга ажратиш ҳамда ўкув топшириқларини мустақил равища сифатли бажарилишига эришиш.

Машғулотнинг бу босқичи учун ўқитувчи аввалдан мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда талабалар томонидан ўзлаштириши, мустаҳкамланиши ва умумлаштирилиши лозим бўлган материаллар юзасидан ўкув топшириқлари тузади. Талабаларнинг машғулот давомида ўкув мотивларини ривожлантириш мақсадида кичик гуруҳларга ажратилади, топшириқнинг мақсади тушунтирилади ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмалар берилади. Машғулотнинг шу босқичида талабаларнинг билиш фаолияти жуда юқори бўлади, чунки ўқитиши мақсадларининг маълум қисми кичик гуруҳ аъзолари зиммасига юкланди. Талабалар мақсадга эришиш учун фаол изланадилар, улар ўртасида ўкув баҳси, фикр алмашинув вужудга келади. Шу аснода талабаларнинг ўкув, амалий ва мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга замин яратилади.

Кичик гуруҳлар ўртасида мусобақа ва рақобат вужудга келтирилади. Бу ўкув материалининг Талабалар томонидан онгли ўзлаштирилишига, ўз фикрини баён этиш, ўртоқларининг фикрини таҳлил қилиш ва уларни тўлдириш имконини беради. Кичик гуруҳлар учун тавсия этиладиган ўкув топшириқларининг жадвали намуна сифатида берилмоқда.

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўкув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1. 2. 3. 4.	Дарсликдаги матнни дикқат билан ўқиб, қуидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Фикрингизни асосланг Талабалар билан ўтказиладиган савол жавобда фаол иштирок этинг.

VI. Янги мавзу юзасидан талабалар ўртасида савол-жавоб, ўкув баҳси ўюштириш.

VII. Талабалар билимини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

VIII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

IX. Мустақил иш топшириғини бериш.

Ўқитувчи машғулот ишланмасини лойиҳалагандан сўнг, мазкур машғулотнинг технология харитасини тузади.

Технологик харита З қисмдан иборат бўлиб, унда машғулотнинг технологик босқичлари, улар учун ажратилган вақт, ўқитувчи ва талабаларнинг бажарадиган ишлари босқичма-босқич қайд этилади. Юқорида фикр юритилган маъруза машғулотнинг технологик харитаси қуйидагича бўлади:

“ ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР	ЎҚИТУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ	ТАЛАБАНИНГ ФАОЛИЯТИ
I босқич Ташкилий қисм 5-минут	Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таниширади.	Машғулот мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажари-ладиган топшириқларни англайди.
II босқич Ўтган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш 10-минут	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириқлари ёрдамида Талабаларнинг билимларини назорат қиласи ва баҳолайди.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириқларини бажаради.
III босқич Янги мавзуни ўрганиш. 30-минут	Маърузани режа асосида баён этади.	Маъруза режасидан ўрин олган масалаларнинг моҳиятини тушуниб этади.
10-минут	Талабаларнинг кичик грухларда мустақил ишини ташкил этади. Ўқув топшириғининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириқлари билан таниширади ва мустақил бажарилишини таъминлайди.	Ўқув дастурининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириғи юзасидан кўрсатмаларни англайди. Талабалар билан ҳамкорликда ўқув фаолиятини ташкил этади. Ўқув материалини мустақил ўзлаштиради.
IV босқич Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш. 10-минут V босқич Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш. 5-минут	Кичик грухлар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозара ўтказади. Тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириқлари, саволлар ва дидактик жадваллар беради.	Кичик грухлар ўртасида ўтказиладиган савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозарада фаол иштирок этади. Тест топшириқлари, саволлар ва дидактик жадвалларни бажаради.
	Кичик грухлар фаолияти ва натижага таҳлил қилинади, Талабаларга мустақил ва ижодий иш топшириқларини	Ўз ўқув фаолияти ва эришилган натижасини таҳлил

	беради.	қиласы да бағолайды. Мустақил да ижодий иш топшириқларини олади.
--	---------	---

Машғулот технологик харитасининг мұккаммал тузилиши, мақсад да вазифаларни амалга ошириш, самарадорликка эришиш да босқичлар ўртасидаги узвийликни таъминлаш, вақтдан унумли фойдаланиш имконини беради.

Анъанавий таълим технологиясига асосланган маъruzada инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш бўйича тавсиялар

Ташкилий қисм	Талабалар-нинг ўкув мотивларини ривожлантириш	Янги мавзуни ўрганиш.	Якун ясаш ва холосалаш	Мустақил иш топшириқларини бериш
Давоматни аниклаш Аввалги маъruzani қисқача эсга тушириш	Қизиқарли аналогиялар, ўрганиладиган мавзу материаларидан мустақил ҳаёт да касбий фаолиятдаги ўрни ёритилади	Мавзу тайёр ахборот шаклида режага мувофиқ етказилади, талабаларнинг билиш фаолияти пассив тингловчи ҳолатида ташкил этилади	Ўқитувчи томонидан амалга оширилади	Кўрсатма шаклида

Маъruzada инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш бўйича тавсиялар

### 1-вариант

Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг кичик гуруҳларда ишлаш методини анъанавий таълим технологиясига асосланган маъруза билан уйғунлаштирилган машғулотнинг тузилиши

Ташкилий қисм	Талабалар-нинг ўкув мотивларини ривожлантириш	Янги мавзуни ўрганиш.	Якун ясаш ва холосалаш	Мустақил иш топшириқларини бериш
Давоматни аниклаш Аввалги мавзуни қисқача эсга тушириш	Қизиқарли аналогиялар, ўрганиладиган мавзу материаларидан мустақил ҳаёт да касбий фаолиятдаги ўрни ёритилади	Мавзу муайян қисми режага мувофиқ етказилади, Талабаларнинг билиш фаолияти кичик гуруҳларда ишлаш методига	Ўқитувчи томонидан амалга оширилади	Кўрсатма шаклида

Маърузада инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш бўйича тавсиялар  
2-вариант

Ташкилий қисм	Талабалар-нинг ўқув мотивларини ривожлантириш	Янги мавзуни ўрганиш.	Якун ясаш ва холосалаш	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.
Давоматни аниклаш <b>Атамалар варагидан фойдаланиш</b> Тушунча ва атамаларнинг изохини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиши <b>Ақлий ҳужум ўтказиш</b>	Маъруза Кичик гурухларда ишлаш Маъруза Кичик гурухларда ишлаш	Кичик гурухлар ўртасида мунозара ларини ўтказиш	<b>Кичик гурухларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш</b> Мустақил иш топшириқларини тавофтублаб бериш

Юқорида берилган тавсиялардан маърузанинг боришини ўзгартирмаган ҳолда, мавзу мазмунида тушунча ва атамалар, илмий-назарий масалалар ўрин олган ҳолларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Дастлаб маърузани тавсияга мувофиқ ташкил этилиши талабалар томонидан билимларни мустақил ўзлаштириш, мавзу мазмунидаги асосий ғояни ажратиш, ўз фикрини баён этиш, мустақил фикр юритиш кўнималарини таркиб топтириш имконини беради.

Маърузада талабаларнинг кичик гурухларда мустақил ишларининг ташкил этилиши уларнинг билиш фаолиятини ташкил этишда муайян ўзгартиришлар киритилишига замин тайёрлайди, шунингдек, талабаларни объект мақомидан ажралиб, субъект мақомига ўтишга замин тайёрланади.

Маърузада модулли таълим технологиясидан фойдаланиш мұхим аҳамият касб этади. Мазкур технологиядан фойдаланиш учун ўқитувчи куйидаги тайёргарлик ишларини олиб борган бўлиши шарт:

1. Ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари асосида талабаларга қўйиладиган ўқув мақсадларини белгилаш;
2. Ўрганиладиган мавзуни мантиқий тугалланган фикрли модулларга ажратиш, ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларини аниклаш ва уларнинг иерхаргик даражасини тузиш;

3. Талабаларнинг ҳар бир модулнинг хусусий мақсадларига эришиш ўйларини назарда тутган ҳолда ўқув топшириқларини тузиш ва унга ажратилган вақт меъёрларини белгилаш;

4. Модулларнинг кетма-кетлиги асосида модулларнинг хусусий мақсадлари, ўкув топшириқларни яхлит тарзда ўзида мужассамлаштирган модул дастурини лойиҳалаш;

5. Маъруза матни ва модул дастурини машғулотдан бир ҳафта аввал талабаларга тарқатиш;

6. Модул дастурининг уч хил тури бўлишини назарда тутган ҳолда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш шаклини аниқлаш;

Изоҳ:

- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни фактик материаллардан иборат бўлиб, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчилик юзага келмаса, у ҳолда модул дастурининг индивидуал ишлаш модул дастуридан фойдаланилади;

- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни фактик материаллар билан бир қаторда илмий-назарий масалалардан иборат бўлиб, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчиликни юзага келтирган ҳолда модул дастурининг икки талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастуридан фойдаланилади;

- Агар ўрганиладиган мавзу мазмуни илмий-назарий масалалар, тушунча ва атамаларни ўзида мужассамлаштирган бўлса, талабалар томонидан ўзлаштиришида қийинчиликни юзага келиши табиий бўлган ҳолда модул дастурининг талабаларнинг кичик гурухларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастуридан фойдаланилади;

Хозирги кунда олий таълим муассасаларига уч хил тайёргарликка эга талабалар қабул қилинаётганлиги, уларда ўкув меҳнати ва амалий кўникмаларнинг эгаллаганлик даражаси турлича бўлганлигини инобатга олиб модулли таълим технологиясидан фойдаланишда модул дастурининг талабаларнинг кичик гурухларда ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастури юқори самара бермоқда.

Мазкур модул дастури асосида ишлаганда талабаларнинг кичик гурухлари ўртасида рақобат, гурух сардори гурух аъзолари билан қўшимча ишлаш, машғулотгача модул дастуридан ўрин олган савол-топшириклар юзасидан тайёргарлик кўриш имконияти вужудга келади.

Ўкув топширикларининг жамоа орқали қўйилиши, гурух аъзоларининг гурух муваффақиятига ҳисса қўшишга интилиши таълим-тарбия жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи саналади.

Гурухнинг эришган натижаларининг таҳлил ва эътироф этилиши талабалар ўкув мотивларини фаоллаштирадиган омил саналади.

Талабаларнинг эгаллаган билим, қўникма ва малакаларини ўз-ўзини, ўзаро ва ўқитувчи томонидан назорат қилиниши таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Модулли таълим технологияси ўқитиши жараёнида янги мавзуни ўрганишда хусусий методик даражада қўлланилади ва локал даражада қўлланиладиган ақлий хужум, инсерт, кластер, бумеранг, атамалар занжири, блиц, ўйин машқлар билан уйғунлаштирилади.



Қуйида модулли таълим технологиясига асосланған маъруза машғулотининг тузилиши, машғулот ишланмаси берилмоқда.

Модулли таълим технологиясига асосланған маърузада инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш бўйича тавсиялар

### 3-вариант

Ташкилий қисм	Талабалар-нинг ўқув мотивларини ривожланиши	Янги мавзуни ўрганиш.	Якун ясаш ва холосалаш	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.
Давоматни аниқлаш <b>Атамалар варагидан фойдаланиш</b> Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш <b>Ақлий ҳужум ўтказиш</b>	Модуллар юзасидан кичик гуруҳларда ишлаш <b>Модул дастурини якунлаш</b>	Модул якунида ўқув мунозара ларини ўтказиш <b>Мавзуни умумий якунлаш</b>	Кичик гуруҳларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириклари-ни тавофтутлаб бериш

### Назорат саволлари:

1. Таълим-тарбия жараёнида инновацион фойдаланишнинг дидактик мақсадларини аниқланг.

2. Таълим-тарбия жараёнида инновацион фойдаланиш даражаларини белгиланг.

3. Биологияни ўқитишида педагогик технологиялардан локал ва хусусий методик даражаларда фойдаланиш бўйича методик тавсияларни кўриб чиқинг. Сиз яна нималарга эътибор қаратиш лозим деб топасиз?

Олий ўқув юртларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишининг асосий шакли бўлган маърузада инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш бўйича тавсияларни ўрганинг. Мазкур педагогик технологияларда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этишининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

4. Инновацион технологияларга асосланған маъруза ва анъанавий маърузада талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилишини таққосланг.

5. Инновацион технологияларга асосланған маъруза ва анъанавий маърузада ўқитувчининг педагогик фаолиятини таққосланг.

6. Инновацион технологияларга асосланған маъруза ва анъанавий маърузанинг боришини таққосланг ва уларнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан фикр билдиринг.

7. Маърузада инновацион таълим мұхитини лойиҳалаштириш бўйича тавсиялар асосида лаборатория, амалий ва семинар машғулотларида



инновацион таълим мұхитини вужудга келтириш имконини берадиган тавсиялар тайёрланг.

## **2-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА ЛОКАЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

### **Режа:**

1. Локал ва хусусий-методик даражадаги инновацион технологиялар.
2. Маңруза, семинар ва амалий машғулотларда локал даражадаги технологиялардан фойдаланиш.
3. Кейс стади, ақлий ҳужум, атамалар занжири, Кластер, Венн диаграммасидан фойдаланиш орқали талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўллари.

Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим–тарбия жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш учун машғулотнинг талабаларнинг ўтган мавзу юзасидан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш, уларни тизимлаштириш, янги мавзу юзасидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ва баҳолаш, шунингдек, янги мавзуни ўрганиш жараёнида локал технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўқитишида локал даражадаги педагогик технологиялардан “Кейс”, “Инсерт”, “Кластер”, Венн диаграммаси, “Ақлий ҳужум”, “Кичик гурухларда ишлаш”, “Атамалар занжири”, “Атамалар вараги”, тезкор ўйинлар ва ўйин машқларнинг турли шаклларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Кейс стади (**case study**) биологик жараёnlарни ўрганишда аниқ ёки муайян ўқув муаммоли вазиятларни вужудга келтириш методи бўлиб, талабаларда муаммоли вазиятларни ҳал этиш йўлларини эгаллаш, муаммоли вазиятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, ахборот манбалари билан ишлаш орқали муаммоли вазиятда келтирилган ҳолатнинг ҳар бир босқичини англаш, ахборотни таҳлил қилиш ва синтезлаш, фараз ва хуносаларни таҳлил қилиш, муқобил вариантларни ишлаб чиқиш, кичик гуруҳ аъзоларининг фикрларини тинглаш ва таҳлил қилиш орқали қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш асносида илмий дунёқарашни ривожлантириш, ижодий фаолиятга йўллашга замин тайёрлайди.

Кейс стади (**case study**) методининг дидактик мақсади кичик гурухларда муаммоли ўқув вазиятларни талабалар ҳамкорликда таҳлил қилиниши, мазкур муаммоларни ҳал этиш учун назарий ва амалий ечимларни ишлаб чиқиш саналади.

Биологияни ўқитишида фойдаланиладиган кейс стади топширикларини талабалар томонидан амалга ошириладиган фаолият турларига қўра қўйидаги гурухларга ажратиш мумкин:



- Ахборотларни түплаш ва умумлаштириш талаб этиладиган топшириқлар.
- Матндарни хато ва камчиликларни түғрилаш талаб этиладиган топшириқлар.
- Биологик объектларни қиёслаш ва хulosса чиқариш талаб этиладиган топшириқлар.
- Биологик объектлар үртасидаги алоқадорликни аниклаш талаб этиладиган топшириқлар.
- Биологик объектларнинг ташқи мұхитта мослашганлик белгиларини аниклаш талаб этиладиган топшириқлар.
- Биологик объектларда борадиган жараён ва мосланишлар үртасидаги қарама қаршиликларни аниклаш талаб этиладиган топшириқлар.
- Биологик объектларда борадиган жараёнларни кузатиш талаб этиладиган топшириқлар.
- Биологик объектларда борадиган жараён ва ҳодисалар юзасидан гипотеза ва хulosалар чиқариш талаб этиладиган топшириқлар.
- Биологик объект ёки уларда борадиган жараёнлар юзасидан олиб борилған кузатиш ва тажриба натижаларини тушунтириш талаб этиладиган топшириқлар.
- Биологик гипотезаларни таҳлил қилиш ва хulosса чиқариш талаб этиладиган топшириқлар.

Мазкур топшириқлар биологияни ўқитишнинг мазмунини бойитади ва талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштиради.

Биологияни ўқитишида фойдаланиладиган Кейс стади (*case study*) топшириқларини ҳал этишида талабалар томонидан фойдаланиладиган тушунчаларнинг мазмун ва моҳиятига кўра қуидаги гурухларга ажратиш мумкин:

**1. Анатомик мазмундаги Кейс стади топшириқлари.** Бунда талабалар тирик организмлар ва уларнинг органлари тузилишидаги ўзгаришлар ҳақидаги муаммони ҳал этиш талаб этилади. Бу мазмундаги Кейс стади топшириқлари тирик организмларнинг тузилиши ва функционал бирлиги тамойилини мустаҳкам эгаллашга имкон яратади. Организмларнинг мослашганлиги ва унинг нисбийлигини ўрганишда қуидаги топшириқдан фойдаланиш тавсия этилади.

Тана узунлиги 3мм бўлган кана 20 см баландликка сакраб, иссиққонли ҳайвон танасига ўтади. Агар одамда ҳам худди шундай сакраш қобилияти бўлганда бўйининг узунлиги 150 см бўлган одам қанча баландликка сакрай олишини аниқланг.

**2. Морфологик мазмундаги Кейс стади топшириқлари.** Бунда талабалар тирик организмлар ва уларнинг органлари тузилишидаги ўзгаришларни экологик мұхит билан боғлиқлиги ҳақидаги муаммони ҳал этиш талаб этилади. Бу мазмундаги Кейс стади топшириқлари тирик организмлар ва атроф мұхит, уларнинг узвийлиги ва ўзаро алоқадорлиги



тамойилини мустаҳкам әгаллашга имкон яратади. Ушбу топшириққа қуидаги мисолни келтириш мүмкін.

Сизга бир нечта зебранинг расмлари берилди. Сиз уларнинг ичидан танаси бир хил чизикқа эга бўлган зебраларни гуруҳлашингиз лозим. Ушбу вазифани муваффақиятли бажариш мүмкінми? Сабабини тушунтиринг.

**3. Физиологик мазмундаги Кейс стади топшириқлари.** Бунда талабалар тирик организмлар ва уларнинг органларида борадиган хаётий жараёнлар, улардаги ўзига хос хусусиятлар ҳақидаги муаммони ҳал этиш талаб этилади. Бу мазмундаги Кейс стади топшириқлари тирик организмларнинг тузилиши ва функционал бирлиги тамойилини мустаҳкам әгаллашга имкон яратади. Организмларда борадиган жараёнларнинг моҳиятини тушунишда қуидаги Кейс стади топшириғидан фойдаланиш тавсия этилади.

Турналарнинг уясида бешта полапони бор эди, ота-она турналар битта нимжон палопонни уядан атайлаб тушириб юбориши. Отa-она турналар полапонлари учун овқатни уянинг четига қўя бошлишди, улар учирма бўлишдан аввал озиқлантиришни тўхтатиши. Ушбу ҳолатларга изоҳ беринг.

**4. Систематик мазмундаги Кейс стади топшириқлари.** Бунда талабалар тирик организмлар ва уларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таснифлаш ҳақидаги муаммони ҳал этиш талаб этилади.

**5. Экологик мазмундаги Кейс стади топшириқлари.** Бунда талабалар тирик организмларнинг яшаш мұхитига мослашиши, уларнинг органлари тузилишидаги ўзгаришларнинг экологик мұхит билан боғлиқлиги, экологик омиллар ҳақидаги муаммони ҳал этиш талаб этилади. Бу мазмундаги Кейс стади топшириқлари тирик организмлар ва атроф мұхит, уларнинг узвийлиги ва ўзаро алоқадорлиги тамойилини мустаҳкам әгаллашга имкон яратади. Ушбу топшириққа қуидаги мисолни келтириш мүмкін.

Кузда балиқ 3200 та тухум қўйди, кейинги йилнинг баҳорида кўлга 640 та балиқ тухумдан чиқди ва 64 та балиқ денгизга қўчди. Орадан икки ярим йил ўтгач фақат 2та балиқ кўпайиш учун кўлга келди. Балиқ ҳаётида нобуд бўлишига олиб келадиган омиллар ва уларнинг нобуд бўлиш эҳтимоллигини % ларда ҳисобланг.

Биология ўқитувчиси томонидан Кейс стади топшириқларининг мазмунни ва моҳиятини англаған ҳолда талабаларнинг билиш фаолиятидаги фаоллаштириш мақсадида фойдаланиладиган методларни аниқлаши лозим.

### **КЕЙС СТАДИ ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ ЖАРАЁНИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАРНИНГ ТАВСИФИ**

К/С	МЕТОДЛАР	КЕЙС СТАДИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕТОДЛАРНИНГ ТАВСИФИ
1.	Моделлаштириш	Муаммоли вазиятнинг моделини тузиш
2.	Тизимли таҳлил	Тизимли тасаввур ва муаммоли вазиятни таҳлил қилиш

3.	Абстракт эксперимент	Муаммоли вазиятни фикран таҳлил қилиш ва уни ўзгартириш орқали билимларни ўзлаштириш
4.	Тавсифлаш	Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва тавсифлаш
5.	Муаммоли метод	Муаммоли вазиятнинг асосини ташкил этадиган муаммоларни тассавур қилиш ва ҳал этиш йўлларини аниқлаш
6.	Таснифлаш	Муаммоли вазиятнинг хоссалари, хусусиятларининг кетма-кетлиги ва тартибини аниқлаш.
7.	Дидактик ўйин методи	Муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва вазиятда иштирок этадиган организмларнинг ҳатти-ҳаракат варианtlарини ишлаб чиқиш
8.	Ақлий ҳужум	Муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва уни ҳал этиш юзасидан фоялар тизими니 ишлаб чиқиш
9.	Баҳс мунозара	Муаммоли ўқув топшириғидаги вазиятни таҳлил этиш ва унинг ечими юзасидан фикр алмашиш
10.	Амалий метод	Муаммоли ўқув топшириғидаги вазиятни таҳлил этиш ва унинг ечимини амалда қўллаш юзасидан фикр билдириш

Таълим-тарбия жараёнида кейс стади (case-study) дан фойдаланишдан кўзланган асосий дидактик мақсад талабалар томонидан мураккаб ўқув муаммоларини аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни амалиётга қўллаш орқали уларнинг таҳлилий ва мантиқий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш саналади.

Ўқитишида дастур мазмунидаги эволюцион тушунчалар етакчилик қилган, шунингдек мунозарали “Ўсимликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши”, “Ҳайвонот оламининг пайдо бўлиши ва ривожланиши” каби мавзуларни ўқитишида фойдаланиш мумкин.

Таълим-тарбия жараёнида Кейсдан фойдаланиш учун ўқитувчи:

- Дастур мазмунидаги муаммоли мавзуларни аниқлаши, шу мавзуларни ўқитиши учун муаммоли савол-топшириқлар тузиши;
- Машғулот давомида муаммоли савол-топшириқларнинг қийинчилик даражасига кўра якка тартибда ёки талабаларнинг кичик гурухларида мустақил ишларни ташкил этилишини аниқлаши;
- Талабаларнинг билиш фаолиятини мазкур муаммоларни ҳал этиш, ўқув мунозаралари орқали мулоқотга киритиш йўлларини режалаштириши;
- Муаммоли савол-топшириқлар асосида ташкил этилган ўқув мунозараларида якуний фикрни вужудга келтириши лозим.

Ўқитишида расмни изоҳлашни талаб этадиган биологик диктантлар мухим ўрин тутиб, талабаларда объектларни таниш, объектлар ўртасида



боғланишларни аниклашда ҳам Кейс стадидан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Кейс стади қуидаги босқич асосида ташкил этилади:

I – босқич. Талабалардан тенг сонли кичик гурухларни шакллантириш.

II – босқич. Кичик гурухларга муайян жараённи ўрганиш мақсадида шакллантирилган муаммоли саволлардан иборат бўлган ўқув топшириклигини тарқатиш ва уларни топшириқнинг дидактик мақсади билан танишишириш.

III – босқич. Талабаларнинг билиш фаолиятини ўқув муаммоларини ҳал этишга йўналтириш.

IV – босқич. Талабаларнинг муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича ахборотларини тинглаш.

V – босқич. Кичик гурухлар ўртасида ўқув баҳси ва мунозара ўтказиши

VI – босқич. Умумий хулоса ясаш.

“Кейс стади” қўлланилганда талабалар аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб, билимларини кенгайтиради, чуқурлаштиради, ақлий фаолият усусларини эгаллайди, шахс сифатида ақлий ривожланиши ва касбий тайёргарлиги ортади.

Талабаларнинг билиш фаолиятининг бу тарзда ташкил этилиши уларда ижодий фаолиятни таркиб топтиришга имкон яратади.

Дастур мазмунидаги фақат фактик материалларни ўрганиш назарда тутилган мавзуларда инсертдан фойдаланиш тавсия этилади.

Инсерт – локал даражадаги педагогик технология бўлиб, талабалар томонидан ўқув материалидаги асосий ғоя ва фактик материалларни англашига замин яратиш мақсадида қўлланилади.

Талабаларни инсерт ёрдамида ишлаш қўнимларини ривожлантириш учун уларга ўрганиладиган ўқув материаллари ва маҳсус жадвал тарқатилади. Талабалар ҳар бир абзацни ўрганиб чиқиб, маҳсус жадвалга муайян символлар ёрдамида белгилаш тавсия этилади.

Агар абзацда берилган маълумот шу кунгача ўзлаштирган билимларига мос келса, “Биламан” – V, агар маълумотлар тушунарли ва янги бўлса, у ҳолда “Маъқуллайман” +, агар маълумотлар талабалар ўзлаштирган билимларига мос келмаса, у ҳолда “Ўрганиш лозим”-, талабалар ўқув материалларини ўзлаштиришда қийинчилик ҳис этса, у ҳолда “Тушунмадим” -? белгисини қўяди.

Инсертда фойдаланиладиган маҳсус жадвал

Абзацлар №	“Биламан” – V	“Маъқуллайман” +	“Ўрганиш лозим”-	“Тушунмадим” -?
1.				
2.				
3.				
4 ва ҳ.к.				



Таълим-тарбия жараёнида Инсертдан фойдаланишда күйидаги талабларга амал қилиниши:

- Талабалар кичик гурухга ажаратилади, лекин инсерт воситасида дастлаб ҳар бир талаба якка тартибда ишлайди ва жадвални түлдириши, гурух аъзолари белгиланган муддатда ишлашни якунлаганларидан сўнг, фикрларини таққослаши;

- Ўқув баҳси орқали кичик гурух аъзоларининг жадвалдаги белгиларининг бир хил бўлишини таъминлаш, яъни жадвалдаги кейинги икки устуни бўйича бир хилликка эришиш;

- Ўқитувчи ўқув материали асосида тузилган савол-топшириклари ва кичик гурух аъзоларининг жадвалдаги белгилари асосида ўқув баҳсини ташкил этиши лозим.

Инсерт билан ишлашнинг афзаллик томони аввал кичик гурух аъзолари ўртасида, сўнг кичик гурухлар билан ўзаро ўқув баҳси ўтказилиши, баҳсда талабалар томонидан йўл кўйилган камчиликларни түлдириш, билимидаги бўшлиқларни түлдириш юзасидан ўқитувчи томонидан берилган ахборот таълим самарадорлигига хизмат қиласи.

Инсертдан фойдаланилган ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги ахборот манбаи функцияси бир мунча камайиб, талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш ва назорат функциялари ортади. Шу сабабли, ўқитувчи бу масалаларни пухта режалаштириши ва амалга ошириши лозим.

Ўқитишида талабаларнинг ўзлаштирган билимларини тизимлаштириш, мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида Кластердан фойдаланиш мухим ўрин тутади.

Кластер – cluster - инглиз тилида шажара деган маънени англатади. Ушбу локал технология талабалар томонидан ўзлаштирган ва ўзлаштирадиган ғоя, назария, қонуният ва тушунчалар ўртасидаги боғланишини англаш, бир-бирига узвийлигини тушунишга имкон яратиб таҳлилий-танқидий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришга замин тайёрлади.

Кластерни тузиш күйидаги тартибда амалга оширилади:

- Ўқув курси мазмунидаги муайян ғоя доска ёки қофоз ўртасига ёзилади;

- Ушбу ғоя билан боғлиқ қонуниятлар, тушунчалар бир-бирига боғлиқ ҳолати кўрсаткич билан белгиланади, сўнгра мазкур қонуният ва тушунчаларнинг фактик маълумотлари график тарзда ёзилади ва тармоқ ҳосил қилинади.

- Аввал ўрганилган мавзу ва ўрганиладиган мавзу ўртасидаги боғланишлар ҳақида хулоса чиқарилади.

Кластердан фойдаланиладиган машғулотларда талабалар тенг сонли кичик гурухларга ажратилиб, уларга ўқув топширигининг дидактик мақсади ва бажарилиш тартиби тушунтирилгандан сўнг, улар ажратилган вақт ичida фикрларини жамлаб, ўзлари тузган Кластерни ҳимоя қилиб, фикрларини

далиллашга имкон яратилиб, энг яхши ва асосли тузилган Кластер аниқланади, ғолиблар рағбатлантирилади.

Таълим-тарбия жараёнида локал даражада қўлланиладиган технологиялардан бири- Венн диаграммаси бўлиб, уни ишлаб чиқсан инглиз олими Джон Венн номи билан юритилади.

Венн диаграммаси ўрганилаётган мавзудан ўрин олган факт, тушунча ва жараёнларни таҳлил қилиш, синтезлаш ва таққослашни талаб этади. Ушбу диаграммадан табиий танланиш ва сунъий танлаш, табиий танланиш, яшаш учун кураш шаклларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва таққослашда фойдаланиш мумкин. Венн диаграммаси куйидаги кўринишда бўлиши тавсия этилади.



Таълим-тарбия жараёнида талабалар томонидан тушунча ва атамаларни мустаҳкам ўзлаштиришга замин тайёрлаш мухим ўрин тутади, шу сабабли ўқитувчи ҳар бир боб ва мавзуулар мазмунидаги тушунча ва атамаларни “Атамалар занжири” тизимига келтириши керак.

“Атамалар занжири” бу атамалар ва уларнинг таърифлари бўлиб, улардан ўқитувчи ўтган мавзууни якунлаш, янги ўрганилган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида машғулотнинг бир қисмида фойдаланилганлиги сабабли, локал технологиялар гурухига киритиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур технологиядан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга бир неча усулда ёндошиш мумкин.

- Талабалар кичик гуруҳларга ажратилиб, гуруҳ аъзоларидан кичик консультант тайёрланади. Кичик консультант унга берилган топшириқдаги атамалар асосида гуруҳ аъзоларини карточка воситасида баҳолайди. Бунда талабалар айтилган атамаларнинг изоҳини айтиши ёки изоҳга қараб атамани аниқлаши мумкин. Ҳар бир тўғри жавоб учун карточка берилганлиги сабабли, карточкалар сони уларнинг тўплаган балини белгилайди.

- Талабаларга боб ва мавзуулар мазмунидаги тушунча ва атамалар рўйхати берилади. Уларнинг мазмуни ва моҳиятига кўра ўзаро мантиқий боғланган занжир Кластер ҳолига келтириш талаб этилади. Ушбу ёндошув қўп вақтни талаб этса-да самарадорлиги юқори бўлиб, талабаларнинг мантиқий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш имконини беради.

- “Атамалар занжири”дан ўтган мавзууни якунлаш қисмида фойдаланилганда талабаларнинг кичик гуруҳ аъзоларидан оғзаки ҳолда



атамаларни кетма-кет аввалгиларни тақрорлаган ҳолда мазмуни ва моҳиятига қўра ўзаро боғлиқ ҳолда янги атама қўшиши талаб этилади. Гурухнинг биринчи иштирокчиси битта атама билан бошлаган ўйин якунида гуруҳ аъзолари сонига тенг атамалар занжири вужудга келади. Иккинчи босқичда мазкур атамаларга таъриф бериш ва уларни изоҳлаш талаб этади.

### **3-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУҲИТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА ДИДАКТИК ЎЙИН ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

#### **Режа:**

1. Маъруза, семинар ва амалий машғулотларда дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш.
2. Машғулотлар ишланмаси ва технологик харита тузиш.
3. Машғулотларда дидактик ўйин технологияси ва локал даражадаги технологияларни уйғунлаштириш.

**Таянч тушунчалар:** Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, таълим самарадорлигини ошириш, технологияларнинг дидактик функциялари, дидактик ўйин технологиялари, сюжетли-ролли, тақдимот, ижодий ўйин, конференциялар, ўйин машқлар.

Олий таълим муассасаларида биологияни ўқитища инновацион таълим мұхитини вужудга келтириш, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва ўқитиша самарадорлигини ошириш масаласи дидактика шунингдек, биология ўқитиша методикаси фанининг асосий муаммоларидан бири саналади.

Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш деганда, талабаларда юқори даражадаги мотив, билим ва қўнималарни ўзлаштиришга бўлган онгли эҳтиёж, натижанинг юқорилиги ва ижтимоий меъёрларга мос ҳулқининг пайдо бўлиши тушунилади.

Мазкур типдаги фаоллик ҳар доим ҳам вужудга келавермайди, факат ўқитувчининг мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиши ва қулай педагогик-психологик мұхитни ташкил этиш маҳорати туфайлигина вужудга келади.

Таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш ва қулай ижтимоий-психологик мұхитни вужудга келтириши ўқитувчи томонидан қўлланилган педагогик технологияларга боғлиқ бўлади.

Дидактикада ишлаб чиқилган ҳар қандай технология талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиласи, лекин қўйидаги технологияларда мазкур масала асосий ғояни эгаллайди:

- Дидактик ўйин технологиялари.
- Муаммоли таълим технологиялари.

- Модулли таълим технологиялари.
- Ҳамкорликда ўқитиш технологияси.
- Лойиҳалаш технологияси.

Талабаларнинг билиш фаолиятини фаолллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши билан биргаликда, таълим жараёнида таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, ижодий фаолиятга йўлловчи, коммуникатив, мантиқий фикрлаш, ақлий фаолият усулларини шакллантириш, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, касбга йўллаш, мўлжални тўғри олишга ўргатиш, ҳамкорликни вужудга келтириш каби функцияларни бажаради.

Бироқ, педагогик технологияларнинг функцияларини таққослагандага бу функциялар бир хил даражада ўрин эгалламаслиги маълум бўлди.

Дидактик ўйинли технологиясида етакчи ўринларни таълим берувчи, ривожлантирувчи, тарбияловчи, коммуникатив функциялар эгаллаб, қолган функциялар уларга илова бўлади.

Муаммоли таълим технологиясида ақлий фаолият усулларини шакллантириш, ижодий фаолиятга йўллаш, мантиқий фикрлашни ривожлантириш функциялари етакчи ўринни эгаллайди, қолган функциялар уларга гўёки бўйсунади. Шу аснода бошқа технологияларнинг ҳам дидактик функцияларини таҳлил этиш мумкин.

#### Педагогик технологияларнинг дидактик функциялари

Педагогик технологияларнинг функциялари	Дидактика ўйинли	Муаммоли таълим	Модулли таълим	Ҳамкорликда ўқитиш	Лойиҳалаш
Таълим бериш	1	5	1	3	7
Ривожлантириш	2	4	2	4	8
Тарбиялаш	3	6	3	5	9
Ижодий фаолиятга йўллаш	8	3	6	6	1
Коммуникатив	4	9	4	1	6
Мантиқий фикрлашни ривожлантириш	6	2	7	7	5
Ақлий фаолият усулларини шакллантириш	7	1	8	8	4
Ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилиш	10	7	10	9	3
Касбга йўллаш	11	10	11	10	2
Мўлжални тўғри олишга ўргатиш	5	8	9	11	11
Ҳамкорликни вужудга келтириш	9	11	5	2	10

Ўқитувчи машғулотда ўрганиладиган мавзунинг таълимий, тарбиявий ва риовжлантирувчи мақсадлари ва педагогик технологияларнинг дидактик функцияларини ҳисобга олган ҳолда қайси технологиядан фойдаланишини илмий-методик асосда танлагандагина кўзланган мақсадга ва самарадорликка эришади.

Таълим жараёнида дидактик ўйинли технологиялар дидактик ўйинли машғулот шаклида қўлланилади. Ушбу машғулотларда талабаларнинг билим олиш жараёнини ўйин фаолияти билан уйғунлаштирилади. Шу сабабли, талабаларнинг билим олиш фаолияти, ўйин фаолияти билан уйғунлашган машғулотлар дидактик ўйинли машғулотлар деб аталади.

Инсон ҳаётида ўйин фаолияти қуидаги функцияларни бажаради:

- Ўйин ҳар доим шахснинг маълум бир фаолиятга бўлган қизиқишини орттиради.
  - Ўйин давомида шахснинг мулоқотга киришиши коммуникатив - мулоқот маданиятини эгаллашга ёрдам беради.
  - Шахснинг ўз иқтидори, қизиқиши билимини ва ўзлигини намоён этишга имкон яратади.
  - Ҳаётда ва ўйин жараёнида юз берадиган турли қийинчиликларни енгишга, мўлжални тўғри олиш кўникмалари таркиб топади.
  - Ўйин жараёнида ижтимоий нормаларга мос хулқ-авторни эгаллаш, камчиликларга барҳам бериш имконияти яратилади.
  - Шахс структурасига тегишли ўзгартиришлар киритилади, яъни ижобий хислат ва фазилатларни шакллантиришга замин тайёрлайди.
  - Инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар тизими, айниқса ижтимоий, маънавий-маданий қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилади.
  - Ўйин иштирокчиларида жамоавий мулоқот маданиятини ривожлантириш кўзда тутилади.

Ўйин фаолияти ўзининг қуидаги хусусиятлари билан тавсифланади:

1. Ўйин иштирокчилари ролларни, вазифаларни танлаши натижасида эркин ривожлантирувчи фаолият, яъни талабаларнинг ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилиши, мақсадга мувофиқ натижага эришган ҳолларда ўз фаолиятидан кўнгли тўлиши, ўз билими ва кучига ишонч вужудга келади.
2. Ижодий мухит таркиб топади. Ўйин иштирокчилари муаммоларни ҳал этишда тегишли ижодий ва мустақил фаолиятга эга бўладилар.
3. Ўйин давомида мусобақа, рақобат, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келади. Шу аснода ҳис-ҳаяжонли вазият пайдо бўлади. Ҳис-ҳаяжонга йўғрилган билим, кўникмалар инсон хотирасида бир умр муҳрланиб қолади.
4. Ўйин давомида белгиланган қонун-қоидаларга амал қилинади. Ўйин иштирокчиларида ижтимоий нормаларга мос онгли интизом вужудга келишига замин тайёрлайди.
5. Ўйин мазмуни, бориши, мантиқий кетма-кетлиги, вақт баланси ва талабаларнинг муаммоли вазиятларни зудлик билан ҳал этиш, мўлжални тўғри олишга ўргатади.

Бошқа ўқув ва меңнат фаолияти каби ўйин фаолияти таркибига қуидагилар:

- а) ўйиннинг сюжети;
- б) ўйин иштирокчилари бажарадиган муайян роллар, вазифалар;
- в) ушбу ролларни амалга ошириш учун бажариладиган амаллар (усуллар);
- г) реал ёки шартли равищдаги ўйин воситаларидан фойдаланиш;
- д) ўйин иштирокчилари ўртасидаги муносабат, муроқот киради.

Талабаларнинг билиш фаолиятини ўйин фаолияти билан уйғун ҳолда ташкил этиш қуидаги босқичлардан иборат бўлади:

- Дидактик ўйиндан кўзда тутилган мақсадни аниқлаш,
- Дидактик ўйин сюжети ва иштирокчилар фаолиятини лойиҳалаш;
- Ўйиндан кўзда тутилган мақсадни амалга ошириш йўлларини белгилаш;
- Дидактик ўйинни мақсадга мувофиқ ташкил этиш, унинг мазмуни, бориши, мантиқий кетма-кетлиги, вақт баланси ва талабаларнинг муаммоли вазиятларни зудлик билан ҳал этишига эътиборни қаратиш;
- Ўйин иштирокчиларини рағбатлантириш;
- Олингандан натижаларни таҳлил қилиш;
- Олингандан натижаларга мувофиқ ҳолда ўйин структураси ва боришига тегишли ўзгартиришлар киритиш;

Дидактик ўйинли машғулотлар орқали қуидаги функциялар амалга оширилади:

1. Таълим-тарбия бериш;
2. Шахсни ривожлантириш;
3. Талабаларни ижодий фаолиятга йўналтириш;
4. Билимларни назорат ва таҳлил қилиш;
5. Касблар билан таништириш ва касбга йўналтириш;
6. Талабаларнинг муроқот ва нутқ маданиятини ривожлантириш;

Таълим-тарбия жараёнида бу функциялар мажмуа ҳолда амалга оширилади, лекин қуидада ўрганиладиган дидактик ўйин турларида қайсиadir функция устунлик қиласи. Масалан, конференция машғулотларида шахсни ривожлантириш устунлик қиласи, қолган функциялар унга илова бўлади, ўйин машқларда билимларни назорат ва таҳлил қилиш устунлик қиласи, қолган функциялар уни тўлдиради ва х.к.

Ўқитувчи дидактик ўйинли машғулотларни ўтказишга қизғин тайёргарлик кўриши ва уни ўтказишда қуидаги дидактик талабларга амал қилиши лозим:

1. Дидактик ўйинли машғулотлар дастурда қайд этилган мавзуларнинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши;
2. Амалиётдаги ва жамиятдаги мухим муаммоларга бағишиланиб, улар ўйин давомида ҳал қилиниши;

3. Баркамол шахсни тарбиялаш тамойилларига, шарқона одоб-аҳлоқ нормаларига мос келиши;

4. Ўйин структураси мантиқий кетма-кетликда бўлиши;

5. Мазкур машғулотларда дидактик принципларга амал қилиниши ва энг кам вақт сарфланишига эришиш керак.

6. Дидактик ўйинли машғулотларнинг муваффақияти, аввало талабаларнинг мазкур ўйинларга пухта ва қизғин тайёргарлик кўришларига, ўқитувчининг мазкур фаолиятни ташкил этиш ва моҳирлик билан бошқаришига боғлиқ.

Талабаларнинг дидактик ўйинга тайёргарлик кўриш фаолияти қуидагиларни ўз ичига олиши:

- Дидактик ўйин мақсади, вазифаси, олиб борилиш тартиби, қоидалари билан танишиш;

- Дидактик ўйин мақсади ва вазифасидан келиб чиқадиган муаммоли вазиятни англаш;

- Муаммоли вазиятдан чиқишининг энг самарали йўлларини топиш;

- Ҳар бир талаба ўзи бажариши лозим бўлган вазифаларни англаши, ўқитувчидан керакли йўриқнома ва кўрсатмалар олиш;

- Турли билим манбаларидан фойдаланган ҳолда муаммоли вазиятни ҳал этишининг оптимал вариантини танлаш;

- Дидактик ўйин иштирокчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва ўзаро назорат вужудга келиши лозим.

Дидактик ўйинли машғулотларни талабаларнинг билим олиш ва ўйин фаолиятининг уйғунылигига кўра сюжетли-ролли ўйинлар, ижодий ўйин, конференциялар, ўйин-машқларга ажратиш мумкин.

Дидактик ўйинли машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари жадвалда берилмоқда.

### **Дидактик ўйинли машғулотларнинг ўзига хос хусусиятлари.**

<b>Дидактик ўйинли машғулотлар</b>	<b>Мавзу мазмуни қандай бўлганда мазкур машғулотдан фойдаланилади</b>	<b>Машғулотларнинг дидактик функциялари</b>	<b>Талабанинг фаолияти</b>
Сюжетли – ролли	Фаннинг турли соҳаларида қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш, табиатдаги ва кундалик ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш имконияти бўлганда	Кундалик ҳаётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат объектлари ва табиий ҳодисалар ўртасидаги алоқалар ва боғланишларни адабий-бадиий тарзда ёритиш	Муайян ролларни бажариш орқали билим, кўникмаларни эгаллаш
Ижодий	Аввал ўзлаштирилган	Муаммоли вазиятлар-	Ижодий из-

ўйин	билим ва кўникмаларни ривожлантириш имконияти бўлганда	ни аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш орқали ҳал этиш.	ланиш орқали янги мавзуни ўзлаштиради
Аукцион	Турли обьектларга тавсиф бериш, уларни таққослаш имконияти бўлганда	Жамиятдаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар асосида талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, касбга йўллаш.	Аукционда иштирок этиш орқали янги мавзуни ўзлаштиради
Конференция	Фаннинг турли соҳаларига оид билимлар мужассамлашган ва қўлга киритилган ютуқларни ёритиш, фанлараро боғланишларни амалга ошириш имконияти бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, илмий, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўллаш	“олимлар” мақомини олиб муайян мавзуларда изланиш олиб боради.
Матбуот конференцияси	Фаннинг турли соҳаларини қамраб олган, талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларидан фойдаланиш лозим бўлганда	Қўшимча ва маҳаллий материаллар билан таништириш, дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишларни мустақил ишларни мустақил ишларни	“олим” ва “мухбир”лар мақомини олиб мавзуни ўзлаштиради.

Ўқитувчи аввал талабаларни индивидуал, сўнгра гурухли ўйинларга тайёрлаши ва ўтказиши улар муваффақиятли чиққандан сўнг, оммавий ўйинларга тайёргарлик кўрилиши лозим. Чунки талабалар дидактик ўйинли машғулотларда фаол иштирок этишлари учун керакли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши, бундан ташқари гурух жамоаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам вужудга келиши лозим.

Куйида дидактик ўйинли машғулотларнинг тавсифи берилмоқда.

### Сюжетли - ролли ўйинлар

Талабаларнинг ижодий фикрлаши, мустақил билим эгаллаш кўникмаларини ривожлантириш ва ўзларида мужассамлашган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятларда қўллаш орқали янги билимларни ўзлаштиришда сюжетли-ролли ўйинлар муҳим рол ўйнайди.

Ўқитувчилар сюжетли-ролли ўйинларни кўпчилик ҳолларда матбуот конференцияси билан алмаштириб юборишади. Ҳар иккала ўйиннинг таълим жараёнида қўлланишидан кўзланган мақсад бир-бирига монанд бўлсада, улар

ўртасида катта фарқ мавжуд. Бу ҳолни дидактика да дидактик ўйинларга етарлича тавсиф берилмаганлиги билан изоҳлаш мүмкін.

Бизнинг фикримизча, қундалик ҳәётдаги ижтимоий муносабатларни, табиат ва табиий ҳодисаларнинг обьектлари ўртасидаги алоқаларни бадиий кўриниш тарзида ёритиш асосида вужудга келтирилган муаммоларни талабаларнинг ўзларидаги билим заҳираларига таянган ҳолда, ҳамкорликда, босқичма-босқич ҳал этиш жараёнида янги билимларни эгаллашга қаратилган дидактик ўйинларни сюжетли ролли ўйинлар деб аташ лозим. Бунда ўйин сюжети жамиятдан ёки табиатдан олинади. Баъзан жамият ва табиатдаги муаммолар уйғулаштирилади.

Ўқитушда экологик муаммолар, табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига бағишлиланган мавзуларни сюжетли-ролли ўйинлар тарзида ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўқитувчи бу дидактик ўйинни ўтказиш учун қуидагиларни амалга ошириши зарур:

- Экологик муаммоларига оид маълумотларни тўплаши;
- Машғулот сценарийсини талабалар ва бошқа фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда тузиши;
- Роллар ва вазифаларни талабалар ўртасида тақсимлаши;
- Муаммони ҳал этиш йўлларини белгилаши лозим.

### **Ижодий ўйинлар**

Талабаларнинг ижодий изланиши, мустақиллиги, мантиқий фикрлашини ривожлантиришда, қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар мухим аҳамият касб этади.

Таълим жараёнида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни талабалар гурухининг ўзаро ҳамкорликда аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни ижодий қўллаш ва изланиши орқали ҳал этишга замин тайёрлайдиган дидактик ўйинларни ижодий ўйинлар деб аташ лозим.

Ижодий ўйинлардан аввалги машғулотларда ўрганилган тушунчаларни янги мавзуни ўрганишда фойдаланиш имконияти вужудга келганда қўллаш мақсадга мувофиқ. Бунда талабалар тенг сонли гурухларга ажратилиб, уларни шартли равишда “олимлар” мақоми берилади, ҳар бир “мутахассислар” ижодий изланиб, гўёки фан янгиликларини қайта кашф этадилар. Ўқитувчи томонидан тавсия этилган топшириқларни бажариб, кўргазмали қуролларга таянган ҳолда, ўз жавобларини асослайдилар.

Мазкур дидактик ўйинли машғулотларда ҳамма талабалар ҳамкорликда ишлайдилар, аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб янги билимларни эгаллайдилар. Бу эса талабаларнинг ўз билимларига, иқтидорига ишонч уйғотади ва ҳар бир талаба сидқидилдан ҳамда жиддий тайёргарлик мұваффақият гарови эканлигини англашган ҳолда билим олишга киришади.

### **Конференция машғулотлари**

Дидактик ўйинли машғулотлар ичиде конференция машғулотлари мухим ўрин тутади. Конференция машғулотлари талабаларнинг билиш

фаолиятини фаоллаштиришда, илмий дунёқарашни кенгайтиришда, уларни қўшимча ва маҳаллий материаллар билан танишишида, илмий ва илмий-оммабоп адабиётлар билан мустақил ишлаш қўникма ва малакаларини ривожлантиришда, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашда, онгли равишида қасб танлашида муҳим аҳамият қасб этади.

Ўқитувчи конференция машғулотини ўтишдан аввал машғулот мавзусини, мақсади ва вазифаларини аниқ белгилаб олиб шу мавзуга оид қўшимча илмий, илмий-оммабоп адабиётларни кўздан кечиради. Мазкур машғулот ўtkазишдан 10 кун олдин машғулот мавзуси эълон этилиб, унга тайёргарлик кўриш учун адабиётлар тавсия қилинади. Эълон қилинган дидактик ўйинли машғулотда “олимлар” ролини танлаш, мавзуни ҳар томонлама ёритиш, ҳар бир талабанинг қизиқиши ва қобилиятига яраша маъруза тайёрлаш талабаларнинг ихтиёрида бўлади. Машғулотга тайёргарлик даврида ўқитувчи томонидан ижобий рағбатлантиришнинг устунлиги ва муваффақиятга йўлловчи ўқитувчининг мулоқот маданияти, ўзаро ёрдами талабаларнинг машғулотга қизгин тайёргарлик кўришнинг муҳим омили саналади.

Илмий конференция машғулотини қуйидагича ўтказиш тавсия этилади:

1. Ўқитувчининг кириш сўзи. Бунда ўқитувчи машғулот мавзуси, мақсади ва вазифалари, тегишли ролларни бажарувчи “олимлар” билан танишириади.

2. Илмий маърузаларни тинглаш “Олимлар” мавзу юзасидан тайёрлаган маърузаларини кўргазмали қуроллар асосида баён этадилар.

3. Маърузалар муҳокамаси. Бунда “Олимлар” ва гуруҳдаги бошқа талабалар ўртасида мавзу юзасидан баҳс, мунозара ўтказилади.

4. Илмий конференция якуни. Ўқитувчи мавзу юзасидан энг муҳим тушунча ва ғояларни таъкидлаб, якунлайди.

5. Талабаларни баҳолаш. Машғулотда фаол иштирок этган талабалар рағбатлантирилади ва рейтинг тизимиға мувофик баҳоланади.

Уйга вазифа бериш.

Машғулотни умумий якунлаш.

### **Матбуот конференцияси**

Матбуот конференцияси гуруҳдаги барча талабаларнинг ўқув - билиш фаолияти фаол бўлиши билан характерланади. Ўқитувчининг матбуот машғулотига тайёргарлиги бир мунча мураккаброқ. Ўқитувчи матбуот конференциясини ўтказишдан бир ҳафта аввал гуруҳ талабаларини икки гурухга бўлади. Уларнинг тахминан 30% олимлар ва мутахассислар, қолганлари республикамиз оммавий ахборот воситалари, нашр қилинадиган газета ва журналларнинг муҳбирлари ролини бажарадилар.

Газеталардан республикамизда нашр қилинадиган “Ўзбекистон овози”, “Қишлоқ ҳақиқати”, “Халқ сўзи”, “Тошкент оқшоми”, “Туркистан”, “Тошкент ҳақиқати”, журналлардан “Фан ва турмуш”, “Қишлоқ хўжалиги”, “Саодат”, “Сиҳат-саломатлик”ни олиш мумкин.



Шундан сўнг, ҳар қайси газета ва журнал мұхбирларининг матбуот конференциясида берадиган саволлари талабалар ёрдамида тузилади. Бу саволлар мұхокама қилинаётган муаммони ҳар томонлама қамраб олиши керак.

Саволлар мазмұни мұхокамадан ўтгандан сўнг, газета ва журнал мұхбирлари ва олимлар роли талабаларнинг хоҳишига кўра тақсимланади.

Ўқитувчи олимлар ва мутахассислар ролини бажарадиган талабалар билан алоҳида тайёргарлик ишларини олиб боради. Уларга қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ва саволларга жавоблар топиши ҳақида кўрсатма беради. Саволларга бериладиган жавоблар қисқа, аник, илмий жиҳатдан асосланған, маҳаллий материалларни қамраб олган бўлиши лозим. Ўқитувчи ана шу жавобларни олдин кўздан кечириши, агар уларда жузъий камчиликлар бўлса, уларни тўғрилаши, тўлдириши кераклигини талабаларга топширади.

Мұхбирлар ролини бажарадиган талабалар ҳам саволларга жавоблар топиши олимлар ва мутахассислар билан мулоқотга кириши учун етарли даражадаги билимларга эга бўлишини таъминланиши керак.

Мазкур машғулотга ҳамма талабалар улар қайси ролни бажаришидан қатъий назар қизғин тайёргарлик кўриши лозим.

### Ўйин машқлар

Таълим жараёнининг муваффақияти ўқитувчининг илмий-методик савиясига ва педагогик маҳоратининг юқори даражада бўлиши, замон билан ҳамнафаслиги, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқариш кўнималарига боғлиқ бўлади. Ўқитишида бошқа дидактик ўйинлар билан бир қаторда ўйин машқлардан ўз ўринда ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўйин машқлар учун телевидение ва матбуот орқали берилборилаётган ва талаба ёшларнинг энг қизиқ машғулотига айланган ўйинларни андоза қилиб олиш мумкин. Булар жумласига “Заковат”, “Зинама-зина” қабиларни киритиш мумкин. Мазкур ўйинларда талабалар аввало ўз кучи ва билимларини синаб кўрадилар ва яна уларнинг аксарияти шу ўйинлар иштирокчиси бўлишни орзу қиласадилар.

Замон билан ҳамнафас ишләётган ҳар бир ўқитувчи талабалардаги бу истак ва орзуларни амалга ошириш учун таълим жараёнида шунга ўхшаш ўйинларни ўз вақтида ўтказиши талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишлигини ортириш ва билиш фаолиятини фаоллаштиришга замин тайёрлайди. Маъруза машғулотида дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш мұхим ўрин тутади. Ўқитишида бошқа педагогик технологиялар каби дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур технологиянинг конференция, тақдимот, ижодий ўйин, ўйин машқлардан фойдаланиш юқори самара беради. Ушбу машғулотларда талабаларнинг билим олиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунлаштирилади, шу сабабли талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Маъруза мавзуси жамиятдаги ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, фактik материалларни ўрганишга бағищланган бўлса, у ҳолда дидактик ўйин технологиясининг конференция шаклидан фойдаланиш тавсия этилади.

**Дидактик ўйин технологиясининг конференциясига асосланган  
маърузани такомиллаштириш бўйича тавсиялар**

1-вариант

	<b>Талабалар- нинг ўқув мотивларини ривожлан- тириш</b>	<b>Янги мавзуни ўрганиш.</b>	<b>Якун ясаш ва холосалаш</b>	<b>Эришилган натижани тахлил қилиш ва якун ясаш.</b>
Давоматни аниқлаш Атамалар варағидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш	Ўқув мақсад- ларини қўйиш Бумеранг, Блиц-ўйин	1-гурух 2-гурух 3-гурух 4-гурух Маъруза ларини tinglash Кластер	Ҳар бир тақ- димот якунида кичик гуруҳлар ўртасида муно- зара ўтказиш Мавзуни умумий якунлаш	Кичик гуруҳ- ларнинг эриш- ган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқлари- ни тавофтуб бериш

Ушбу машғулотдан бир ҳафта олдин ўқитувчи талабаларни “Олимлар” гуруҳига ажратади. Талабалар белгиланган муаммо бўйича изланишлар олиб бориб маърузалар тайёрлашади. Машғулот давомида “Олимлар” гуруҳи навбат билан ўз маърузаларини кўргазмали воситалар ёрдамида тақдим этади:

- 1-гурух, “Олимлар” гурухи
- 2-гурух, “Олимлар” гурухи
- 3-гурух “Олимлар” гурухи
- 4-гурух “Олимлар” гурухи

Ўқитувчи ҳар бир гурух маърузасидан сўнг, ўқув баҳси, мунозара ўтказади.

Дидактик ўйин технологиясининг “Тақдимот” тури асосан курс ва бобларнинг дастлабки мавзуларини ўрганадиган машғулотларда фойдаланиш тавсия этилади. Мазкур машғулотдан бир ҳафта олдин ўқитувчи талабаларни кичик гуруҳларга ажратиб уларга курс ёки боб юзасидан муаммоларга бағищланган савол-топшириқлар беради. Ҳар бир гурух ўзларига топширилган муаммо юзасидан изланиш олиб боради ва изланиш натижаларини тақдим этади.

**Дидактик ўйин технологиясининг тақдимот машғулотига асосланган  
маърузани такомиллаштириш бўйича тавсиялар**

<b>Ташкилий</b>	<b>Талабалар-</b>	<b>Янги</b>	<b>Якун</b>	<b>Эришилган</b>
-----------------	-------------------	-------------	-------------	------------------

<b>қисм</b>	<b>нинг ўқув мотивларини ривожлантириш</b>	<b>мавзууни ўрганиш.</b>	<b>ясаш ва холосалаш</b>	<b>натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.</b>
Давоматни аниклаш Атамалар варагидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларнинг изохини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш Бумеранг, Блиц-ўйин	1-гурух Ишининг тақдимоти 2-гурух Ишининг тақдимоти 3-гурух Ишининг тақдимоти 4-гурух Ишининг тақдимоти	Ҳар бир тақдимот якунида кичик гурухлар ўртасида мунозара ларини ўтказиш Мавзуни умумий якунлаш	Кластер  Кичик гурухларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқлари-ни тавофтлаб бериш

**Дидактик ўйин технологиясининг ижодий ўйин машғулотига асосланган маъruzani такомиллаштириш бўйича тавсиялар**

<b>Ташкилий қисм</b>	<b>Талабалар-нинг ўқув мотивларини ривожлантириш</b>	<b>Янги мавзууни ўрганиш.</b>	<b>Якун ясаш ва холосалаш</b>	<b>Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.</b>
Давоматни аниклаш Атамалар варагидан фойдаланиш Тушунча ва атамаларниң изохини эслаш	Ўқув мақсадларини қўйиш Бумеранг, Блиц-сўров	1-гурух 2-гурух 3-гурух 4-гурух Ижодий ишлари-нинг тақди-моти	Ҳар бир тақдимот якунида кичик гурухлар ўртасида мунозара ларини ўтказиш Мавзуни умумий якунлаш	Кластер  Кичик гурухларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш Мустақил иш топшириқлари-ни тавофтлаб бериш

Дидактик ўйин технологиясининг ижодий ўйин методидан фойдаланилган машғулотнинг савол-топшириқлари аввалги машғулотлардаги савол-топшириқлардан ижодий характердалиги билан фарқланади.

Ушбу маъруза туридан мавзу мазмунидаги муаммоларни талабаларнинг ижодий изланиши орқали ҳал этиш мумкин бўлганда фойдаланиш тавсия этилади.

Семинар машғулотида дидактик ўйин технологиясининг ўйин машқларидан фойдаланиш мақсадида ўқитувчи ўрганилган мавзу бўйича “Атамалар варағи”ни тузиши лозим.

### **Назорат саволлари**

1. Таълим-тарбия жараёнида дидактик ўйин технологияларидан фойдаланишнинг дидактик мақсадларини аниқланг.
2. Дидактик ўйин технологиясининг турларини аниқланг ўзингиз ўқитадиган ўқув курсида фойдаланиш йўлларини белгиланг.
3. Машғулотлар ишланмаси ва технологик харитани тузиш юзасидан тавсияларни ўрганинг.
4. Ўзингиз ўқитадиган ўқув курси бўйича маъruzza ва амалий машғулотлар ишланмаси ва технологик харитасини тузинг.
5. Дидактик ўйин технологияларига асосланган маъruzza ва анъанавий маъruzada талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилишини таққосланг.
6. Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва таълим самарадорлигини оширишга имкон берадиган технологияларнинг дидактик функцияларини қиёсий ўрганинг.
7. Дидактик ўйинли технологиянинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
8. Таълим-тарбия жараёнида талабаларнинг билиш ва ўйин фаолиятини уйғунлаштириш йўлларини тушунтиринг. Ўйин фаолиятини ташкил этиш босқичларини изоҳланг.
9. Дидактик ўйинларнинг мазмуни ва моҳиятини тушунтиринг.
10. Дидактик ўйинли машғулотларга қўйиладиган талабларни аниқланг.
11. Таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган дидактик ўйин технологиясининг турларидан сюжетли-ролли ўйиннинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
12. Таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган дидактик ўйин технологиясининг турларидан такдимотнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
13. Таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган дидактик ўйинли технологиясининг турларидан ижодий ўйиннинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
14. Дидактик ўйинли технологиясининг турларидан конференция ва матбуот конференциясининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
15. Дидактик ўйинли технологиясининг турларидан ўйин машқларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.

### **4-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Режа:**

1. Маъруза, семинар ва амалий машғулотларда ҳамкорликда ўқитиши технологияси методларидан фойдаланиш.
2. Машғулотлар ишланмаси ва технологик харита тузиш.
3. Машғулотларда ҳамкорликда ўқитиши технологияси методлари ва локал даражадаги технологияларни уйғунлаштириш.

Ҳамкорликда ўқитиши ғояси дидактикада 1970 йилларда пайдо бўлган. Ҳамкорликда ўқитиши технологияси Буюк Британия, Канада, Гарбий Германия, Австралия, Нидерландия, Япония, Изроил мамлакатлари таълим муассасаларида кенг қўлланила бошлаган.

Олий таълим муассасаларида биологияни ўқитища инновацион таълим мұхитини лойиҳалашда ҳамкорликда ўқитиши технологияси методларидан фойдаланиш ҳар бир талабани қундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишига ўргатиш, шахс сифатида онгли мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир талабада шахсий қадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, таҳсил олишда маъсулият ҳиссини шакллантиришни кўзда тутади.

Ҳамкорликда ўқитиши технологияси ҳар бир талабанинг таҳсил олишдаги муваффақияти гуруҳ муваффақиятига олиб келишини англаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини сифатли бажаришга, ўқув материалини пухта ўзлаштиришига, ўртоқларига ҳамкор бўлиб, ўзаро ёрдам уюштирилишига замин тайёрлайди.

Ўқитувчи таълим жараёнида ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиш мақсадида қуидагиларни:

- Қайси мавзуларни ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиб ўрганиш мүмкінлигини аниқлаши ва мазкур машғулотларни тақвим-режада белгилаши;
- Ушбу мавзу бўйича талabalарга тавсия этиладиган ўқув топшириқлари ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмаларни тайёрлаши;
- Ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиб ўтиладиган машғулот тури, машғулот структураси ва боришини лойиҳалаши;
- Ўтган ва янги мавзулар юзасидан талabalар билимини назорат қилиш учун тест топшириқларини тузиши керак.

Мазкур методлардан фойдаланганда шуни назарда тутиш керакки, талabalар ўз шериклари билан ҳамкорликда ўқув топшириқларни тўғри бажаришлари баробарида гуруҳ аъзоларининг фаоллиги, ҳамкорликнинг вужудга келиши, улар ўртасидаги мулоқотда мулоқот маданияти тамойилларига амал қилиниши ҳам ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, гуруҳ аъзолари бир вақтнинг ўзида иккита топшириқни бажаради:



1. академик топшириқ - билиш ва ижодий изланиш орқали ўқув топшириқларидан кўзланган мақсадга эришиш;

2. ижтимоий-психологик топшириқ - машғулот давомида юксак мулоқот маданиятига эга бўлиш, одоб осойишталигини сақлаш;

Ўқитувчи ҳар иккала топшириқнинг юқори савияда бажарилишини назорат қилади.

Ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиши учун ушбу технологиянинг ўзига хос хусусиятларига оид билим, кўникма ва малакаларни, талабаларнинг мустақил ишлари, ўқув баҳси ва мунозараларни самарали ташкил этиш йўлларини эгаллаган, талабаларда эса дарслик, илмий-оммабоп адабиётлар устида мустақил ва ижодий ишлаш, ўз фикрини қисқа ва аниқ баён этиш, фикрларни асослаш ва далиллаш, мантикий фикр юритиш, ўқув баҳси ва мунозараларда фаол қатнашиш кўникмалари шаклланган ва онгли интизом вужудга келган бўлиши лозим.

Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг бир нечта методлари мавжуд:

- Командада ўқитиши (Р.Славин) да талабалар teng сонли иккита команда ажратилади. Ҳар иккала команда бир хил топшириқни бажаради. Команда аъзолари ўқув топшириқларини ҳамкорликда бажариб, ҳар бир талаба мавзудан кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришига эътиборни қаратади.

Ҳамкорликда ўқитиши технологияси муаллифларидан бири бўлган Р.Славиннинг таъкидлашича, талабаларга топшириқларни ҳамкорликда бажариш бўйича кўрсатма берилиши етарли эмас. Талабалар ўртасида том маънодаги ҳамкорлик, ҳар бир талабанинг кўлга киритган муваффақиятидан қувониш, бир-бирига сидқидилдан ёрдам бериш ҳисси, қулай ижтимоий-психологик мұхит вужудга келиши зарур. Мазкур технологияда талабаларнинг билимларни ўзлаштириш сифатини аниқлашда уларни бир-бири билан эмас, балки ҳар бир талабанинг кундалик натижаси аввал қўлга киритилган натижа билан таққосланади. Шундагина талабалар ўзининг машғулот давомида эришган натижаси командаға фойда келтиришини аңглаган ҳолда маъсулиятни ҳис қилиб, кўпроқ изланишга, билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштиришга интилади.

Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиши (Р.Славин 1986). Бу ёндашувда кичик гуруҳлар 4 та талабадан ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзуни тушунтиради, сўнгра талабаларнинг мустақил ишлари ташкил этилади. Талабаларга берилган ўқув топшириқлари 4 қисмга ажратилиб, ҳар бир талаба топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Топшириқ якунида ҳар бир талаба ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади, сўнгра гуруҳ аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хulosаси чиқарилади. Ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳ ахборотини тинглайди ва тест топшириқлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Талабаларнинг кичик гуруҳлардаги ўқув фаолияти ўйин (турнир, мусобақа) шаклида, индивидуал тарзда хам ташкил этилиши мумкин.

Ҳамкорликда ўқитишининг зигзаг ёки арра методи. (Э.Аронсон 1978).

Педагогик амалиётда бу метод қисқача “арра” методи деб номланади. Мазкур методда кичик гурұхлар 6-8 та талабадан ташкил топади. Машғулот давомида ўрганиладиган мавзу мантиқан тугалланган қисм (блок ёки модул)ларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан талабалар бажариши лозим бўлган ўқув топшириқлар тузилади. Ҳар бир талабалар гурӯхи мазкур топшириқларнинг биттасини бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассис”га айланади. Сўнгра гурӯхлар қайта ташкил этилади. Бу гурӯхларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) “мутахассиси” бўлиши шарт, мазкур “мутахассис”лар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек, навбат билан ўртоқларига баён қиласиди. Мазкур гурӯхларда ўқув материали мантикий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқилади.

Шуни қайд этиш керакки, ушбу машғулотда талабалар икки марта гурӯхларга ажратилади.

Биринчи гурӯх “мутахассислар” тайёрлаш гурӯхи.

Мазкур мавзу бўйича ўқув материали мантикий тугалланган фикрли тўртта қисмдан иборат бўлғанлиги сабабли, машғулотда қатнашаётган 32 та талаба машғулот бошланишидан олдин 4 хил рангдаги карточкалар ёрдамида тенг сонли тўртта 8 та талабадан иборат “мутахассислар” гурӯхига ажратилади. Улар ўзларига тегишли ўқув топшириқларни бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассислар”га айланади.


### МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ГУРУҲИ


1-стол-4талаба	2-стол-4талаба	3-стол-4 талаба	4-стол-4талаба
----------------	----------------	-----------------	----------------

5-стол-4талаба	6-стол-4талаба	7-стол-4 талаба	8-стол-4талаба
----------------	----------------	-----------------	----------------

Иккинчи гурӯх “мутахассислар” учрашуви гурӯхи. Рангли карточкаларнинг ҳар бирининг орқа томонида 1 дан 8 гача рақамлар ёзилган бўлиб, барча рангли карточкалардаги рақамлар йифиндиси гурӯҳдаги талабалар сонига тенг бўлиши лозим.

“Мутахассислар” учрашуви карточкаларнинг орқа томонидаги рақамлар асосида 8 та гурӯх ташкил этилиб, бу гурӯхлар таркибига бир хил рақамли 4 хил рангдаги карточкаларга эга бўлган 4 та талаба киради. Шуни қайд этиш керакки, бу гурӯхларда ҳар бир қисм (блок ёки модул) “мутахассиси” бўлиши шарт.





Мазкур учрашувда “мутахассислар”лар ўзлари эгаллаган билимларни худди “арра” тишлари кетма-кет келганидек, навбат билан ўртоқларига баён қиласы. Ушбу гурухларда ўкув материалининг 4 та қисми мантикий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқиласы. Сүнгра ўкув материали юзасидан тузилған топшириқлар яхлит ҳолатта көлтирилиб, гурухлар ўртасида савол-жавоб, мунозара ўтказиласы.

Талабалар билимларни пухта эгаллашнинг ягона йўли ўз ҳамкорининг ахборотини диққат билан тинглаш эканлигини англаған ҳолда, мушоҳада юритишга, керакли маълумотларни дафтарга ёзишга ҳаракат қиласы. Бу ерда ўқитувчи фақат талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этадиган ташкилотчи вазифасини бажаради. Машғулот охирида ўқитувчи талабаларнинг билим даражасини тест топшириқлари ёрдамида аниқлайди. Ҳар бир талабанинг билими сифатидаги ўсиш ҳисобга олинади.

Юқорида қайд этилган барча методларнинг ўзига хос хусусияти, мақсад ва вазифаларининг умумийлиги, талабаларнинг таҳсил олишдаги ва мулоқотдаги шахсий маъсулиятини тақозо этиши, шунингдек, муваффақият қозонишга бир хил имкониятларнинг мавжудлигидир. Ҳамкорликда ўқитиш негизида мусобақа эмас, балки ҳамкорликда ақлий меҳнат қилиб, таҳсил олиш жараёни ётади.

Қуйида ҳамкорликда ўқитиш технологияси методлариiga асосланган маъруза анъанавий маъруза билан қиёсий тавсифи берилмоқда.

Ушбу ўзгартиришларни тасаввур этиш учун қуйида анъанавий таълим технологиясига асосланган маъруза машғулотининг ишланмаси көлтирилди.

**Анъанавий таълим технологиясига асосланган маъруза**

**Машғулот мавзуси:**

**Машғулотнинг таълимий мақсади:** машғулотда шакллантириладиган тушунчалар ва қўникмалар ўз ифодасини топади. Бунда мавзунинг асосий тушунчалари, атамалари ва таянч сўзларидан фойдаланилади.

**Машғулотнинг тарбиявий мақсади:** талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, уларни шахс сифатида маънавий-ахлоқий, ақлий, иқтисодий, экологик, эстетик, жисмоний, байналминал, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш назарда тутилади.

**Машғулотнинг ривожлантирувчи мақсади:** мавзу мазмунини аввалги ўрганилган мавзулардаги қайси тушунчаларини ривожлантириш, албатта ўқув, амалий, мустақил ва ижодий фикрлаш қўникмаларини ривожлантириш қайд этилади ва машғулот давомида амалга ошириш йўллари белгиланади.

**Машғулот жиҳозлари:** мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўқув ва кўргазмали жиҳозлар, воситалар бирма-бир қайд этилади.

**Машғулот тури: маъруза;**

**Машғулотда фойдаланиладиган технология:** Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг кичик гуруҳларда ишлаш методи анъанавий таълим технологиясининг маъруза шакли билан уйғунлаштирилган ҳолда.

**Машғулотнинг бориши:**

I. Ташкилий қисм – З босқичдан иборат бўлиб, унда саломлашиш, ўқув хонасининг санитария-гигиеник ҳолати, талабаларнинг машғулотга тайёргарлиги, давомат ва ўтган мавзуни аниқлаш, талабаларнинг ўқув мотивларини ривожлантириш ва эътибори, диққатини жамлаш амалга оширилади.

II. Ўтган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш. – баҳолашнинг бошқа турларидан фойдаланиш ҳам мумкин, лекин унда талабаларнинг ҳаммасини баҳолаш имконияти бўлмайди. Бу эса, машғулот самарадорлигини аниқлаш имкониятини бермайди.

III. Ўтган мавзуни яқунлаш ва талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш. – машғулотнинг бу босқичи муҳим ўрин тутади. Бу босқичда аввалги мавзунининг асосий тушунчаларини таъкидлаш, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини қайд этиш, уларнинг билимидаги камчиликларга барҳам бериш, талабаларни рағбатлантириш, уларнинг олдига янги мавзуни ўрганиш бўйича мақсад ва вазифаларнинг тўғри қўйилиши машғулот самарадорлигига бевосита таъсир қўрсатади.

**IV. Янги мавзу бўйича ўқитувчининг ахбороти:**

**Маърузанинг режаси:**

- 1.
- 2.

3.(Бу ерда режа асосида матн берилади)

Ўқитувчи янги мавзуни кўргазмали воситалар ёрдамида баён этганидан сўнг, талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этади.

V. Талабаларни кичик гурухларга ажратиш ҳамда ўқув топшириқларини мустақил равища сифатли бажарилишига эришиш.

Машғулотнинг бу босқичи учун ўқитувчи аввалдан мавзу мазмунидан келиб чиққан ҳолда талабалар томонидан ўзлаштириши, мустаҳкамланиши ва умумлаштирилиши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари тузади. Талабаларнинг машғулот давомида ўқув мотивларини ривожлантириш мақсадида кичик гурухларга ажратилади, топшириқнинг мақсади тушунтирилади ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмалар берилади. Машғулотнинг шу босқичида талабаларнинг билиш фаолияти жуда юқори бўлади, чунки ўқитиш мақсадларининг маълум қисми кичик гурух аъзолари зиммасига юкландади. Талабалар мақсадга эришиш учун фаол изланадилар, улар ўртасида ўқув баҳси, фикр алмашинув вужудга келади. Шу аснода талабаларнинг ўқув, амалий ва мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга замин яратилади.

Кичик гурухлар ўртасида мусобака ва рақобат вужудга келтирилади. Бу ўқув материалининг Талабалар томонидан онгли ўзлаштирилишига, ўз фикрини баён этиш, ўртоқларининг фикрини таҳлил қилиш ва уларни тўлдириш имконини беради. Кичик гурухлар учун тавсия этиладиган ўқув топшириқларининг жадвали намуна сифатида берилмоқда.

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1. 2. 3. 4.	Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қўйидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	<b>Фикрингизни асосланг Талабалар билан ўтказиладиган савол жавобда фаол иштирок этинг.</b>

VII. Янги мавзу юзасидан талабалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси ююштириш.

VIII. Талабалар билимини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

VIII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

IX. Мустақил иш топшириғини бериш.

Ўқитувчи машғулот ишланмасини лойиҳалагандан сўнг, мазкур машғулотнинг технология харитасини тузади.

Технологик харита З қисмдан иборат бўлиб, унда машғулотнинг технологик босқичлари, улар учун ажратилган вақт, ўқитувчи ва



талабаларнинг бажарадиган ишлари босқичма-босқич қайд этилади. Юқорида фикр юритилган маъруза машғулотнинг технологик харитаси куйидагича бўлади:

**“ ” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик  
харитаси**

<b>ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР</b>	<b>ЎҚИТУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ</b>	<b>ТАЛАБАНИНГ ФАОЛИЯТИ</b>
I босқич Ташкилий қисм 5-минут	Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таниширади.	Машғулот мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажари-ладиган топшириқларни англайди.
II босқич <b>Ўтган мавзу юза-сидан талабалар-нинг билимлари-ни назорат қи-лиш ва баҳолаш</b> <b>10-минут</b>	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириқлари ёрдамида Талабаларнинг билимларини назорат қиласи ва баҳолайди.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириқларини бажаради.
III босқич Янги мавзуни ўрганиш. 30-минут	Маърузани режа асосида баён этади.	Маъруза режасидан ўрин олган масалаларнинг моҳиятини тушуниб этади. Ўқув дастурининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириғи юзасидан кўрсатмаларни англайди. Талабалар билан ҳамкорликда ўқув фаолиятини ташкил этади. Ўқув материалини мустақил ўзлаштиради.
10-минут	Талабаларнинг кичик грухларда мустақил ишини ташкил этади. Ўқув топшириғининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириқлари билан таниширади ва мустақил бажарилишини таъминлайди.	Кичик грухлар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозара ўтказади. Тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириқлари, саволлар ва дидактик жадваллар беради.
IV босқич Талабалар билимни назорат қилиш ва баҳолаш. 10-минут V босқич Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш. 5-минут	Кичик грухлар фоалияти ва натижага таҳлил қилинади, Талабаларга мустақил ва ижодий иш топшириқларини	Кичик грухлар ўртасида ўтказиладиган савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозарада фаол иштирок этади. Тест топшириқлари, саволлар ва дидактик жадвалларни бажаради. Ўз ўқув фоалияти ва эришилган натижасини таҳлил қиласи ва баҳолайди. Мустақил ва ижодий иш



беради.	топшириқларини олади.
---------	-----------------------

Машғулот технологик харитасининг мұкаммал тузилиши, мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, самарадорликка эришиш ва босқичлар ўртасидаги узвийликни таъминлаш, вақтдан унумли фойдаланиш имконини беради.

### **Анъанавий таълим технологиясига асосланган маъруза машғулотининг тузилиши**

Ташкилий қисм	Талабалар-ning ўқув мотивларини ривожлантириш	<b>Янги мавзуни ўрганиш.</b>	Якун ясаш ва холосалаш	Мустақил иш топшириқларини бериш
Давоматни аниклаш <b>Аввалги мавзуни қисқача эсга тушириш</b>	Қизиқарлы аналогиялар, ўрганиладиган мавзу материялларидан мусақил ҳаёт ва касбий фаолиятдаги ўрни	<b>Мавзу тайёр ахборот шаклида режага мувофиқ етказилади, талабаларнинг билиш фаолияти пассив тингловчи ҳолатида ташкил этилади</b>	Ўқитувчи томонидан амалга оширилади	Кўрсатма шаклида

Маърузани такомиллаштириш бўйича тавсиялар  
1-вариант

**Хамкорликда ўқитиши технологиясининг кичик гурухларда ишлаш методини анъанавий таълим технологиясига асосланган маъруза билан уйғунлаштирилган машғулотининг тузилиши**

Ташкилий қисм	Талабалар-ning ўқув мотивларини ривожлантириш	<b>Янги мавзуни ўрганиш.</b>	Якун ясаш ва холосалаш	Мустақил иш топшириқларини бериш
Давоматни аниклаш <b>Аввалги мавзуни қисқача эсга тушириш</b>	Қизиқарлы аналогиялар, ўрганиладиган мавзу материялларидан мусақил ҳаёт ва касбий фаолиятдаги ўрни	<b>Мавзу муайян қисми режага мувофиқ етказилади,</b> <b>Талабаларнинг билиш фаолияти кичик гурухларда ишлаш</b>	Ўқитувчи томонидан амалга оширилади	Кўрсатма шаклида

		методига асосан ташкил этилади		
--	--	-----------------------------------	--	--

**Маърузани такомиллаштириш бўйича тавсиялар**  
**2-вариант**

Ташкилий қисм	Талабалар- нинг ўкув мотивларини ривожлан- тириш	<b>Янги мавзуни ўрганиш.</b>	Якун ясаш ва холосалаш	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.
Давоматни аниқлаш <b>Атамалар варағидан фойдаланиш</b> <b>Тушунча ва атамаларнинг изоҳини эслаш</b>	Ўкув мақсадларини қўйиш <b>Ақлий ҳужум үтказиш</b>	Маъруза Кичик гуруҳларда ишлиш Маъруза Кичик гуруҳларда ишлиш	Кичик гуруҳлар ўртасида мунозара ларини үтказиш	Кичик гуруҳларнинг эришилган ютуқларини эътироф этиш <b>Мустақил иш топшириклари- ни тавофтутлаб бериш</b>

Юқорида берилган тавсиялардан маърузанинг боришини ўзгартирмаган ҳолда, мавзу мазмунидаги тушунча ва атамалар, илмий-назарий масалалар ўрин олган ҳолларда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Дастлаб маърузани тавсияга мувофиқ ташкил этилиши талабалар томонидан билимларни мустақил ўзлаштириш, мавзу мазмунидаги асосий ғояни ажратиш, ўз фикрини баён этиш, мустақил фикр юритиш кўникмаларини таркиб топтириш имконини беради.

Маърузада талабаларнинг кичик гуруҳларда мустақил ишларининг ташкил этилиши уларнинг билиш фаолиятини ташкил этишда муайян ўзгартиришлар киритилишига замин тайёрлайди, шунингдек, талабаларни обьект мақомидан ажralиб, субъект мақомига ўтишга замин тайёрланади.

**Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг командада ўқитиш  
методига асосланган маъруза машғулотини такомиллаштириш бўйича  
тавсиялар**

Ташкилий қисм	Талабаларнинг ўкув мотивларини ривожлан- тириш	<b>Янги мавзуни ўрганиш.</b>	Якун ясаш ва холосалаш	Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш.
Давоматни аниқлаш <b>Атамалар варағидан</b>	Ўкув мақсадларини қўйиш <b>Ақлий ҳужум</b>	1-қисм Командада ишлиш 2-қисм коман-	Ҳар бир қисм яку- нида коман-	Командаларнинг эришган ютуқларини эътироф этиш

фойдаланиш <b>Тушунча ва атамаларнинг изохини эслаш</b>	ўтказиш	Командада ишлаш 3-қисм Командада ишлаш 4-қисм Командада ишлаш	далар ўртасида ўқув мунозара ларини ўтказиш <b>Мавзуни умумий якунлаш</b>	<b>Мустақил иш топшириклари-ни тавофутлаб бериш</b>
--	---------	---	--	---

### **Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг командада ўқитиши методига асосланган маъруза машғулотининг ишланмаси ва технологик харитаси**

Мазкур методга асосланган машғулотдан мавзу мазмуни ўртача қийинчиликда бўлган, талабалар мавзуни мустақил ўзлаштириш имкони бўлганда фойдаланилади. Ўқитувчи талабаларни тенг сонли командаларга ажратади ва уларнинг фаолиятини ҳамкорликда ўқув топширикларини бажаришга йўллайди. Шуни қайд этиш керакки, ўқитувчининг юқори даражадаги мулоқот маданияти ва рағбатнинг устунлиги машғулот самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатадиган омил саналади.

**Машғулотнинг мавзу:**

**Машғулотнинг таълимий мақсади**

**Машғулотнинг тарбиявий мақсади:**

**Машғулотнинг ривожлантирувчи мақсади:**

**Машғулот жиҳозлари:**

**Машғулотда фойдаланиладиган технология:** Ҳамкорликда ўқитиши технологияси (командада ўқитиши методи)

**Машғулотнинг бориши:**

I. Ташкилий қисм

II. Ўтган мавзу юзасидан талабаларнинг ўзлаштирган билимларини назорат қилиш ва баҳолаш.

III. Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш.

IV. Янги мавзуни ўрганиш:

а) талабаларни командаға ажратиб бир неча кичик гурӯҳларни ташкил этиш ҳамда, ҳар бир команда аъзолари томонидан белгиланган ўқув топширикларини мустақил равишда сифатли бажарилишига эришиш;

Топшириқнинг дидактик мақсади: -(бу ерга дидактик мақсад ёзилади.)

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириклари	Топшириқни бажариш бўйича кўрсатмалар	Изоҳ
---	---	---------------------------------------	------

1.	Дарсликдаги матнни диққат билан ўқинг ва күйидаги саволларга жавоб тайёрланг.	Талабалар гурухи билан ҳамкорликда ишланг.
2.		Талабалар билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.
3.		
4.		

Ўзлаштирган билимларингиз асосида, машғулот матни ва расмлардан фойдаланиб күйидаги жадвални тўлдиринг.

Бу ерда умумлаштириш ёки такрорлашга оид жадвал берилади.

б) ўқув материалини яхлит ҳолда қайта ишлаб чиқилишини амалга ошириш.

V. Янги мавзу юзасидан командалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси уюштириш.

VI. Талабалар билимини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

VII. Янги мавзуни қайта ишлаш ва якунлаш.

VIII. Мустақил иш топшириғини бериш.

“ ” мавзусидаги ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг командада ўқитиш методидан фойдаланилган машғулотнинг технологик харитаси

ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР	ЎҚИТУВЧИННИГ ФАОЛИЯТИ	ТАЛАБАНИНГ ФАОЛИЯТИ
I босқич Ташкилий қисм 5-минут	Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради.	Машғулот мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажари-ладиган топшириқларни англайди.
II босқич Ўтган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини назорат қилиш ва баҳолаш	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириқлари ёрдамида Талабаларнинг билимларини назорат қиласи ва баҳолайди.	Ўтган мавзу юзасидан тузилган тест топшириқларини бажаради.
10-минут III босқич Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш.	Ўқув дастурининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириқлари билан таниш-	Ўқув дастурининг дидактик мақсади, бажарилади-

<b>5-минут IV босқич</b> <b>Янги мавзуни ўрганиш.</b> <b>40-минут</b>	тириш. Талабаларнинг командаларда мустақил ишини ташкил этади. Ўқув дастуридан ўрин олган топшириқларни мустақил ўзлаштирилишини таъминлайди. Топшириқ якунида командалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозара ўтказади. Тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириқлари, саволлар ва дидактик жадваллар беради.	ган ўқув топшириқлари юзасидан күрсатмаларни англайди. Талабалар билан ҳамкорликда ўқув фаолиятини ташкил этади. Ўқув дастуридан ўрин олган топшириқларни мустақил ўзлаштиради.
<b>V босқич</b> <b>Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш. 12-минут</b>	Топшириқ якунида командалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозара ўтказади. Тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради. Ўрганилган мавзу юзасидан тест топшириқлари, саволлар ва дидактик жадваллар беради.	Командалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси, мунозарада фаол иштирок этади.
<b>VI босқич</b> <b>Эришилган натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш. 8-минут</b>	Командалар фаолиятини таҳлил қиласи, Талабаларга мустақил ва ижодий иш топшириқларини беради	Тест топшириқлари, саволлар ва дидактик жадвалларни бажаради. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини белгилайди.

### **Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг “арра” методига асосланган семинар машғулот ишланмаси ва технологик харитаси**

Бу методда асосланган семинар машғулотнинг асосий хусусияти, ўқув материали 4 қисмга ажратилади. Ҳар қисм учун ўқув топшириқлари тузилади. Талабалар 4 қишидан иборат кичик гурухларга ажратилади ва улар янги мавзуунинг бир қисмини ўрганиб “мутахассислар”га айланади. Кейин талабалар қайта гурухланади ва ҳар бир гурухда мавзуунинг ҳар бир қисми бўйича “мутахассис” бўлиши шарт. Кейинги гурух “мутахассислар учрашуви” гурухи деб аталади ва ҳар бир “мутахассис” ўзи ўрганган қисмни гурух аъзоларига тушунтиради. Янги мавзу шу гурухда яхлит ҳолда қайта ишланади.

**Машғулот мавзуси:**

**Машғулотнинг таълимий мақсади:**

**Машғулотнинг тарбиявий мақсади:**

**Машғулотнинг ривожлантирувчи мақсади:**

**Машғулот жиҳозлари:**

**Машғулотда фойдаланиладиган технология:** Ҳамкорликда ўқитиш технологияси (“арра” методи)

**Машғулотнинг бориши:**

I. Ташкилий қисм

II. Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништириш ва уларнинг фаолиятини ўқув топшириқларини бажаришга йўллаш.

**III. Янги мавзуни ўрганиш**

а) “мутахассислар” томонидан белгиланган ўқув топшириқларини сифатли бажарилишига эришиш.

Мазкур мавзу матни мантиқий тугалланган фикрли қуидаги қисмларга ажратилади:

1-гурух учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1. 2. 3. 4.	Дарсликдаги матнни дикқат билан ўқиб, қуидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:  1. 2. 3. 4.	Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг Талабалар билан ўтказиладиган савол жавобда фаол иштирок этинг.

2- гурух учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
1. 2. 3. 4.	Дарсликдаги матнни дикқат билан ўқиб, қуидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:  1. 2. 3. 4.	Талабалар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг Талабалар билан ўтказиладиган савол жавобда фаол иштирок этинг.

3 - гурух учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш
---	---	--------------------

		юзасидан күрсатмалар
1. 2. 3. 4.	Дарсликдаги матнни дикқат билан ўқиб, қуидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Талабалар гурухи билан ҳамкорлиқда ишланг Талабалар билан ўтказиладиган савол жавобда фаол иштирок этинг.

## 4 - гурұх учун ўқув топшириқлари

№	Талабалар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажарыш юзасидан күрсатмалар
1. 2. 3. 4.	Дарсликдаги матнни дикқат билан ўқиб, қуидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Талабалар гурұхи билан ҳамкорлиқда ишланг, савол жавобда фаол иштирок этинг

б) “мутахассислар учрашуви” гурұхини ташкил этиш ва мазкур гурұхларда “мутахассис”лар ёрдамида укув материалининг яхлит ҳолда қайта ишлаб чикилишини амалга ошириш.

V. Янги мавзу юзасидан талабалар ўртасида савол-жавоб, ўқув баҳси уюштириш.

VI. Талабалар билимини тест саволлари ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш.

VII. Янги мавзуни қайта ишлеш ва якунлаш.

VIII. Мустақил иш топшириғини бериш.

“ ” мавзусидаги ҳамкорлиқда ўқитиши технологиясининг “арпа” методидан фойдаланилган машғулотнинг технологик харитаси

ТЕХНОЛОГИК БОСҚИЧЛАР	ЎҚИТУВЧИННИНГ ФАОЛИЯТИ	ТАЛАБАНИНГ ФАОЛИЯТИ
I босқич Ташкилий қисм 5-минут II босқич Үтган мавзу юза-	Талабаларни машғулот мавзуси, мақсади, бориши билан таништиради. Үтган мавзу юзасидан тузил-	Машғулот мавзуси, мақсади, бориши ва унда бажариладиган топшириқни англайди. Үтган мавзу юзасидан

<p>сидан талабаларнинг билимлари ни назорат қилиш ва баҳолаш 10-минут</p> <p>III босқич Талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш.</p> <p>5-минут IV босқич Янги мавзуни ўрганиш.</p> <p>45-минут</p>	<p>ган тест топшириқлари ёрдамида Талабаларнинг билимларини назорат қиласы ва баҳолайды.</p> <p>Ўқув топшириқларининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириқлари билан таништиради.</p> <p>Талабалардан “мутахассислар” тайёрлаш гурухларини ва уларнинг мустақил ишини ташкил этади.</p> <p>“Мутахассислар” учрашуви гурухини ташкил этади. Ҳар бир гурухда ўқув материали яхлит ҳолда ишлаб чиқилишини амалга оширади. Тегишли ҳолларда ёрдам уюштиради.</p>	<p>тузилған тест топшириқларини бажаради.</p> <p>Ўқув топшириқларининг дидактик мақсади, бажариладиган ўқув топшириқлари юзасидан күрсатмаларни англайди.</p> <p>Ўз ўқув фаолиятини ташкил этади. “Мутахассис” гурухи топшириқларини бажаради.</p> <p>1-гурух, 2-гурух, 3-гурух 4-гурух</p> <p>“Мутахассислар” учрашуви гурухда ўзи ўзлаштирган қисмни баён этиб гурухда ўқув материали яхлит ҳолда ишлаб чиқилишида иштирок этади.</p>
<p>V босқич Талабалар билимни назорат қилиш ва баҳолаш. 10-минут</p>	<p>Ўрганилған мавзу юзасидан тест топшириқлари, саволлар ва дидактик жадваллар беради.</p>	<p>Тест топшириқларини бажаради, саволларга жавоб топади ва дидактик жадвалларни түлдиради.</p>
<p>VI босқич Эришилған натижани таҳлил қилиш ва якун ясаш. 5-минут</p>	<p>Талабалар фаолияти ва натижани таҳлил қиласы, мустақил ва ижодий иш топшириқларини беради.</p>	<p>Ўз ўқув фаолияти ва эришилған натижасини таҳлил қиласы ва баҳолайди. Мустақил ва ижодий иш топшириқларини олади.</p>

### Назорат саволлари

1. Таълим-тарбия жараёнида ҳамкорликда ўқитиш технологияси методларидан фойдаланишининг дидактик мақсадларини аниқланг.
2. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси методларини аниқланг ўзингиз ўқитадиган ўқув курсида фойдаланиш йўлларини белгиланг.
3. Машғулотлар ишланмаси ва технологик харитани тузиш юзасидан тавсияларни ўрганинг.
4. Ўзингиз ўқитадиган ўқув курси бўйича маъруза ва амалий машғулотлар ишланмаси ва технологик харитасини тузинг.

5. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси методларига асосланған маъруза ва анъанавий маърузада талабаларнинг билиш фаолиятининг ташкил этилишини таққосланг.

### **5-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТНИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.**

Режа:

1. Инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда муаммоли таълим технологиясининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Муаммоли методлар (муаммоли-изланиш характеридаги сұхбат, муаммоли баён, муаммоли амалий ишлар).
3. Маъруза, семинар ва амалий машғулотларда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш.
4. Машғулотлар ишланмаси ва технологик харита тузиш. Машғулотларда муаммоли таълим технологияси ва локал даражадаги технологияларни уйғунлаштириш.

Машғулот босқичлари	Муаммоли машғулотлар	Анъанавий машғулотлар

Олий таълим муассасаларыда биологияни ўқитиш жараёнида инновацион таълим мұхитни лойиҳалаштиришда муаммоли таълим технологиясига асосланған муаммоли (ақлий ҳужум) машғулот, мунозарали (илмий мунозарали ва эркин фикрлаш) машғулотлари салмоқли ўрин әгаллаган.

Мазкур машғулотларнинг ўзига хос жиҳати машғулот давомида вужудга келтирилган муаммоли вазиятларга асосланади.

Муаммоли таълим деб, ўқитувчи томонидан педагогик таъсир күрсатишининг энг муқобил варианти ёрдамида, фикр юритиш қонуниятларига таянган ҳолда, талабаларнинг билимларни ўзлаштириш жараёнида фикрлаш қобилиягини ривожлантириш ва билиш эҳтиёжини қондириш мақсадига йўналтирилган, шахснинг умумий ва маҳсус ривожланишига замин тайёрлайдиган жараёнга айтилади.

Муаммоли таълим жараёнида ўқитувчи раҳбарлигига муаммоли вазият вужудга келтирилиб, мазкур муаммо талабаларнинг фаол мустақил фаолияти натижасида билим, кўникма ва малакаларни ижодий ўзлаштириши ва ақлий фаолиятини ривожлантиришга имкон беради.

Муаммоли таълим технологиялари талабаларнинг билимларни ўзлаштириш даражасини орттириш, күнікмаларни малака даражасига етказиши мақсадида қўлланилиб, унда талаба ўқув материалини таҳлил қиласди, таққослайди, синтезлайди, маълумотларни умумлаштириб, янги ахборот олади. Бошқача айтганда, аввал ўзлаштирган билим ва күнікмаларини янги вазиятларда қўллаб, билимларни чуқурлаштиради, кенгайтиради.

Билимларни бундай ўзлаштириш усулини ҳеч бир машғулотлик ва устоз ўргата олмайди, фақат талабалар муаммоли вазиятларни ҳал этиш жараёнида изланади ва муаммолар ечимини топади.

Талабаларни ижодий ва мантиқий фикр юритишга ўргатиш, ақлий фаолият усулларини эгаллашга, уларда илмий, танқидий-таҳлилий, мантиқий фикр юритиш күнікмаларини шакллантириш ва ривожлантиришга олиб келади.

Масалан, “Сут эмизувларнинг ҳаётий фаоллиги юрагининг ҳажмига боғлик. Ҳашоратларда ҳам шундайми?” деган саволга жавоб топиши учун талабалар аввал сут эмизуви ҳайвонлар ва ҳашоратларнинг қон айланиш системасини таққослаши, қоннинг бажарадиган функцияларини эслashi, улар ўрасидаги фарқни белгилаши, нафас олиш органларининг тузилиши ва функциясини чоғишириши, тўпланган маълумотлар асосида хулоса ясаб, фикрини далиллаши лозим. Саволнинг бу тарзда муаммоли қўйилиши талабаларда таҳлилий ва мантиқий фикр юритиш күнікмаларини эгаллашга имкон беради.

Муаммоли таълимнинг муваффақияти қўйидаги омилларга боғлик:

- Муайян мавзуга оид ўқув материалини муаммолаштириш;
- Муаммоли вазиятларни вужудга келтириш орқали талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;
- Таълим жараёнини ўйин, меҳнат фаолияти билан уйғунлаштириш;
- Ўқитувчи томонидан муаммоли методлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш;
- Муаммоли вазиятни ҳал этиш юзасидан муаммоли саволлар занжирини
  - тузиш ва мантиқий кетма-кетликда талабаларга баён этиш;
  - Муаммоли вазиятлардан ўқув жараёнининг барча босқичларида: янги мавзу баёни, мустаҳкамлаш ва билимларни назорат қилишда муваффақиятли фойдаланиш мумкин. Муаммоли вазиятлар тизими муваффақиятли яратилган ҳолларда мазкур мавзуни муаммоли машғулот шаклида ўтиш тавсия этилади. Ўқитиш жараёнига муаммоли машғулотларни қўллаш учун ўқитувчи қўйидаги масалаларни ҳал қилиши:
  - Ўқув дастури бўйича қайси мавзуларни муаммоли машғулот шаклида ўтиш мумкинлигини белгилаш;
  - Мавзу матнидаги масалалар бўйича муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган саволлар, топширикларни аниқлаш, бунда дидактиканинг



илмийлик, системалик, мантиқий кетма-кетлик, изчиллик принципларига амал қилиш;

- Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ва бошқаришни таъминлайдиган восита ва усулларни аниклаши, улардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш йўлларини белгилаши зарур.

Муаммоли машғулотларда ўқитувчининг фаолияти, аввало мавзу мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўқув муаммоларини аниклаш, муаммоли вазиятлар тизимини яратиш, талабалар олдига ўқув муаммоларини юқори илмий ва методик савияда қўйиш ва машғулотда мазкур ўқув муаммоларидан самарали фойдаланишга эришиш, талабалар фаолиятини муаммоларни ҳал этишга йўналтиришдан иборат бўлади.

Талабаларнинг фаолияти муаммоли вазиятларни идрок этиш, ҳал қилиш усулларини излаш, муаммони таҳлил қилиб, тахминларни илгари суриш, тахминларни илмий ва мантиқий нуктаи назардан асослаш, исботлаш, текшириш ва хулоса чиқаришдан иборат бўлади.

Хозирги замон муаммоли машғулотларнинг дидактик мақсади:

Талабаларнинг аввал ўзлаштирган билимларини муаммони ҳал этишда ижодий қўллаб янги билимларни эгаллаш қўникмалари;

Билимларни ижодий ўзлаштириш ва амалда қўллаш малакалари;

Изланувчанлиги, қизиқиши, мотивлари, мантиқий тафаккури, ижодий фаолияти, ақлий камолоти, заковатини ривожлантиришдан иборат.

Муаммоли таълим технологиялари талабаларда ижодий фаолият тажрибаларининг шаклланишига имкон яратади.

Ўқитиши жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш, уларда ижодий ва мустақил фикр юритиш қўникмаларини ривожлантиришда муаммоли таълим технологияси асосий ўринни эгаллайди.

Муаммоли таълим технологияси ўқитишида муаммоли вазиятларни вужудга келтиришга асосланиб, уни мақсадга мувофиқ ҳолда, машғулотнинг турли босқичлари, жумладан, уй вазифасини сўраш, янги мавзуни ўрганиш, ўрганилган мавзуни умумлаштириш ва якунлашда фойдаланиш тавсия этилади.

Ўқитувчи муаммоли вазиятларни машғулотнинг қайси босқичида вужудга келтиришни, муаммоли саволларни бериш йўлларини аввалдан белгилаб олган бўлиши лозим.

Ўқитувчи муаммоли вазиятларни вужудга келтириш мақсадида ўрганиладиган мавзу матнини таҳлил этиши, талабаларнинг ёш, психологик ва эргономик хусусиятларни эътиборга олган муаммоли саволлар занжирини тузиши зарур.

Шуни қайд этиш керакки, ўқитувчи биологияни ўқитишида муаммоли вазиятларни вужудга келтиришнинг қуйидаги босқичларини назарда тутиши лозим :

- талабаларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштириш, уларнинг фаолиятини ўқув топширикларини ҳал этишга йўллаш орқали янги билимларни эгаллашга замин тайёрлаш;

- ижодий ўқув топшириқларини эгаллаш орқали билимларни кенгайтириш, аниклаштириш ва чуқурлаштириш;

- ижодий ўқув топшириқларини ҳал этиш орқали талабаларнинг ақлий фаолият усулларини эгаллашып имкон яратиш;

Ўқув материалининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда муаммоли вазиятларни вужудга келтиришнинг турли усуллари мавжуд:

1. Аналогия усули. Ушбу усулдан ҳар бир мавзунинг аввалги мавзуга боғлиқ масалаларни ҳал этишда фойдаланиш мүмкін.

2. Таҳлил ва синтез усули.

Ушбу усулда талабалар биологик обьектларни олимлар томонидан ўтказилган тажриба асосида ўрганади ва хулоса ясайдилар.

Талабалар муаммоли савол юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради.

3. Ўтказилган тажриба натижасида у ёки бу жараённинг моҳиятини аниклаш.

Ўқитувчи ўрганилаётган мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда тажрибаларга монанд тажрибаларнинг натижаларини баён этиб, улар асосида муаммоли вазиятларни вужудга келтириши мақсадга мувофиқ.

4. Муаммоли саволни илгари суринш.

Ўқитувчи жараённанда ўқитувчи муаммоли саволларни ўртага ташлаши ва талабаларнинг аввла ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда ижодий қўллаши орқали уларда ижодий фаолият тажрибаларини шакллантиришга эътибор қаратиши лозим.

5. Ажабланарли фактларни баён этиш орқали мустақил фикр юритишни вужудга келтириш.

6. Олимларнинг фикрлари асосида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш.

7. Битта факт юзасидан қарама-қарши фикр билдириш орқали муаммоли вазиятларни вужудга келтириш.

Ушбу усулда ўқитувчи ўрганилаётган жараён юзасидан қарама-қарши фактларни баён этиш орқали талабаларни мустақил фикр юритишга ундейди.

Ўқитувчи ўрганиладиган мавзунинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда юқорида қайд этилган усуллардан ўз ўрнида фойдаланиши талабаларнинг мустақил ва ижодий фикр юритиш кўнимкамларини ривожлантириш, ҳаётий тажрибаларни эгаллаш, ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаш орқали билим олиш усулларини эгаллашни назарда тутган ҳолда таълим-тарбия жараённининг самарадорлигини орттиришга замин тайёрлайди.

Мунозарали саволлардан фойдаланиш инновацион таълим мұхитини вужудга келтириш баробарида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштиради. Мунозарали масала ва машқлар жумласига қуйидаги масалаларни киритиш мүмкін:

1. Туман ҳалқ судида алимент ундириш юзасидан иш тингланмоқда. Аёл бошлаб келган йигит боланинг отаси эканлигини тан олмай, алимент тўлашдан бош тортмоқда. Масалани ойдинлаштириш мақсадида суд жараёни вақтингчалик тўхтатилиб, суд тиббиёт экспертизасига эркак, аёл ва боланинг қон гурухларини аниклаш зарурлигини қайд этилди. Суд тиббиёт экспертизаси берган маълумотга кўра йигитнинг қон гурухи III, аёлники II,



боланики I. Олинган маълумотларга асосланиб, халқ судьяси боланинг отаси шу йигит деган холосага келди ва ундан алимент ундириш учун хукм чиқарди. Халқ судининг ҳукмига сиз қандай муносабат билдирасиз?

2. Онасининг қони яхши ивийдиган, отасининг қони яхши ивимайдиган (гемофилик) оиласда туғилған қыз, балоғатга етгач, қони яхши ивимайдиган йигитни яхши күриб турмушга чиқмоқчи. Бундай никоҳга унинг отаси – инженер рози, бироқ онаси – врач тамомила қарши. Қыз саросимада нима қилишини билмайди. Сиз қызга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

Талабалар бу масалаларни ечиб, кичик гурухларда муҳокама этиб бўлганларидан сўнг, кичик гурухлар ўртасида ўқув мунозараси ташкил этилади.

Мунозарали машғулотларнинг муваффақияти аввало:

- талабаларнинг бу машғулотга қизғин тайёргарлик кўришига;
- улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, ёрдам вужудга келганлигига;
- уларда ўз фикр ва мулоҳазаларини тўлиқ ва мантиқан баён қилиш, уни далиллашга:
  - ўз ўртоғининг фикрини сабот ва чидам билан тинглаш кўникмаларининг ҳосил қилинганлигига;
  - ўқитувчининг иқтидори, эътиқоди, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштира олиш кўникма ва малакаларини эгаллаганлик даражасига боғлиқ бўлади.

## **Назорат саволлари**

1. Муаммоли таълим технологияларининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
2. Муаммоли таълимнинг муваффақиятли қўлланилиши қандай омилларга боғлиқ?
3. Муаммоли таълим технологияларини қўллашда фойдаланиладиган муаммоли изланиш характеридаги методларни аниқланг.
4. Муаммоли-изланиш характеридаги методлар гурухига қайси методлар киришини ўрганинг.
5. Муаммоли машғулотларнинг дидактик мақсадини аниқланг. Бу мақсадларни анъанавий машғулотнинг мақсадлари билан таққосланг.

Муаммоли машғулотларнинг технологик хариталарни анъанавий машғулотнинг технологик харитаси билан таққосланг ва қуйидаги жадвални тўлдиринг.

## **6-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА АДАПТИВ ТЕСТ, СТАНДАРТ ВА НОСТАНДАРТ ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Режа:**

1. Биологик таълим-тарбия жараёнида адаптив тест топшириқларининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар.
2. Мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий адаптив тест топшириқларини тузиш.
3. Ностандарт тест топшириқларини тузиш ва адаптив тест топшириқлари банкини яратиш ва фойдаланиш.

**Амалий машғулотнинг мақсади:** Тингловчиларни тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи билан танишириш. Тингловчиларда стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузиш ва таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.

Таълим-тарбия жараёнида тескари алоқани амалга ошириш йўллари. Таълим самарадорлигини орттиришда таҳсил олувчиликнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда назорат турларини хилма-хиллаштириш, гомоген ва гетероген тест топшириқларини тайёрлаш йўллари. Таҳсил олувчиликнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш йўллари.

Адабиётлар таҳлили педагогик тестлар стандарт (битта жавобли) ва ностандарт (кўп жавобли)ларга ажратилишини кўрсатди.

Стандарт тестлар амалиётга жорий этилаётганлиги сабабли унга таъриф ва тавсиф берилишнинг зарурати йўқ.

Стандарт тестлар мазмуни бўйича репродуктив ва продуктив даражада, таркиби жиҳатидан тест топшириғи саволи ва тўғри ва нотўғри жавоблардан иборат бўлса, ностандарт тестлар ўзининг мазмуни, тузилиши ва қўлланиш мақсадига кўра муайян даражада фарқ қиласди.

Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қуидаги гурухларга ажратилади:

1. Интегратив тестлар;
2. Адаптив тестлар;
3. Мезонли-мўлжал олиш тестлари.

Интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳакида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Адаптив тестлар автоматлаштирилган, талабаларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида талабанинг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади.

Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртача оғирликдаги, талабанинг



танлашига кўра аралаш, топшириқлар банкидан фақат қийин даражали бўлиши мумкин.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модул-кредит парадигмасида муваффакиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Мезонли-мўлжал олиш тестлари талабаларнинг умумий тайёргарлик даражаси, мазкур курснинг ўқитилиш сифати, педагогнинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мазкур тест топшириқларини тузиш учун аввало ўкув курси мазмуни ДТС асосида таҳлил этилади, билим, кўникма ва малакалар аниқланади, уларни аниқлаш учун топшириқлар мажмуаси тузилади, мазкур топшириқлар тест топшириқларига айлантирилади ва синов ўтказилади, пировар натижада талабаларнинг шу курсни ўзлаштириш даражаси юзасидан хulosha тайёрланади.

Мезонли-мўлжал олиш тест синовлари орқали талабаларнинг билимларидаги бўшлиқлар аниқланади ва уларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

Юқорида қайд этилган ностандарт тест топшириқларини таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиш жараёни талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Ностандарт тест топшириқларини тайёрлашда мазмун ва шакл асосий ўринни эгаллайди.

### **Амалий машғулот давомида тингловчилар томонидан бажариладиган топшириқлар юзасидан методик кўрсатма**

1. Тест топширигининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талабларни ўрганинг.
2. Тест топшириқларининг қийинлик даражасига кўра ўзингиз ўқийдиган курс бўйича репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини тузинг.
3. Тест топшириқларининг мазмуни ва сифатига ДТМ томонидан қўйиладиган талабларни ўрганиб чиқинг.
4. Ўзингиз ўқийдиган курс бўйича тузган репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини ДТМ томонидан қўйиладиган талабларга мослаштиринг.
5. Қуйида берилгаётган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилинг ва уларнинг турлари, талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёнидаги ўрнини аниқланг.

Қуйида ностандарт тестлардан намуналар берилмоқда. Мазкур тестларни Ispring дастурига киритиб адаптив тестларга айлантириш йўлларини белгиланг.

1. Одам организмидаги безлар ва уларнинг турлари ўртасидаги мувофиқликни аниқланг: жадвалнинг биринчи устуnidаги ҳар бир тушунчага жадвалнинг иккинчи устуnidан мос маълумотларни танланг.

Безлар гурухи		Безлар номи	
A	<i>Ташқи секреция безлари</i>	1	айрисимон без
B	<i>Ички секреция безлари</i>	2	тухумдонлар
C	<i>Аралаш безлар</i>	3	ошқозон ости бези
		4	қалқонсимон без
		5	ошқозон шиллиқ қавати безлари
		6	гипофиз
		7	тер безлари
		8	сўлак безлари

Жадвалдаги ҳар бир ҳарфга мос равища тегишли рақамларни ёзинг.

Жавоб:	
A	578
B	146
C	23

Ушбу тест топшириғи талабаларнинг ўзлаштирган нафакат билимларини балки обьект ва унинг қисмларини таниш, ўзига хос хусусиятларини аниқлаш кўникмаларини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини ҳаққоний ва одилона амалга ошириш имконини беради.

2.«Ҳаётнинг тузилиш даражалари» жадвалининг бўш катагига мос келадиган атамани ёзинг.

Ҳаётнинг тузилиш даражалари	Мисол
	Африка фили
биогеоценоз	Актиниялар ва зоҳид қисқичбақалар симбиози

Жавоб: тур

3. Жадвалнинг чап устунида берилган ўсимликлар мансуб оилалар ва уларнинг хусусиятлари ўртасидаги мувофиқликни аниқланг: жадвалнинг биринчи устуnidаги ҳар бир тушунчага жадвалнинг иккинчи устуnidан мос маълумотларни танланг.

ЎСИМЛИКЛАР НОМИ		ОИЛАНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	
A	Бұғдой	1	дон мева
B	Күнгабоқар	2	писта мева
		3	гуллари бошоқ түпгүлга йиғилған
		4	гуллари саватча түпгүлга йиғилған
		5	пояси сомон поя
		6	гуллари тилсімөн ёки найсимөн


Жадвалдаги ҳар бир ҳарфга мос равища тегишли рақамларни ёзинг.

Жавоб:

A 135

B 246


4. Берилған маълумотлар орасидан расмда берилған ҳайвонлар учун умумий хусусиятларни аникланг.



- 1) умуртқа поғонаси ва қовурғалар
- 2) жабралар орқали нафас олиш
- 3) бөш ва орқа мия
- 4) катта ва кичик қон айланиш доираси
- 5) ёпиқ қон айланиш доираси
- 6) иссиққонлилик

Жавоб: 135


5. Одам қон айланиш системаси кичик қон айланиш доирасида веноз қон ҳаракатланадиган қисмлар қандай рақамлар билан берилған? Рақамларни ва уларга мос қисмларнинг номини ёзинг.



**Жавоб:**

№	ҚОН АЙЛАНИШ ДОИРАСИ ҚИСМЛАРИ
5	үнг қоринча
2	ўпка артерияси


6. Берилган расмда 4 рақами остида новданинг қайси қисми тасвирланган?



- 1) барг  
2) бўғим  
3) бўғим  
оралиғи  
4) куртак  
5) поя

**Жавоб: 2**

7. Расмда тасвирланган ҳайвоннинг қайси белгиси унинг ҳашаротлар синфига мансуб эканлигини билдиради?




- 1) тўрт жуфт юриш оёғи;  
2) иккита оддий кўзи;  
3) икки жуфт шаффоғ канотлари;  
4) тананинг бошқўрак ва қорин қисмларига ажралиши.

**Жавоб: 3**

8. Расмда берилган гул тузилишини диққат билан ўрганинг. Гул тузилишига оид маълумотларни аниқланг ва тегишли рақамларни ёзинг.

	1) оддий гултожсимон гулқўрғон	4) Гк <sub>5</sub> Гт <sub>5</sub> Ч <sub>∞</sub> У <sub>(5)</sub>
--	-----------------------------------	--



	2) оддий косачасимон гүлқұрғон	5) Гк <sub>4</sub> Гт <sub>4</sub> Ч <sub>4+2</sub> У <sub>1</sub>
	3) мураккаб гүлқұрғон	6) Гк <sub>5</sub> Гт <sub>5</sub> Ч <sub>5</sub> У <sub>1</sub>
Жавоб: 35		

9. Ҳар бир мева турига тегишли хусусиятларни танланг ва жадвалга ёзинг.



A



Б


- 1) қуруқ мева
- 2) хұл мева
- 3) бир уруғли мева
- 4) күп уруғли мева
- 5) құзоқ мева
- 6) дуккак мева
- 7) данакли мева
- 8) қовоқ мева

## Жавоб

А | 237

Б | 146

10. Одам қон айланиш системасыда кичик қон айланиш доираси қисмлари қандай рақамлар билан берилген? Мес рақамларни кетма-кет ёзинг.



Жавоб: 2358

## Тингловчилар учун ўқув топшириқлари

ЎФЭ	Модуллар бўйича ўқув топшириқлари	Методик кўрсатма	Балл
1.	<p><b>Мақсад:</b> Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўнирма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузишни ўрганиш.</p> <p>1-модуль бўйича берилган материалларни дикқат билан ўқиб чиқинг ва қуидаги саволларга жавоб топинг.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Стандарт ва ностандарт тест топшириқларининг ўҳшашлиги ва фарқини эътиборга олган ҳолда Венн диаграммасини тузинг.</li> <li>Ностандарт тест топшириқларининг турларини аниқланг ва улардан педагогик фаолиятингизда фойдаланиш йўлларини белгиланг.</li> <li>Ностандарт тест топшириқларини ўрганинг ва ўзингиз ўқийдиган курс мазмунидан муайян мавзу бўйича тест топшириқларини шакллантиринг.</li> <li>Сиз қандай ўзгартиришлар киритишни таклиф этасиз?</li> </ol>	Кичик гурух аъзолари билан ҳамкорликда ишланг	2-балл
2.	<p><b>Мақсад:</b> Тингловчилар томонидан талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўнирма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мақсадида шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилиш.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Сизга тавсия этилган ностандарт тест топшириқларини намуна сифатида қабул қилиб, ўзингиз ўқийдиган курс бўйича 15 та тест топшириғини тузинг.</li> <li>Курс бўйича шакллантирилган ностандарт топшириқларини тақдимотга тайёрланг.</li> <li>Ўзингиз тузган тест топшириқларининг афзаллиги, камчилиги</li> </ol>		3-балл

	ва уни тузишда учраган қийинчиликлар юзасидан фикр билдириңг.		
3.	<p>Модуль дастурини якунлаш.</p> <p>Мақсад: Ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-үзини баҳолаш.</p> <p>1. Модуль дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қай даражада эрищдингиз?</p> <p>2. Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик мақсадларни тақорорланг. Уларни бажаришда қандай қийинчиликларни енгишга эрищдингиз?</p> <p>3. Ушбу модуль дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?</p> <p>4. Мустақил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 5 балл билан баҳоланг.</p> <p>5. Амалий машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиши хосил қилмаган бўлсангиз матн ва модуль дастури устида тақороран ишланг.</p>	Тўплаган балларингизни жамланг ва кейинги қаторга ёзинг	
	Тингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари	жами	балл

Биологик таълим-тарбия жараёнида адаптив тест топшириқларининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талаблар, мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий адаптив тест топшириқларини тузиш. Ностандарт тест топшириқларини тузиш ва адаптив тест топшириқлари банкини яратиш ва фойдаланиш.

Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қуидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Интегратив тестлар;
2. Адаптив тестлар;
3. Мезонли-мўлжал олиш тестлари.

Биологияни ўқитишда фойдаланиладиган интегратив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, бакалавриат йўналиши битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хulosса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Биологиядан фойдаланиладиган адаптив тестлар қуидаги хусусиятлари билан характерланади:

- Адаптив талабаларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини беради, яъни тест топшириқларининг қийинчилик даражасига кўра талабалар танлаш хуқукини беради.
- Адаптив тестлар автоматлаштирилган, My test дастурига киритилиб, талабаларнинг ўзлаштирган билим, қўникмаларини мустаҳкамлаш, машқ қилиш, ўз-ўзини назорат амалга ошириш орқали таълим маконига мослаштириш имконини беради.
- Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этади, яъни талабаларнинг танлашига кўра фақат ўртacha оғирлиқдаги, аралаш, қийин даражали тест топшириқлардан фойдаланишга имкон яратади.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модуль-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Мазкур тест топшириқларини тузиш учун аввало ўқув курси мазмуни ДТС асосида таҳлил этилади, билим, қўникма ва малакалар аниқланади, уларни аниқлаш учун топшириқлар мажмуаси тузилади, мазкур топшириқлар тест топшириқларига айлантирилади ва синов ўтказилади, пировар натижада талабаларнинг шу курсни ўзлаштириш эҳтимоллига юзасидан хulosса тайёрланади.

Адаптив тест топшириқлари орқали талабаларнинг билимларидағи бўшлиқлар аниқланади ва уларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

Юқорида қайд этилган ностандарт тест топшириқларини таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиш жараёни талабаларнинг ўзлаштирган билим, қўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради.



Адаптив ностандарт тест топшириқларини тайёрлашда мазмун ва шакл асосий үринни эгаллады.

Шу сабабли, тест топшириқлари мазмунини танлаш принциплари ҳақида фикр юритиш лозим.

**1-принцип. Тест топшириқлари мазмуну синов мақсадига мослиги принципи.** Мазкур принцип талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш Рейтинг тизимининг назорат турларида тест топшириқларининг мазмуни мақсадга мувофиқ танланишини талаб этади.

**2-принцип. Назорат ва баҳоланаётган билимларнинг муҳимлиги принципи.**

Муҳимлик принципи тест топшириғи саволларига ўқув дастуридаги энг муҳим қонун, теорема, тушунча ва кўникмаларни киритишни талаб этади. Бу жараёнда иккинчи даражали маълумотлар, рақамлар ва фактик материаллар тест топшириқларига киритиш тавсия этилмайди.

**3-принцип. Мазмун ва шакл бирлиги принципи.** Мазкур принцип тест топшириқларининг мазмунни ва шакли бир-бираига мос, яхлитликни ташкил этишини талаб этади.

Тест топшириқларининг мазмунини танлашда билимларнинг турлари ва уларнинг ўзига хослигини эътиборга олиш ва мос равища шаклни танлаш лозим.

**4-принцип. Тест топшириқларининг мазмунан тўғрилиги принципи.**

Тест топшириқларига ўқув курси мазмунидаги объектив ва ҳақиқий билимлар киритилиши мақсадга мувофиқ. Мазмундаги баҳс ва мунозарага олиб келадиган масалалар тест топшириқларига киритилмаслиги лозим. Бу ҳолат талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини бермайди.

**5-принцип. Тест топшириқлари мазмунида ўқув курси мазмунининг қайта тақдим этилиши принципи.**

Мазкур принцип тест топшириқларини тайёрлашда ўқув курси мазмунини тўлиқ ва етарли даражада қамраб олинишини назарда тутади. Ўқув курси бўйича ташкил этиладиган таълим-тарбия жараёнида мавзулараро, боблараро, бўлимлараро ва фанлараро боғланишларга етарли даражада эътибор қаратилган, мазмунан бу жараён ўқув материалида ўз аксини тушунчалар ўртасидаги боғланишлар шаклида топган бўлса, бунда ҳамма мавзулар бўйича эмас, балки танланган асосий мавзулар ва боблар бўйича тест топшириқлари тайёрланади.

**6-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг фаннинг ҳозирги замон ҳолатига мослиги принципи.**

Мазкур принцип тест топшириқлари мазмунини жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий қарашлар, ҳукуқий меъёрлар, фаннинг ўқув курси таълим мазмунига киритилган фан янгиликларига мослашни талаб этади.

Шуни қайд этиш керакки, ўқув курси мазмуні талабалар томонидан шу курсга оид илмий билимларни ўзлаштириш жараёнида ўзига хос ва мос проекцияни ҳосил қиласы.

Юқорида қайд этилган фикрлардан кўриниб турибдики, тест топшириқларининг мазмунни ҳам замонавий, ҳам талабалар томонидан илмий билимларни ўзлаштириш босқичларига мос бўлиши лозим.

### **7-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг мажмуали ва мувозанатлашган бўлиши принципи.**

Мазкур принцип тест топшириқлари мазмунини танлашда мақсадга мувофиқликни келтириб чиқаради, яъни Рейтинг тизимининг оралиқ ва якуний назорат учун тузилаётган тест топшириқларининг мазмуни унинг тури ва қўлланишини эътиборга олинган ҳолда боб, бўлим ёки курс мазмунини тўлиқ қамраб олишини тақоза этади.

Шунингдек, якуний назорат учун тузилаётган тест топшириқлари ўзида курснинг назарий масалалари, тушунчалар, қонунлар ва қонуниятлар, гипотезалар, фактик материаллар, масала ва машқларни мужассамлаштириши лозим.

### **8-принцип. Тест топшириқлари мазмунининг тизимлилиги принципи.**

Мазкур принципга асосан, тест топшириқларининг мазмунини танлашда, мазмун талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишда тизимлилик талабларига жавоб бериши лозим. Ундан ташқари тест топшириқларининг тизимли мазмуни, бир-бiri билан узвий боғланган билимларнинг умумий структурасини акс эттириши зарур.

Демак, ҳар бир тест топшириғи умумий билимлар тизимидан унинг муайян қисмини назорат қилишига эътибор қаратиш лозим.

### **9-принцип. Тест топшириғи мазмунининг вариативлиги принципи.**

Тест топшириғи биринчи марта амалиётга жорий этилганда, уларнинг мазмуни талабаларга маълум бўлиб қолади ва тест жавоблари хақидаги ахборотнинг четга чиқиб кетиш ҳолларининг олдини олиш учун, мазкур принцип тест саволлари ва жавобларини кўп вариантли қилиш, уларни алмаштириб, янгилашиб туришни тақоза этади. Бу ҳолатда тест топшириқларининг мазмуни ва уни бажариш қийинчилик даражасини сақлаш талаб этилади.

### **Тингловчилар учун ўқув топшириқлари**

ЎФЭ	Модуллар бўйича ўқув топшириқлари	Методик кўрсатма	Балл
1.	<b>Мақсад:</b> Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузишни ўрганиш. <b>1-модуль бўйича берилган материалларни</b>	Кичик гурӯҳ аъзолари билан ҳамкорликда	2-балл

	<p>диққат билан ўқиб чиқинг ва қуидаги саволларга жавоб топинг.</p> <p>5. Стандарт ва ностандарт тест топшириқларининг ўхшашлиги ва фарқини эътиборга олган ҳолда Венн диаграммасини тузинг.</p> <p>6. Ностандарт тест топшириқларининг турларини аникланг ва улардан педагогик фаолиятингизда фойдаланиш йўлларини белгиланг.</p> <p>7. Ностандарт тест топшириқларини ўрганинг ва ўзингиз ўқийдиган курс мазмунидан муайян мавзу бўйича тест топшириқларини шакллантиринг.</p> <p>8. Сиз қандай ўзгартиришлар киритишни таклиф этасиз?</p>	ишлиш	
2.	<p><b>Мақсад:</b> Тингловчилар томонидан талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўнирма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мақсадида шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилиш. Сизга тавсия этилган ностандарт тест топшириқларини намуна сифатида қабул қилиб, ўзингиз ўқийдиган курс бўйича 15 та тест топшириғини тузинг.</p> <p>4. Курс бўйича шакллантирилган ностандарт топшириқларини тақдимотга тайёрланг.</p> <p>5. Ўзингиз тузган тест топшириқларининг афзаллиги, камчилиги ва уни тузишда учраган қийинчиликлар юзасидан фикр билдиринг.</p>		3-балл
3.	<p>Модуль дастурини яқунлаш.</p> <p>Мақсад: Ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.</p> <p>6. Модуль дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қай даражада эришдингиз?</p> <p>7. Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик мақсадларни тақорорланг. Уларни бажаришда қандай қийинчиликларни енгишга эришдингиз?</p> <p>8. Ушбу модуль дастури сизнинг</p>	Тўплаган балларингизни жамланг ва кейинги қаторга ёзинг	

	<p>педагогик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?</p> <p>9. Мустақил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 5 балл билан баҳоланг.</p> <p>10. Амалий машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиши ҳосил қилмаган бўлсангиз матн ва модуль дастури устида такроран ишланг.</p>		
	Тингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари	жами	балл

## **8-машғулот. ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ МУХИТИ ЛОЙИҲАЛАШТИРИШДА ФАНЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ, МЕТОДИК ВА ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МЕТОДИКАСИ**

### **Режа:**

1. Биологик фанларни ўқитишнинг дидактик ва тарқатма материалларни тузиш принциплари.
2. Биологик фанларни ўқитишида фойдаланиладиган дидактик ва тарқатма материалларнинг аҳамияти.
3. Биологик фанларни ўқитишида фойдаланиладиган дидактик ва тарқатма материалларнинг турлари.
4. Биологик фанларни ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш алгоритмлари.

**Таянч тушунчалар:** Дидактик таъминотнинг таркибий қисмлари, дидактик ва тарқатма материаллар, дидактик тарқатма материалларни тузиш принциплари, дидактик тарқатма материалларнинг турлари, дидактик мақсадлари.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини жорий этиш ва ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари бўлган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да умумий ўрта таълим мактаблари талабаларни ДТС билан меъёrlанган билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш баробарида, уларнинг илмий дунёқарашини таркиб топтириш ва ривожлантириш, шахснинг ҳар томонлама камол топишига имкон яратиши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ахборотлар глобаллашуви, фан ва техника ривожланган, чет элнинг чиқиндисиз технологиялари амалиётга жорий этилаётган бир пайтда, жамият ҳар томонлама чуқур меъёrlанган билим, кўникма ва малакаларга эга,



автоматик техникаларнинг ишлаш механизмини билиш, камчиликларини бартараф этишга қодир шахсларга әхтиёж сезади.

Маълумки, жамият тараққиётининг ҳар босқичи таълим тизими олдига ўзининг ижтимоий буюртмаларини қўяди.

Мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш корхоналарида қўл кучи билан бажариладиган ишларнинг камайиши, механизмларнинг мураккаблашуви, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, дехқончилик ва чорвачиликка янги технологияларнинг жорий этилиши ўсиб келаётган ёш авлоднинг фан асосларини чуқур ўзлаштириши билан бир қаторда уларда фаол ақлий фаолият ва ҳар томонлама ривожлантиришни талаб этмоқда.

Юқорида қайд этилган вазифаларни бажариш узуксиз таълим тизими-нинг олий ўкув юртларига юклатилган бўлиб, мазкур таълим муассасаларида шахсни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишида таълим мазмуни, ўқитиши методлари, воситалари ва шаклларини уйғунлаштириш орқали таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқитишида фанлараро боғланишни амалга ошириш зарур.

Маълумки, биология, физика ва кимё саноат, қишлоқ хўжалигининг назарий асослари ҳисобланиб, энергия, хом ашё ва материалларнинг хилма-хиллашуви, ўзгариши, жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланишига замин яратади.

Биология, физика ва кимёning яратувчанлик роли фақат маҳсулот ишлаб чиқариш билангина чекланмасдан, балки мазкур фанларнинг назариялари жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади.

Бундай аҳамиятга молик назарияларга моддаларнинг молекуляр, атом, электрон тузилиши, квант назарияси (квант механикаси, квант электродинамикаси, квант кимёси ва х.к.), органик оламнинг эволюцион назарияси, ирсиятнинг хромосома назарияси, модда ва энергиянинг сақланиш қонунларини киритиш мумкин.

Ушбу назариялар асосида янада мураккаброқ назариялар, жумладан биологияда ҳужайра назарияси ва содир бўладиган жараёнлар, ирсиятнинг молекуляр асослари кашф этилган.

Хозирги замон табиатшунослик фанида фанларнинг ривожланиши ва техник юксалишида физика фани муносиб ўрин тутади. Кейинги йилларда физика фанида эришилган ютуқлар асосида жумладан, ядро энергияси, ракетасозлик, ярим ўтказувчанлик техникаси, ёруғликнинг квант генератори кабилар бошқа фанларнинг ривожи ва уларда янги кашфиётлар яратилишига сезиларли, яъни яъни мазкур фаннинг муваффақиятли ривожланиши унга алоқадор бўлган фанларнинг ривожига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатди.

Шунингдек, табиий фанларнинг ривожланиши, фанлар ўртасида диффе-ренциация ва интеграция жараёнларининг вужудга келиши объектив қонуният сифатида табиий фанлар бўлган биология, кимё ва физика фанлари ўртасида фанлараро боғланишни амалга оширишни талаб этмоқда.

В.Н. Максимова ўз тадқиқотларида замонавий мактаблардаги таълим-тарбия жараёнида фанлараро боғланишни амалга ошириш муаммосини дидактик нұқтаи назардан ишлаб чиққан. Мазкур тадқиқотда фанлараро боғланиш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида күриб чиқылған ва ўқитиш жараёнида фанлараро боғланишнинг турлари, вазифалари, фанлараро боғланишни амалга оширишга муаммоли ёндошув моҳияти аниқланган, фанлараро боғланишни амалга ошириш мақсадида ўқитиш шаклларини такомиллаштириш масалалари ўрин олган.

Ушбу тадқиқотнинг аҳамиятга молик томони, ўқитишни ташкил этишда мажмуали (комплекс) машғулотлардан фойдаланиш методикасининг ишлаб чиқылғанлиги ва талабаларни касбга йўллашда фанлараро боғланиш аҳамиятининг аниқланганлиги саналади.

В.Н. Федорова, Д.М. Кирюшкинлар томонидан чоп этилган «Межпредметные связи» монографияда фанлараро боғланиш – дидактика-нинг долзарб муаммоси сифатида күриб чиқылған. Мазкур монографияда кимё, биология, физика ўкув фанларини ўқитишда фанлараро боғланишни амалга оширишнинг моҳияти, функцияси ва методикаси ёритилган.

Таълим-тарбия жараёнида ўкув фанларини интеграллаш, яъни фанлараро боғланишни амалга ошириш муаммоси жуда кўп тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

М.Н. Скаткин ўз тадқиқотларида вақтингчалик фанлараро боғланишни учта турга:

1. Аввал ўзлаштирилган билимлар билан ўрганилаётган билимлар ўртасидаги боғланиш;
2. Ўрганилаётган билимлар билан келгусида ўзлаштириладиган билимлар ўртасидаги боғланиш;
3. Бир вақтда ўзлаштириладиган билимлар ўртасидаги боғланишга ажратган.

К.П. Королева ўз тадқиқотларида вақтингчалик фанлараро боғланишнинг тўртта турини тадқиқ этган. Улар жумласига:

1. Фактик материаллар билан тушунчалар ўртасидаги боғланиш;
2. Тадқиқот методлари билан илмий тафаккур ўртасидаги боғланиш;
3. Умумий кўникма ва малакалар ўртасидаги боғланиш;
4. Билиш фаолияти усулларини ўргатиш ўртасидаги боғланишни киритган.

Н.М. Черкез-Заде ўз тадқиқотларида вақтингчалик фанлараро боғланишни қуидагича таснифлаган:

1. Фан асослари бўйича аввал ўзлаштирилган ва таниш бўлган ўкув материали билан ўрганилаётган билимлар билан боғлаш;
2. Бир вақтнинг ўзида фан асослари бўйича ўрганилаётган тушунчаларни ўзаро боғлаш;
3. Истиқболдаги боғланиш, унда ўрганилаётган тушунчалар келгусида ўрганилиши назарда тутилган тушунчалар билан боғлаш.



Олима ўз тадқиқотларида боғланишнинг иккинчи турида боғланиш синхрон ёки синхрон бўлмаслиги, учинчи тур боғланишлар эса, муаммоли характерга эга бўлишини уқтирган. Шунингдек, мазкур тадқиқотда фанлараро боғланишнинг мантиқий йўналиши, табиий фанларнинг ўқув дастурида бўлимлар, мавзулар ўзаро мантиқий боғланишлар асосида тузилиши, талабалар уларни ўзлаштиришда мантиқий операцияларни бажариши лозимлигини қайд этган. Мантиқий боғланишларга таққослаш, сабаб-оқибат боғланишлари, индукция, дедукция, таҳлил, синтез, умулаштиришлар киритилган.

Биолог-методист олимлар Н.М. Верзилин ва В.М. Корсунская фанлараро боғланиш икки хил: горизонтал ва вертикал бўлиши мумкинлигини кўрсатган. Олимлар горизонтал фанлараро боғланиш бир курс, бир чорак, ярим йилликда ўқитилаётган фанлар ўртасида, вертикал фанлараро боғланиш эса, аввалги курсларда ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш орқали амалга оширилишини қайд этган.

Республикамиз биолог методист олимлари томонидан фанлар ўртасидаги фанлараро боғланишни тадқиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, проф. А.Т. Фофуров томонидан биологияни ўқитишида фанлараро боғланиш, С.С. Файзуллаев генетика ва селекция асосларини ўқитишида фанлараро боғланиш, Ж.О. Толипова педагогик кадрларни тайёрлашда фанлар интеграциясидан фойдаланиш муаммоларини тадқиқ этган.

Кейинги йилларда фанлар ўртасидаги фанлараро боғланишни интеграция атамаси билан юритиш одат тусига айланган.

Интеграция – лотинча «интегратио» сўзидан олинган бўлиб, тўлик, яхлит, бир бутун деган маъноларни билдиради.

Проф. Э. Турдиқуловнинг фикрича, интеграция – тарқоқ, бўлак-бўлак, айrim-айrim ҳолдаги нарсаларнинг бутун, яхлит, тизимлашган ҳолатга келтиришdir.

Мазкур олим тадқиқотларида табиий фанларни интеграциялаб ўқитиши муаммоси ишлаб чиқилган бўлиб, у олам хақидаги бир бутунликни ташкил этиши назарда тутилиши, таълим интеграцияси фанлараро боғланишнинг юқори даражаси, бир бутун интеграллашган билимларни яратишга имкон берадиган воситаси эканлиги қайд этилган.

Проф. Р.Ш. Аҳлиддиновнинг фикрича, фан ва технологиянинг юксалиши табиий фанлар интеграциясини кучайтириши талаб этиди ва «Ўзбекистон умумий ўрта таълими концепцияси»да табиат ва жамият қонунларини замонавий ишлаб чиқариш билан боғлиқликда ўрганиш ғояси илгари суриммоқда.

Проф. Р.Ҳ. Жўраев тадқиқотларида таълимнинг энг муҳим муаммоларидан бири билимларни интеграциялаш ва табақалаштириш масалалари ишлаб чиқилган. Жумладан, олимнинг фикрича интеграция – турли билимлар тизими ўртасида таркибий боғланишларни ўрнатиш, уларни

умумлаштириш, ўқувчиларнинг табиат ва жамият ҳақидаги яхлит тассавурларни шакллантириш учун хизмат қиласы.

Тадқиқотда фанларнинг интеграцияси қуидаги таркибий қисмларга ажратылған:

- Объектга доир интеграция – бир объектнинг турли фанлардаги тимсоллари бир мавзу, бўлим ёки курсларга киритилади.
- Тушунчага оид интеграцияда умумий тушунчалар мазмунни очиб берадиган мавзу ёки курслар қамраб олинади.
- Назарияга оид интеграцияда – физика, кимё, биологиядаги назариялар умумий ҳолатда ўрганилади.
- Методологик интеграцияда – илмий билишнинг алоҳида методларига оид интеграцияни амалга ошириш кўзда тутилади.
- Муаммоли интеграцияда фанлараро муаммолар қамраб олинади ва ҳал этиш йўллари ишлаб чиқилади.
- Фаолиятга оид интеграцияда муаммони ҳал этиш юзасидан мунозара ўтказиш, кичик гуруҳларда ишлаш, фанлараро тадбирлар режасини тузиш, лойиҳалар тайёрлаш кабилар кўзда тутилади.
- Амалий интеграцияда аҳамиятга молик бўлган жараёнлар асосида техник маҳсулотларни яратиш назарда тутилади.

Табиий фанларни ўқитишида фанлараро боғланишни амалга ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили, узлуксиз таълим тизимида бу борада қатор камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан:

- Педагогика олий ўқув юртларида биологияни ўқитишида интеграциялашган таълим концепцияси;
- Табиий ўқув фанларини ўқитишида фанлараро боғланишни амалга ошириш мазмунни, назарий ва амалий асослари ишлаб чиқилмаган;
- Ўқитувчилар табиий ўқув фанларини ўқитишида фанлараро боғланишни амалга ошириш учун етарли даражадаги назарий билимларга эга бўлмаганликлари учун мазкур жараённинг имкониятларини тасаввур қилаолмайдилар;

Табиий фанлар бўлган физика, кимё ва биология фанларининг жадал ривожланиши, улар ўртасида интеграллашган фанларнинг вужудга келиши, узлуксиз таълим тизими турларида ўқитиладиган биология ўқув фани мазмунини ҳам интеграллашни тақоза этмоқда.

Бунинг учун ўқитувчилар юқорида қайд этилган фанларнинг ривожидаги сўнгги ютуқлар, уларнинг фан ва техника, ҳалқ хўжалиги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти англаши, уларни талабаларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, билим заҳираларига монанд ҳолда дидактик қайта ишлаши ва мавзуларнинг мазмунига киритиш йўлларини белгилаши лозим.

Биологияни ўқитишида табиий фанларни интеграллаштириш, яъни фанлараро боғланишни амалга ошириш таълим-тарбия жараённинг мухим дидактик шарти бўлиб, у қўйидаги вазифалар:



1. Талабалар учун асосий билим манбай бўлган ўқув материалининг илмийлиги ва изчиллиги, бошқа табиий фанлардан ўзлаштирилган тушунчаларни мантиқий боғликлигини таъминлайди.

2. Талабалар томонидан билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ортади ва ақлий ривожланиш тезлашади.

3. Табиий фанларни интеграллаш, яъни ўқитишида фанлараро боғланишни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш орқали талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришни ҳал этишга имкон яратди.

Ўқитувчи машғулотлар давомида ўрганиладиган мавзунинг мазмунидаги тушунчаларни талабаларнинг онгига кимё, физика, математика, шунингдек биология ўқув фанларининг турли тармоқларидан ўзлаштирган билимларига таянган ҳолда етказиши лозим.

Биологияни ўқитишида ўрганилаётган мавзунинг мазмуни ва манбаига кўра фанлараро боғланишни қўйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Биология фани тармоқлари ичидаги фанлараро боғланиш;
2. Табиий-математик фанлар билан фанлараро боғланиш;
3. Ижтимоий-гуманитар фанлар билан фанлараро боғланиш;


Адабиётлар таҳлили, ўқитишида фанлараро боғланишнинг умумий дидактик асосларини ишлаб чиқиши, уларни таснифлаш борасида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилганлиги кўрсатди.

Юқорида қайд этилган фикрлар асосида фанлараро боғланиш таснифи бўйича умумий ечимга келинмаганлигини кўрсатди.



## ФАНЛАРАРО БОҒЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1-расм



Жадвалдан кўриниб турибдики, ўқитишида фанлараро боғланишлар мазмунни ва моҳиятига кўра фанлараро, фан тармоқлариаро, боблар ва мавзулараро бўлиши мумкин.

Ўқитишида фойдаланишга кўра: аввал ўзлаштирилган билим, қўникма ва малакалардан фойдаланиш, бир вақтда ўрганилаётган ўқув материалидан фойдаланиш, келгусида ўрганиладиган тушунчалар билан боғланишларни вужудга келтириш мумкин.

Характерига кўра горизонтал яъни, бир курсда ўрганилаётган ўқув фанлари ўртасида фанлараро боғланишларни амалга ошириш мумкин, ёки вертикал ҳар хил курсларда ўрганилган ўқув фанлари ўртасида фанлараро боғланишларни амалга ошириш мумкин.

Шунингдек, машғулотда амалга оширилаётган фанлараро боғланишлар ўрганиладиган мавзунинг мазмунига боғлиқ бўлса, синхрон, келгусидаги вазифаларни кўзда тутган бўлса асинхрон бўлиши мумкин.


Ўқитувчи ўрганиладиган мавзунинг мазмунига боғлиқ ҳолда ушбу боғланишларнинг турини ажратиши лозим. Диадиктик адабиётларда фанлараро боғланишларни амалга оширишга имкон берадиган метод сифатида мантиқий метод кўрсатилган ва мазкур методнинг таҳлил, синтез,



таққослаш, сабаб-оқибат боғланишлари, индукция, дедукция, умумлаштиришдан фойдаланиш тавсия этилган.

Фанлараро боғланишларнинг ўзига хос хусусиятларининг аниқланиши биология ўқув фанида амалга ошириладиган фанлараро боғланишларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва методиканинг бугунги ривожланиши даражасига мувофиқ ҳолда юқорида берилган жадвалга муайян ўзgartиришлар киритилишини тақозо этди.

## **БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ФАНЛАРАРО БОҒЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**



Педагогика олий ўқув юртлари бўлғуси ўқитувчиларни тайёрлаганлиги сабабли, таълим тарбия жараёнида интеграциялаш давр талаби саналади.

Хулоса қилиб айтганда ўқитишиң жараёнида фанлараро боғланишларни амалга ошириш қуйидаги натижаларга олиб келади:

1. Биологияни ўқитишида физика, кимё ўқув фанларига тегишли тушунчалар мавзу мазмунига боғлиқ ҳолда умумлашган ва мантиқий боғланган тарзда берилиши талабаларнинг оламни яхлит тасаввур қилиши ва дунёқарашини кенгайтиришга замин яратади.

2. Тирик организмларда борадиган ҳаёттің жараёнлар, шу жумладан, энергия ва модда алмашинувининг узлуксизлиги, энергиянинг сақланиши ва бир турдан иккінчи турға айланишини аниқлашда кимё ва физика қонуниятлари асосида тушунтириш дидактик зарурат эканлиги исботланади.

3. Физика, кимё ва биология ўқув фанлари ўртасидаги боғланиш талабаларнинг фан асосларини ўрганишга бўлган қизиқишини орттириш, уларни касбга йўллаш имконини беради.

4. Замонавий ишлаб чиқариш ва илмий-техник асослари фанлар интеграцияси асосида ёритилиши уларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг мухим шарти эканлиги аниқланади.

5. Фанлар интеграциясини амалга оширишда талабаларнинг билиш имкониятлари, билим заҳираларини ҳисобга олиш, тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини англашга эътибор қаратиш, табиий-илмий тушунчаларни эгаллаш ва уларнинг ўртасидаги алоқаларни тушунишга ёрдам беради.

Биологик фанларни ўқитишида фойдаланиладиган дидактик материаллар бу талабаларнинг муайян билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакалар, таянч ва хусусий компетенцияларни таркиб топтириш, мустақил ишларини ташкил этиш, назорат ва ўз-ўзини назоратни амалга оширишга имкон берадиган воситалардир.

Биологик фанларни ўқитишида дидактик материаллар билан бир қаторда табиий тарқатма материаллар ҳам мухим рол ўйнайди.

Дидактик материалларни тузишда қуйидаги принципларга амал қилинади:

- Тушунарлилик принципи - дидактик материаллар талабалар томонидан билимларни эгаллаганлик даражасига мос келиши керак.
- Мустақил фаолият принципи - талабалар аввал ўзлаштирган билимларини мустақил ҳолда қўллаши орқали янги билимларни ўзлаштириши назарда тутилади.
- Ўқитиши индивидуаллаштириш принципи - ўқитиши жараёнида талабаларга индивидуал ёндошиш имконини беради.
- Кўргазмалилик принципи - ўрганилаётган муаммо бўйича берилиган тасвиirlар кўргазмали образли тасаввурнинг ҳосил бўлишига имкон беради.
- Билимларнинг мустаҳкамлаш принципи - талабаларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги ва кутилмаган вазиятларда қўллаш имконини назарда тутади.

• Ўқув мотивларини ривожлантириш принципи - дидактик материалларнинг турли мазмунда берилиши талабаларнинг таҳсил олишга бўлган қизиқишларини ривожлантиради.

• Муаммолилик принципи - дидактик материал ўрганиладиган мавзу мазмунидаги муаммоли вазиятларни ҳал этишни назарда тутади.

Биологик фанларни ўқитишида дидактик материалларнинг қуйидаги аҳамияти мавжуд:

1. Талабаларнинг мустақил иши ва мустақил таҳсили воситасида ўқув меҳнати кўникмаларини ҳосил қилиш;

2. Талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш;

3. Мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш;

4. Тушунча ва билимларни жадвал тарзида ифода этиш талабаларнинг аввал ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини янги ва кутилмаган вазиятларда қўллаш имконини беради.

5. Талабалар жавобидаги камчиликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш йўлларини аниқлайди;

6. Ўқув материали юзасидан машқ қилиш ва ўқув материалини турли кўринишида такрорлаш имконини беради.

7. Талабаларнинг кўргазмали-образли, назарий ва мантиқий фикр юритишига замин тайёрлайди.

8. Биологик фанларни ўқитиши жараёнида табақалаштирилган ва индивидуал таълимни амалга ошириш имконини беради.

9. Ўқув топшириқларини табақалаштириш: репродуктив, продуктив, қисман изланишли ва ижодий топшириққа ажратиш мумкин.

10. Биологик фанларни ўқитиши шаклларининг барчаси: маъруза, лаборатория, амалий, семинар машғулотлари, аудиториядан ташқари ишлар, мустақил таълим жараёнида фойдаланиш мумкин.

11. Дидактик материаллар машғулотнинг ҳар бир босқичида: аввал ўзлаштирилган билимларни назорат қилиш, янги мавзуни ўрганиш, янги мавзуни мустаҳкамлаш жараёнида дидактик материаллардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш имконияти мавжуд.

Биологик фанларни ўқитишида фойдаланиладиган дидактик ва тарқатма материалларни мазмуни ва моҳиятига қўра қуйидаги гурухларга ажратиш мумкин.

Қ.С	Дидактик ва тарқатма материаллар	Мазмун ва моҳияти	Дидактик мақсади
1.	Таълим берувчи - янги мавзуни ўрганиш	Ўқув топшириқлари Электрон дарсликлар Кейс-стади топшириқлари Венн диаграммаси Кластер	Билим ва тушунчаларни шакллантириш

2.	Қисман-изланишли	Кейс-стади топшириқлари Венн диаграммаси Кластер	Билим, күникма, малака, умумий ва хусусий компетенцияларни шакллантириш
3.	Имитация	Биологик жараёнларнинг имитацион қўриниши	Билим, күникма, малакаларни мустаҳкамлаш, умумий ва хусусий компетенцияларни тизимлаштириш
4.	Намойиш қилиш	Мавзули слайдлар, анимациялар	Ўқув материалларини бойитиши
5.	Назорат қилиш	Ностандарт ўқув ва тест топшириқлари	Биологик күникма ва малакаларни таркиб топтириш
6.	Машқ қилдириш	Масала ва машқлар, Кейс- стади топшириқлари, Венн диаграммаси, Кластер, адаптив тест топшириқлари	Билим, күникма, малакалар, умумий ва хусусий компе- тенцияларни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш

Биологияни ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчининг дарсга пухта тайёргарлик қўришига боғлиқ бўлади, акс ҳолда кутилган натижани бермаслиги табиий.

Бунинг учун ўқитувчи:

- Биология фанининг ривожланиши ва қўлга киритилган ютуқлардан хабардор бўлиши, фан янгиликларидан таълим-тарбия жараёнида ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш йўлларини белгилаши;
- Илфор биология ўқитувчиларининг иш тажрибаларини тинмай ўрганиши, улардан ўз педагогик фаолиятида фойдаланиши, ўз тажрибалари билан ўртоқлашиши, ёш ҳамкасларига ғамхўр устоз бўлиши;
- Таълим-тарбия жараёнида инновацион технологиялардан уйғун фойдаланиш учун зарур бўлган методик билим, күникма ва малакаларни эгаллаши ва уларни амалиётга қўллаши;

Таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ортириш бўйича ўзининг хусусий методикасини ишлаб чиқиши зарур.

Ушбу муаммоларни ҳал этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш мұхим ўрин тутади. Куйида ўқитувчининг биологияни ўқитишида инновацион технологияларга асосланган дарсларга тайёргарлиги ҳақида фикр юритилади.

Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги. Ўқитувчи ўқув йили бошланишидан аввал тузилган ва тасдиқланган истиқбол ва мавзули-режа асосида дарсларга пухта тайёргарлик күриши лозим. Бунинг учун у олий таълим муассасаларида фойдаланиш тавсия этилган дарс турлари ва типларини билиши, шу асосда дарс ишланмаларини лойиҳалаштириш лозим.

Дарс ишланмасини лойиҳалаш учун ўқитувчи:

- Ўрганиладиган мавзунинг таълими, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлари, мавзу матнидаги асосий тушунчалар ва таянч атамалар, уларни ўқувчиларда шакллантириш йўлларини белгилаши;
- Мавзу мазмунидан келиб чиқкан ҳолда дарсда фойдаланиладиган ўқув ва кўргазмали жиҳозлар, ўқитиш методлари ва инновацион технологияларни аниқлаши;
- Дарснинг бориши ва унинг ҳар бир босқичининг мақсади, вазифалари, ажратиладиган вақтни белгилаши;
- Ўтган ва янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўнишка ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг тури, топшириқлари ва мезонлари;
- Янги мавзу мазмунининг мантиқий йўналиши (индуктив ёки дедуктив) ни аниқлаш ва шу асосда ўқувчилар онгига етказиш метод ва воситаларини белгилаши;
- Дарсда фойдаланиладиган дидактик ва тарқатма материалларни тайёрлаши лозим.

Бажарилган ишлар талааб даражасида бўлғандан сўнг, дарс ишланмасини лойиҳалаш бошланади. Дарс ишланмасини лойиҳалашда дарс турини аниқлаш мухим ўрин тутади, чунки ҳар бир дарс турида ўқувчиларнинг билиш фаолияти турлича ташкил этилади.

Масалан, биологияни ўқитища бошқа инновацион технологиялар каби дидактик ўйин технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур технологиянинг конференция, тақдимот, ижодий ўйин, ўйин машқлардан фойдаланиш юқори самара беради. Ушбу дарсларда ўқувчиларнинг билим олиш фаолияти ўйин фаолияти билан уйғунаштирилади, шу сабабли ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

Ўқитувчи ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг командада ўқитиш методига асосланган дарс ишланмаси ва технологик харитасини шакллантиришда мавзу мазмуни ўртача қийинчиликда бўлган, ўқувчилар мавзуни мустақил ўзлаштириш имкони бўлганда фойдаланилади. Ўқитувчи ўқувчиларни тенг сонли командаларга ажратади ва уларнинг фаолиятини ҳамкорликда ўқув топшириқларини бажаришга йўллайди. Шуни қайд этиш керакки, ўқитувчининг юқори даражадаги мулоқот маданияти ва рағбатнинг устунлиги дарс самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатадиган омил саналади.

Мазкур методдан фойдаланилганда ўқитувчи ўқувчиларнинг кичик гурухлари учун қуйидагича дидактик ва тарқатма материал тайёрлайди.

<b>№</b>	<b>Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари</b>	<b>Топшириқни бажариш бўйича кўрсатмалар</b>	<b>Изоҳ</b>
1.	Дарсликдаги матнни диққат билан ўқинг ва қуийдаги саволларга жавоб тайёрланг.	Ўқувчилар грухи билан ҳамкорликда ишланг.	
2.		Ўқувчилар билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
3.			
4.			

Биология ўқитувчиси ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг “арра” методига асосланган дарс ишланмасини лойиҳалашда кичик грухлар учун қуийдаги шаклдаги ўқув топшириқларини тайёрлайди.

Мавзуу матни мантикий тугалланган фикрли қуийдаги қисмларга ажратилади:

#### 1-грух учун ўқув топшириқлари

<b>№</b>	<b>Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари</b>	<b>Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар</b>
1.	Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб, қуийдаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Ўқувчилар грухи билан ҳамкорликда ишланг
2.		Ўқувчилар билан ўтказиладиган савол-жавобда фаол иштирок этинг.
3.		
4.		

#### 2- грух учун ўқув топшириқлари

<b>№</b>	<b>Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари</b>	<b>Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар</b>

	Дарсликдаги матнни дикқат билан ўқиб, қуидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	1. 2. 3. 4.
		Ўқувчилар гурухи билан ҳамкорликда ишланг Ўқувчилар билан ўтказила-диган савол жавобда фаол иштирок этинг.

**3 - гурух учун ўқув топшириқлари**

№	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	Дарсликдаги матнни дикқат билан ўқиб, қуидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Ўқувчилар гурухи билан ҳамкорликда ишланг Ўқувчилар билан ўтказила-диган савол жавобда фаол иштирок этинг.

**4 - гурух учун ўқув топшириқлари**

№	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материаллар юзасидан ўқув топшириқлари	Топшириқни бажариш юзасидан кўрсатмалар
	Дарсликдаги матнни дикқат билан ўқиб, қуидаги саволларга жавоб топинг ва топшириқларни бажаринг:	Ўқувчилар гурухи билан ҳамкорликда ишланг, савол жавобда фаол иштирок этинг

Биология ўқитувчиси модулли таълим технологиясининг ўқувчиларнинг кичик гурухларда ишлашига мўлжалланган модул дастурига асосланган дарс учун қуидаги дидактик ва тарқатма материалларни тайёрлайди.

<b>Ўқув</b>	<b>Топшириқлар</b>	<b>баҳо</b>
-------------	--------------------	-------------

фаолияти элементи (ЎФЭ)	Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув материалига оид топшириқлар	ни бажариш бўйи-ча кўрсатмалар	
1-ЎФЭ	Мақсад: Дарсликдаги матнни диққат билан ўқиб чиқиб, қуйидаги саволларга жавоб топинг ва топши-риқларни бажаринг:  1. 2. 3. 4.	Ўқувчилар грухи билан ҳамкорликда ишланг ва савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
2-ЎФЭ	Мақсад:	Ўқувчилар грухи билан ҳамкорликда ишланг ва савол-жавобда фаол иштирок этинг.	
3-ЎФЭ			
1.			
2.			
4.-ЎФЭ	Мақсад: Модул дастурини якунлаш. Модул дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Сиз унга қай даражада эришдингиз? Ўзингизнинг ўқув фаолиятингизни беш балли тизимда баҳоланг. Ўқув фаолиятингиздан қониқиши ҳосил қилган бўлсангиз тест топшириқларини бажаринг. Агар ўз ўқув фаолиятингиздан эришилган натижа сизни қаноатлантирумаса, модул дастури ёрдамида мавзуни қайта ўрганинг.	Ўз ўқув фаолиятингизни таҳлил қилинг	

Олий таълим муассасаларида биологияни ўқитишида дидактик ва тарқатма материаллар ўқитишнинг барча шакллари, жумладан маъруза, лаборатория, амалий, семинар, аудиториядан ташқари машғулотлар ва экскурсиялардан ўз ўрнида фойдаланиш самарадорликни кафолатлайди. Шу сабабли ўқитувчи ушбу ўқитиши шакллари ўртасидаги уйғунликни амалга ошириш, ўзаро боғлиқни тўлиқ тасаввур қилиши лозим.

**Назорат саволлари:**

1. Дидактик ва методист олимларнинг ўқитишида фанлараро боғланишларнинг турлари ҳақидағи ғояларини таққосланг.
2. Педагогика олий ўқув юртларида биологияни ўқитишида фанлараро боғланишларнинг қайси турларидан фойдаланишни тавсия этасиз?
3. Фанлараро боғланишнинг ўзига хос хусусиятлари жадвалининг моҳиятини тушунтириңг.
4. Биологияни ўқитишида фанлараро боғланишнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳланг.
5. Ўқитувчиларни касбий-методик тайёрлаш мазмунини интеграциялаш-нинг иерархияси жадвалининг моҳиятини тушунтириңг.
6. Ботаникани ўқитишида фанлараро боғланишларни амалга ошириш хусусиятларини аниқланг.
7. Ўсимликлар физиологиясини ўқитишида фанлараро боғланишларни амалга ошириш хусусиятларини аниқланг.
8. Зоологияни ўқитишида фанлараро боғланишларни амалга ошириш хусусиятларини аниқланг.
9. Эволюцион таълимотни ўқитишида фанлараро боғланишларни амалга ошириш хусусиятларини аниқланг.
10. Генетикани ўқитишида фанлараро боғланишларни амалга ошириш хусусиятларини аниқланг.
11. Биологик фанларни ўқитишининг дидактик ва тарқатма материалларни тузиш принципларини аниқланг.
12. Биологик фанларни ўқитишида фойдаланиладиган дидактик ва тарқатма материалларнинг аҳамиятини тушунтириңг.
13. Биологик фанларни ўқитишида фойдаланиладиган дидактик ва тарқатма материалларнинг турларини изоҳланг.



## V. КЕЙСЛАР ТҮПЛАМИ

**Ўқув предмет номи: “Умумий биология курси”**

**Мавзу: Инсон экологияси.**

**Қатнашчилар: Тингловчилар**

**Кейс-стадининг асосий мақсади:** Одамларни ташқи мұхит билан ўзаро муносабат қонуниятлари ҳамда унинг ривожланишида атроф-мухит холатининг таъсири, инсон ва табиат ҳамжихатлигини англаш, табиатта нисбатан онгли муносабатда бўлишга қаратилган харакатларни тизимини шакллантириш каби муаммоларни таҳлил қилиш ва сабабларни аниқлаш ҳамда уни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

**Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар:** инсон ва атроф-мухит орасидаги муносабатларнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатиб беради; инсон ривожланишида биологик ва ижтимоий омиллар таъсирини ёритиб беради; муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини кўллайди; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилиш ечимларини топади.

**Ушбу кейс-стадини муваффақиятли амалга ошириш учун олдиндан ўқувчилар қуидаги билим ва кўникмаларга эга бўлмоқлари зарур:**

**Ўқувчи билиши керак:** Экологик омиллар ва унинг турлари, биогеоценозлар ва уларнинг ҳусусияти, табиий ва сунъий экотизимлар, биосфера эволюцияси ва унинг Зта босқичи, инсоннинг биосферага таъсири, Эволюцион таълимот ва эволюцион далилар ҳақидаги билимларга эга бўлиши лозим. Ўқувчи амалга ошириши керак: мавзуни мустақил ўрганади; муаммонинг моҳиятини аниқлаштиради; вазиятларни тўғри ажратади; маълумотларни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиб, мустақил қарор қабул қилишни ўрганади; ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, мантиқий хulosса чиқаради; ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди; маълумотларни таққослайди, таҳлил қиласи ва умумлаштиради; Ўқувчи эга бўлмоғи керак: коммуникатив кўникмаларга; тақдимот кўникмаларига; ҳамкорликдаги ишлар кўникмаларига; муаммоли ҳолатлар таҳлил қилиш кўникмаларига.

**Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати:**

А.Т.Фофуров “Умумий биология”, Ш.Т.Отабоев “Инсон ва биосфера”, “Биология” - Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими муассасалари учун ўқув қўлланма, “Биология” фанидан тузилган кейс-стади матни.

**Технологик ҳусусиятлардан келиб чиқсан ҳолда кейс-стадининг тавсифномаси:**

Ушбу кейс-стадининг асосий манбаи қабинетли, лавҳали бўлиб, ботаника ва зоология фанидан олган билим ва кўникмалари асосида баён этилган. Кейс-стадининг асосий обьекти инсон ва табиат орасидаги муносабатларга йўналтирилган. Бу ташкилий институционал кейс-стади бўлиб, маълумотлар вазиятлар ва саволлар асосида тузилган. Ҳажми ўртacha, тизимлаштирилган бўлиб, назарий машғулотга мўлжалланган ўқув мавзу

бўйича билим ва кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Дидактик мақсадларга кўра кейс-стади муаммоларни тақдим қилишга, уларни ҳал этишга, таҳлил қилиш ва баҳолашга қаратилган. Ушбу кейс-стадидан умумий биология фанининг “Инсон экологияси” мавзусидаги дарс соатида, амалий география фанининг “табиат ва жамият орасидаги муносабатлар” мавзусидаги дарсларда фойдаланилади. Кейс-стадидан кўзланган мақсад ва тегишлича ташкилий-методик таъминоти ўзгарганида қўлланилиши мумкин бўлган ўкув предметлар рўйхати: Амалий география, Экология, Кимё.

### **1. Кейс-стади:**

#### **“Одам ривожланишида биологик ва ижтимоий омилларнинг таъсири ва ундаги муаммолар”**

**Кириш.** Табиат ва инсон орасидаги ўзаро муносабатлар бизнинг давримизда бутун инсоният ва республика аҳолиси учун катта ахамиятга эга. Унда содир бўлаётган янгиланиш ва ривожланиш жараёни табиатга катта таъсир этувчи экологик вазиятни келтириб чиқаради яъни бунда глобал масштабдаги табиат ва инсон ўзаро муносабатлар доирасида қарама-қаршиликларни кучайиши назарда тутилмоқда. Инсон ҳаёти уни ўраб турган атроф-муҳит билан чамбарчас боғлиқ экан, бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она деса бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай табиатни озор топиши у билан бевосита боғлиқ инсон ва жонли организмларни зўр таҳликага солиб қўйиши муқарар. Инсон сўнги 100-150 йил давомида биосферани шундай ўзгартириб юбордики, натижада унинг миллион йиллар давомида таркиб топган барқарор мувозанатига рахна солди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳам инсон қадами етмаган бирорта жой қолмади. Қаерга борманг у ерда ҳаёт қайнаётганини, одамлар маҳаллий табиат неъматларидан баҳраманд бўлаётганини қўрасиз. Табиат бойликларидан режасиз исрофгарчиллик билан фойдаланиш, унинг эҳсонларини суистемол қилиш, кудратли техникани турмушга кириб келиши, кимёвий моддалардан кенг фойдаланиш, ўз навбатида атроф-муҳиттга хамда инсон саломатлигига заар етказмоқда. Шу ўринда Президентимиз И Каримовнинг “Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир” деган сўзларини эсга олиш кифоядир.

**Инсон ривожланишида биологик ва ижтимоий омиллар таъсири.** Табиат ва инсон орасидаги муносабатлар ривожланиши давомида ўрмонлар кесилиб, унумдор ерларга айлантирилди, чорвачиликнинг ривожланиши ўсимликлар қопламининг камайишига, пайхон қилинишига сабаб бўлди. Натижада миллион йиллар давомида шаклланган барқарор хамжамоалар сунъий бекарор экотизимга айланди. Инсоннинг биосферага таъсирини шартли равишда қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин: 1. Ўрмонларни кесиш ва янги ерларни ўзлаштириш биринчи навбатда сув режимига салбий

таъсир кўрсатди. Натижада дарёлар саёzlаниб қолиши, ботқоқланиш, ўт босиш, баликлар сонининг камайиши кузатилди. Ер ости сувлар захираси камаяди, қор ва ёмғир сувлари тупрокда сингмай унисп юза қисмнини ювиб кетади. Сув эрозияси шамол эрозияси билан қўшилиб тупрокка янада кучли таъсир этади. 2. Инсоннинг биосферага таъсирида мухим роль ўйнайдиган омиллардан яна бири сугоришидир. Инсон қадим замонлардан бери сугориладиган дехдончилик билан шуғулланиб келади. Сугориш ишлари унумсиз ерларни унумдор ерларга айланишига имкон бериши билан бирга гидрологик шароитни хам ўзгартириб юборади. Чунончи, бунда ер ости сувлар сатхининг кўтарилиши, тупроқнинг шўрланиши, баъзи жойларнинг ботқоқланиши ва сув босиши мумкин. Бундан ташқари, сугориладиган ерларнинг кенгайиши, дарёлар сув режимининг ўзгаришига, баъзан дарёларнинг куриб қолишига олиб келади. 3. Инсоннинг биосферага таъсиридан яна бири кимёвий ўғитлардан фойдаланиш ҳисобланади. Сугориладиган дехкончиликда кимёвий ўғитлардан фойдаланиш хосилдорликни бир неча марта орттиради. Шу билан бирга ўғитлардан фойдаланиш ичимлик сувлари сифатининг ёмонлашишига, нитрат ва нитратларнинг сувда тўпланиши натижасида хавфли канцероген модданитрозаминалар хосил бўлишига сабабчи бўлмоқда, булар одам саломатлигига салбий таъсир этади. Иккинчи томондан, чучук сувларда нитрат ва фосфатлар микдорининг ортиши фито ва зоопланктонлар ҳаёт фаолиятига таъсир этади. Одатда фосфатларнинг етишмаслиги чучук сув ўсимликлари ва хайвонлари кўпайишини чеклайди. Сув хавзаларида фосфорли ўғитларнинг бўлиши азот ва калий микдорини чеклайди, шу билан бирга фитопланктонларнинг кўпайиб кетишига сабабчи бўлади. Натижада кўк яшил сув ўтлари хаводаги азотни ўзлаштириб кўпаяди ва сувдаги эриган кислородни ўзлаштиради. Сув юзасида гуллаш юз беради бу эса баликларни нобуд қиласи ва ботқоқлик юзага келади. 4. Ниҳоят инсоннинг биосферага кўрсатадиган кучли таъсиrlаридан бири ўсимликлар касалликлари, зааркунанда хашаротлар ва бегона ўтларга қарши курашда фойдаланиладиган кимёвий кураш воситалариридир. Шубҳасиз, қишлоқ, хўжалигида инсектицидлар, дефолянтлар, гербицидлар ва бошқалардан фойдаланиш натижасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ортади. Аммо инсектицидлар, гербицидлар, хлор ва фосфорорганик бирикмалар кўпчилик хайвонлар ва ҳатто инсон учун хавфлидир. Бу моддалар барқарор ва таъсиrchan модда ҳисобланиб, у биогеоценозларда узок, вакт 34 сакланиб қолади ҳамда тупланади. Уни турли ҳайвонларнинг жигарида ва бошқа органларида тупланганлиги аниқланган. Инсоният бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида захарли ва заарли кимёвий моддалардан фойдаланишдан воз кечаолмайди. Келажакда ўсимликларни химоя қилишда биологик назорат ва методларни қўллаш “яхши” самара бериши кутилмоқда. Зааркундаларга қарши биологик методлардан фойдаланиш эндиғина амалда қўлланила бошланди. Шундай қилиб, инсоннинг тўрт йўналишдаги биосферанинг тузилмасига таъсири умумий қонуният ҳисобланади. Табиат ва

жамият ўзаро таъсир қонуниятларидан яна бири табиий мұхит билан инсоннинг ўзаро мослашганлигидир. Фақат инсонғина табиатта боғлиқ бўлмасдан, балки инсон томонидан фойдаланиувчи ва қайта ўзгуртирувчи ташқи мұхит ҳам инсонга боғлиқ. Шунингдек ёввойи табиат ҳам ўзининг ривожланиши, функцияси билан инсонга боғлиқ. Фойдаланилаётган табиат қайта тикланишга мухтож. У инсон ёрдамисиз функциялана олмайди. Табиат антропоген таъсирдан, ифлосланишдан сақланмасдан яшай олмайди. Аммо ўзаро мослашганлик жараёни ҳозирги шароитда тезлашган. Бунда биосфера шундай ўзгариши мумкин, инсон яшashi учун яроқсиз мұхитта айланиши мумкин. Биосферанинг таркибий қисми ҳисобланган ҳар бир тирик организм морфологик, физиологик ва хулқий томонлари билан ташқи мұхит билан ҳайратда қоларли даражада уйғунлашган. Ушбу уйғунлик организмни яшаш мұхитига мослашиши натижасидир. Мослашиш қандай намоён бўлади? Мослашиш организмнинг ташқи мұхитда яшаб қолиши ёки нобуд бўлиши жараёнларини муаммо қилиб қўяди. Бошқача қилиб айтганда, ташқи дунё тирик организм олдига маълум муаммоларни яъни инсоннинг тўрт йўналишдаги биосферанинг тузилмасига таъсири умумий қонуниятини эсга олишнинг ўзи кифоя. Тирик организм нормал яшashi, яъни ўсиши ва ривожланиши учун, соғлом авлод қолдириши учун ушбу муаммоларни ҳал этиши керак бўлади. Мослашиш жараёни чексиз ва тўхтовсизdir. Аммо тирик организм табиий функциялари ва органларини такомиллаштириш имкониятлари чекланган эканлигини ҳисобга олиш зарур. Ўсиш, вазн, тананинг умумий юзаси, шунингдек, ҳаёт фаолияти жадаллиги каби антропологик кўрсаткичлар, нафақат биологик қонуниятлар асосида чекланиб қолмай, балки гравитацион, энергетик, термин ва бошقا иқлим географик, геофизик омиллар билан ҳам чекланади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, иссиққонли ҳайвонлар танасининг ўлчами иқлим билан боғлиқ бўлиши мумкин. Аграрнологларнинг фикрича, одам эволюцияси тўхтаган, генотипик нуқтаи назардан ўзгармайди, аммо табиий ва ижтимоий омиллар уларнинг морфо-функционал ўзгаришларига олиб келиши мумкин. Инсон ривожланишига биологик ва ижтимоий омиллар қандай таъсир этади? Унинг саломатлигини маълум табиий, иқлим ва ишлаб чиқариш шароитларисиз тасаввур қилиб бўладими? Инсон экологиясини умумлаштиrsак, у табиат билан ижтимоий мұхит орасидаги алоқа боғланишларни ҳал этишдан иборат. Ушбу боғланишлар аҳолининг саломатлиги даражаси ва ижтимоий меҳнат потенциалини белгилаб беради. Хаво таркибида захарли газларни тўпланиши озон қатламининг сийракланишига, ультрабинафша нурлар микдорини ортишига олиб келди. Ультрабинафша нурлар таъсирида нурланиш одамларда терининг қўйишига ва аллергик касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Дарё сувларининг ифлосланиши натижасида касаллик тарқатувчи бактериялар тури кўпайди, турли пецицидлардан фойдаланиши натижасида меъда-ичак касалликлари, энцефалопатия (бош миянинг ялиғланиши), гепатит, невроз каби касалликлар, Орол денгизининг қуриши натижасида сувнинг шўрланиш даражаси ортди ва Орол худудида ичимлик

сувини тозалаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласи долзарб бўлиб қолди. Инсон организмининг барча соматик-нейропсихологик хусусияти эволюцион тараққиёт оқибати, барқарор табиий омилларнинг шакллантирувчи таъсир натижаси ҳисобланади. Ҳозирда организм ўзининг эволюцияси давомида ҳеч қачон ўзаро таъсирда бўлмаган физикавий ва кимёвий омиллар мавжуд. Бу биологик ва ижтимоий мослашув механизми "ишламай" қоладиган ҳолатга олиб келиши мумкин. Техника тараққиёти туфайли ҳаётда юзага келган қатор янги омиллар кучли хавф- хатаридан инсон тур сифатида ҳимоя қилинмаган. Унда уларнинг таъсиридан сақлайдиган эволюцион тарзида шаклланган ҳимоя механизми йўқ. Турли хил хасталикларнинг юзага келишида табиий муҳит ифлосланишининг роли ҳақида кўплаб маълумотлар олинган. Саноат марказларида ҳавонинг ифлосланиши, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперталарининг хулосасига кўра, сурункали бранхитлар, юқори нафас йўлларининг яллиғланиши, пневмония, эмфизема каби хасталикларни тарқалишининг бош сабабидир. Шунингдек, у ўпка ракининг келтириб чиқарувчи асосий омиллардан биридир. Касалликлар ва атроф-муҳитнинг ифлосланиши ўртасидаги сабаб-оқибат боғланишини аниқлаш осон иш эмас, чунки сабаб ҳамиша хилма-хил бўлади. Шундай бўлса- да, атроф-муҳит ифлосланиши таъсирини бевосита аниқлаш мумкин бўлади. Масалан, чанг-тўзонлар орасида ва зарарли ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият кўрсатадиган одамлар тез-тез касалга чалинадилар. Экологияга боғлиқ ҳолда келиб чиқадиган касалликларни аниқлаш ва уларнинг ҳисобини олиш бўйича муҳим ишлар қилинмоқда. Янада ташвишлироқ маълумотлар мавжуд. БМТнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича дастурининг ижрочи директори М.Толба фикрига кўра, атроф-муҳитдаги турли концероген ифлослантирувчиларнинг инсонга таъсир даври ҳамиша узайиб борган. Ҳозирги вақтда, мутахассисларнинг таъкидлашича, 60-90 фоиз ҳолларда рак касаллиги ва атроф-муҳит ифлосланиши ўртасида бевосита ёки билвосита боғланиш мавжуд. Ҳаво, сув, ишлаб чиқариш материаллари, озиқ- овқат маҳсулотларида концероген омиллар кузатилади. Маълумки, кўплаб кимёвий моддалар концероген ҳисобланади. Ҳатто, афтидан, айрим дорилар концероген вазифасини ўтайди. Ифлос муҳитда ишлаш билан боғлиқ турли касбий касалликларни қайд этиб ўтиш лозим. Нега деганда, муҳитни ифлослантирувчи 36 моддалардан, энг биринчи навбатда, уни ишлаб чиқарганинг ўзи бевосита зарап кўради. Баъзан руҳий, юрак-томир хасталиклари, уларнинг қисқариши ва бошқалар учун табиий муҳитнинг қанчалик даражада "айбдор" эканини аниқлашнинг иложи бўлмай қолади. Ҳозирги вақтда инсонни ўраб олган ташқи муҳитни муҳофаза қилишнинг ялпи усуллари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Соғлиқ-бу бойлиқдир. Шунинг учун ҳам ҳар бир шахс жамият яратган қулайликлардан фойдаланиши, соғлигини саклаши ва тўлақонлик меҳнатга лаёкатли киши сифатида жавобгарликни ҳис этиши керак. Соғ ҳолдаги табиий ёки ижтимоий муаммолар йўқ, улар бир-бири

билин чамбарчас боғланиб кетган. Инсон ва жамият тизимида маълумот ва маданият, аҳолининг ўсиши, ривожланиши ва мослашишлари унинг келажаги ҳақидаги муаммолардир. Одам Ер юзидағи барча нарсага ақлзаковат, мақсад билан бўйсунадиган жонзотдир. Хўжалик ва ишлаб чиқариш фаолияти туфайли унинг яшаш чегаралари кенгайиб бормоқда. У янги ҳомашё, энергетик ресурсларни қидириш борасида денгиз ва океанларни, Шимол ва Антарктидаларни, баланд тор чўққилари, сувсиз чўлларни, стратосфера ва космик фазони забт этаяпти. Шу билан бирга янги табиий ва ишлаб чиқариш жараёнида, у ташки мұхитнинг ноқулай таъсирларига дуч келмокда. Одам популяциясининг саломатлик ҳолати фақат тиббий биологик нұқтаи назардан эмас, балки иқтисодий категория ҳам ҳисобланади. Аҳолининг қўчиб юришининг ортиши Сибирь, Чекка Шимол, Узоқ Шарқ баланд тор каби худудларни тез эгалламоқда. Натижада одам организмининг бошқарув тизимлари доимо зўриқкан ҳолда ишламоқда. Янги шароитда одам билан табиат ўртасидаги мувозанатни уйғунлаштиришда тиббий биологик фанлар олдида улкан вазифалар турибди. Касалликларни олдини олишдан ташқари, ҳозирги авлодни соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳамда келажак авлодни соғлиғига кафолат бериш керак бўлади. Шу билан биргаликда табиий мұхитнинг этик-эстетик томонларини ҳам ҳисобга олиш керак. Ҳар бир киши учун ўрмонлар, гуллаб турган ўсимлик, инсон қўли тегмаган ландшафтлар илҳом бахш этади. Шундай экан ўрмон ресурсларини тиклаш, ноёб ўсимлик турлари ва хайвонот оламини сақлаш, ўрмон мониторингини олиб бориш, кам чиқиндили технологияларни жорий қилиш, янги хўжалик механизмларини яратиш лозим Ҳозирги шароитда шаҳарлар ва унинг аҳолиси жадал ўсмокда, қишлоқ хўжалиги учун янги ерлар ўзлаштирилмоқда бунинг учун экин майдонлар тузилмасини такомиллаштириш, суғориладиган ерларни комплекс қайта ишлаш, оқова сувларни қайта ишлаш ундан саноатда фойдаланиш, сув заҳираларидан тежамли ишлатиш усуларини ишлаб чиқиш, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарини қайта реконструкциялаш каби қатор ишларни амалга ошириш лозим. Инсоннинг рекрацион мақсадларда фойдаланадиган майдонлари кенгаймокда, аммо табиий биоценозлар худуди қисқариб бормоқда. Инсоният келажакда сайёрамиз узоқ яшаб қолиши учун ҳар куни биосфера ҳолатини “яхши”лаш ҳақида қайғуриш лозим. Шу ўринда президентимиз И. Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида 2005 йил 22 апрелда сўзлаган нутқи хаётимиз шиорига айланиши лозим: “Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак. Майли бу қўчатимиз бугун эмас эртага эмас, эллик, олтмиш йилда катта бир дарахтга айлансин, лекин такрор айтаман, унинг ниҳолини бугундан кечикмасдан экишимиз керак. Мен айнан шундай ҳаётий фалсафа қон-қонимизга, суюк-суюгимизга кириб бориши, қалбимиздан чуқур жой топишини тарафдориман ва барчангизни, бутун халқимизни шунга даъват этаман” (264-269- бетлар)

- Саволлар:**
1. Сизнинг фикрингизча ушбу мақолада муаллиф қандай муаммони күтариб чиқсан?
  2. Мақолада муаммони тасдиқловчи қандай далиллар мавжуд?
  3. Табиат қонуниятларнининг бузилиши қандай оқибатларга олиб келади хамда ушбу муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада деб ўйлайсиз?
  4. Инсон ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатади?
  5. Муаллиф ўз мақоласида муаммони олдини олиш йўлларини қандай баён этган?
  6. Сизнинг фикрингизча ушбу муаммони қандай ечиш мумкин?

**Матнни босқичма- босқич таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича ўқувчиларга методик кўрсатмалар.**

**Кейс-стадини ечиш бўйича индивидуал иш йўриқномаси**

1. Аввало, кейс-стади билан танишинг. Муаммоли вазият ҳақида тушунча ҳосил қилиш учун бор бўлган бутун ахборотни диққат билан ўқиб чиқинг. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилинг.

2. Биринчи саволга жавоб беринг.

3. Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг.

Сиз учун муҳим бўлган сатрларни қўйидаги ҳарфлар ёрдамида белгиланг: “Д” ҳарфи – муаммони тасдиқловчи далиллар, “С” ҳарфи – муаммо сабабларини, “О.О.Й.” ҳарфлари – муаммони олдини олиш йўллари.

4. Ушбу белгилар 2,3,4,5 саволларга ечим топишга ёрдам беради.

5. Яна бир бор саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

**Гурӯҳларда кейс-стадини ечиш бўйича йўриқнома.**

1. Индивидуал ечилган кейс-стади вазиятлар билан танишиб чиқинг.

2. Гурӯҳ сардорини танланг.

3. Ватман қоғозларда қўйидаги жадвални чизинг муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали муаммони тасдиқловчи далиллар муаммони келиб чиқиш сабаблари муалиф тамонидан таклиф қилинган ечим Гурӯҳ ечими

**Муаммони таҳлил қилиш ва ечиш жадвали**

Муаммони тасдиқловчи далиллар	Муаммони келиб чиқиш сабаблари	Муалиф тамонидан таклиф қилинган ечим	Гурӯҳ ечими

4. Ишни якунлаб, тақдимотга тайёрланг

**1-топшириқ (1-даражада)**

Сиз кичик гурӯҳ иштирокчилари билан қўйидаги Кейс топшириғини таҳлил қилинг.

- *Лишайниклар табиатда кенг тарқалган, ҳаттоти денгиз ва океанлардаги сувдан чиқиб қолган қояларда ҳам ўсади, лекин шаҳарларда учрамаслигининг сабабини аниқланг.*



*Жавобларингизни қуидаги 1-жадвалда акс эттириңг.*

*1-жадвал*

<i>Лишайник</i>	<i>Тузилиши</i>	<i>Озиғланиши</i>	<i>Аҳамияти</i>

*Лишайникларнинг шаҳарда учрамаслигининг сабабини 2-жадвалда акс эттириңг.*

*2-жадвал*

<i>Лишайник</i>	<i>Яшаш мұхити</i>	<i>Үзига хос хусусиятлари</i>	<i>Шаҳарда учрамаслигининг сабаби</i>

*2-топширик (2-даража)*

Сиз кичик гурұх иштирокчилари билан қуидаги Кейс топшириғини таҳлил қилинг.

- Үрмөнларда қирққулоқтар жерде күп учрайди. Қирққулоқтарнинг аҳамияттінің аңғалған ҳолда үрмөнчилар уларга шароит яратыши мақсадида бөшіқта дараҳтларни кесиб ташладылар, унинг натижасыда қирққулоқтар қирилиб кетді. Мазкур ҳолаттың сабабини аниқланғанда жавобингизни 1-жадвалда ифодаланған.

*1-жадвал*

<i>Қирққулоқ</i>	<i>Яшаши мұхити</i>	<i>Үзига хос хусусиятлари</i>	<i>Қирилиб кетишининг сабаби</i>

### **Биологик таълим жараёнини кейс технологиясы асосида ташкил этиш босқичлари**

<b>Биологик таълим жараёнини кейс технологиясы асосида ташкил этиш босқичлари</b>	<p>Үқитувчининг кириш сүзи. Кейс қоидалари билан таништириш</p>
	Талабаларни кичик гурұхларға ажратыш
	Кичик гурұх ишини ташкил этиш. Кичик консультантни тайинлаш.
	Кичик гурұхлар томонидан тақдимот тайёрлаш
	Кичик гурұхлар ўртасыда ўқув баҳси-мунозарани ташкил этиш.
	Үқитувчининг холосаси, яқунловчи сүзи.
	Кичик гурұхлар ишини баҳолаш Талабаларни рағбатлантириш.

Кейс стади қуйидаги босқич асосида ташкил этилади:

I – босқич. Талабалардан teng сонли кичик гурухларни шакллантириш.

II. – босқич. Кичик гурухларга муайян жараённи ўрганиш мақсадида шакллантирилган муаммоли саволлардан иборат бўлган ўқув топшириқларини тарқатиш ва уларни топшириқнинг дидактика мақсади билан танишишириш.

III. – босқич. Талабаларнинг билиш фаолиятини ўқув муаммоларини ҳал этишга йўналтириш.

IV – босқич. Талабаларнинг муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича ахборотларини тинглаш.

V – босқич. Кичик гурухлар ўртасида ўқув баҳси ва мунозара ўтказиш

VI – босқич. Умумий хулоса ясаш.

“Кейс стади” қўлланилганда талабалар аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаб, билимларини кенгайтиради, чуқурлаштиради, ақлий фаолият усусларини эгаллайди, шахс сифатида ақлий ривожланиши ва касбий тайёргарлиги ортади.

Талабаларнинг билиш фаолиятининг бу тарзда ташкил этилиши уларда ижодий фаолиятни таркиб топтиришга имкон яратади.

Дастур мазмунидаги фақат фактик материалларни ўрганиш назарда тутилган мавзуларда инсертдан фойдаланиш тавсия этилади.

Инсерт – локал даражадаги педагогик технология бўлиб, талабалар томонидан ўқув материалидаги асосий ғоя ва фактик материалларни англашига замин яратиш мақсадида қўлланилади.

Талабаларни инсерт ёрдамида ишлаш қўнимларини ривожлантириш учун уларга ўрганиладиган ўқув материаллари ва маҳсус жадвал тарқатилади. Талабалар ҳар бир абзацни ўрганиб чиқиб, маҳсус жадвалга муайян символлар ёрдамида белгилаш тавсия этилади.

Агар абзацда берилган маълумот шу кунгача ўзлаштирган билимларига мос келса, “Биламан” – В, агар маълумотлар тушунарли ва янги бўлса, у ҳолда “Маъқуллайман” +, агар маълумотлар талабалар ўзлаштирган билимларига мос келмаса, у ҳолда “Ўрганиш лозим”-, талабалар ўқув материалларини ўзлаштиришда қийинчилик ҳис этса, у ҳолда “Тушунмадим” -? белгисини қўяди.

Инсертда фойдаланиладиган маҳсус жадвал

Абзацлар №	“Биламан” – В	“Маъқуллайман” +	“Ўрганиш лозим”-	“Тушунмадим” -?
1.				
2.				
3.				
4 ва ҳ.к.				

Таълим-тарбия жараёнида Инсертдан фойдаланишда қуйидаги талабларга амал қилиниши:

- Талабалар кичик гурухга ажаратилади, лекин инсерт воситасида дастлаб ҳар бир талаба якка тартибда ишлайди ва жадвални тўлдириши,



гурух аъзолари белгиланган муддатда ишлашни якунлаганларидан сўнг, фикрларини таққослаши;

- Ўқув баҳси орқали кичик гурух аъзоларининг жадвалдаги белгиларининг бир хил бўлишини таъминлаш, яъни жадвалдаги кейинги икки устуни бўйича бир хилликка эришиш;

- Ўқитувчи ўқув материали асосида тузилган савол-топшириқлари ва кичик гурух аъзоларининг жадвалдаги белгилари асосида ўқув баҳсини ташкил этиши лозим.

Инсерт билан ишлашнинг афзалик томони аввал кичик гурух аъзолари ўртасида, сўнг кичик гуруҳлар билан ўзаро ўқув баҳси ўтказилиши, баҳсда талабалар томонидан йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш, билимидаги бўшлиқларни тўлдириш юзасидан ўқитувчи томонидан берилган ахборот таълим самарадорлигига хизмат қиласди.

Инсертдан фойдаланилган ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги ахборот манбай функцияси бир мунча камайиб, талабаларнинг билиш фаолиятини бошқариш ва назорат функциялари ортади. Шу сабабли, ўқитувчи бу масалаларни пухта режалаштириши ва амалга ошириши лозим.

Ўқитиша талабаларнинг ўзлаштирган билимларини тизимлаштириш, мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида Кластердан фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Кластер – слустер - инглиз тилида шажара деган маънени англаради. Ушбу локал технология талабалар томонидан ўзлаштирган ва ўзлаштирадиган ғоя, назария, қонуният ва тушунчалар ўртасидаги боғланишини англаш, бир-бирига узвийлигини тушунишга имкон яратиб таҳлилий-танқидий фикр юритиш кўникмаларини ривожлантиришга замин тайёрлади.

Кластерни тузиш қуидаги тартибда амалга оширилади:

- Ўқув курси мазмунидаги муайян ғоя доска ёки қоғоз ўртасига ёзилади;


- Ушбу ғоя билан боғлиқ қонуниятлар, тушунчалар бир-бирига боғлиқ ҳолати кўрсаткич билан белгиланади, сўнгра мазкур қонуният ва тушунчаларнинг фактик маълумотлари график тарзда ёзилади ва тармоқ ҳосил қилинади.

- Аввал ўрганилган мавзу ва ўрганиладиган мавзу ўртасидаги боғланишлар ҳақида холоса чиқарилади.

Кластердан фойдаланиладиган машғулотларда талабалар тенг сонли кичик гуруҳларга ажратилиб, уларга ўқув топшириғининг дидактик мақсади ва бажарилиш тартиби тушунтирилгандан сўнг, улар ажратилган вақт ичida фикрларини жамлаб, ўзлари тузган Кластерни ҳимоя қилиб, фикрларини далиллашга имкон яратилиб, энг яхши ва асосли тузилган Кластер аниқланади, ғолиблар рағбатлантирилади.

Кластер битта мавзу ёки боб бўйича яхлит тузиш талабаларнинг тизимли фикр юритишига замин яратади. Кластернинг асосида асосий ғоя ёки

тушунча ўрин олади, масалан, баргларнинг тузилиши бўйича қуидагича тузилади:



Кейин ҳар бир қисм бўйича тармоқ шаклида кейинги қаторда уларнинг турлари ёзилади ва шу тариқа тушунчалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик график тасвирланади.

Таълим-тарбия жараёнида локал даражада қўлланиладиган технологиялардан бири- Венн диаграммаси бўлиб, уни ишлаб чиқсан инглиз олими Джон Венн номи билан юритилади.

Венн диаграммаси ўрганилаётган мавзудан ўрин олган факт, тушунча ва жараёнларни таҳлил қилиш, синтезлаш ва таққослашни талаб этади. Ушбу диаграммадан табиий танланиш ва сунъий танлаш, табиий танланиш, яшаш учун кураш шакларини таҳлил қилиш, синтезлаш ва таққослашда фойдаланиш мумкин. Венн диаграммаси қуидаги кўринишда бўлиши тавсия этилади.



Таълим-тарбия жараёнида талабалар томонидан тушунча ва атамаларни мустаҳкам ўзлаштиришга замин тайёрлаш мұхим ўрин тутади, шу сабабли ўқитувчи ҳар бир боб ва мавзулар мазмунидаги тушунча ва атамаларни “Атамалар занжири” тизимиға келтириши керак.

“Атамалар занжири” бу атамалар ва уларнинг таърифлари бўлиб, улардан ўқитувчи ўтган мавзуни якунлаш, янги ўрганилган мавзу юзасидан талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида машғулотнинг бир қисмида фойдаланилганлиги сабабли, локал технологиялар гурӯҳига киритиш мақсадга мувоғик.

Мазкур технологиядан таълим-тарбия жараёнида фойдаланишга бир неча усулда ёндошиш мумкин.

- Талабалар кичик гурӯҳларга ажратилиб, гурӯҳ аъзоларидан кичик консультант тайёрланади. Кичик консультант унга берилган топшириқдаги атамалар асосида гурӯҳ аъзоларини карточка воситасида баҳолайди. Бунда талабалар айтилган атамаларнинг изоҳини айтиши ёки изоҳга қараб атамани аниклаши мумкин. Ҳар бир тўғри жавоб учун карточка берилганлиги сабабли, карточкалар сони уларнинг тўплаган балини белгилайди.

- Талабаларга боб ва мавзулар мазмунидаги тушунча ва атамалар рўйхати берилади. Уларнинг мазмуни ва моҳиятига кўра ўзаро мантиқий боғланган занжир Кластер ҳолига келтириш талаб этилади. Ушбу ёндошув кўп вақтни талаб этса-да самарадорлиги юқори бўлиб, талабаларнинг мантиқий фикр юритиш кўнималарини ривожлантириш имконини беради.

- “Атамалар занжири”дан ўтган мавзуни якунлаш қисмида фойдаланилганда талабаларнинг кичик гурӯҳ аъзоларидан оғзаки ҳолда атамаларни кетма-кет аввалгиларни такрорлаган ҳолда мазмуни ва моҳиятига кўра ўзаро боғлиқ ҳолда янги атама қўшиши талаб этилади. Гурӯҳнинг биринчи иштирокчиси битта атама билан бошлаган ўйин якунида гурӯҳ аъзолари сонига teng атамалар занжири вужудга келади. Иккинчи босқичда мазкур атамаларга таъриф бериш ва уларни изоҳлаш талаб этади.

Янги мавзу юзасидан ўкувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш учун топшириқлар.

**1-топшириқ.** Атамалар рақамини уларнинг таърифи билан жуфтланг.

1	Плазмид	A	Асосий хромасомага бирика олмайдиган ва асосий хромасомадан мустақил равишта ўз-ўзидан репликатсиз қиласидиган ҳалқасимон ДНК молекулалари.
2	Трансмиссибл	B	ДНК занжирининг кесувчи ферментлар.

	плазмид		(Рестриктаза)
3	Автоном плазмидлар	Д	Хромосомадан ташқарида жойлашган ўз-ўзини репликатсия қила оладиган ҳалқали ДНК молекуласи
4	Эндонуклеаза	Э	и-РНК матрิตса воситасида ўз нусхасини синтезлаб, геномнинг бошқа жойига күчиб ўтадиган вируссимон ДНК молекуласи.
5	Ретротранспозон	Ф	Битта хужайрадан ҳосил бўлган, ирсий жиҳатдан ўхшаш хужайралар колонияси.
6	Транспозон	Х	Молекулаларнинг электр майдонида жойлаширилган маҳсус гел ичида катталигига кўра ажратиш усули.
7	Рестриктаза	Г	ДНК молекуласини маҳсус нуклеотидлар изчиллигига кўра бўлакларга бўлувчи фермент.
8	Клон	Ж	Хужайра хромосомалари таркибига рекомбинатсияланда оладиган пласмид.
9	Транспозаза	И	Геномдан ўзини қирқиб геномнинг бошқа жойига кўчиб ўтадиган генетик тузилма.
10	Электрофорез	К	Транспозонларнинг кўчиб юришини таъминловчи фермент.


Топшириқнинг жавоби: 1 – Д; 2 – Ж; 3 – А; 4 – Е; 5 – Э; 6 – И; 7 – Г; 8 – Ф; 9 – К; 10 – Х.

Ўқитиша тезкор ўйинлар ва ўйин машқлардан ҳам фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Локал даражадаги педагогик технологиялар машғулотнинг муайян қисмида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириб, таълим самарадорлигини орттиришга хизмат қиласи.

Шу сабабли ўқитиша жараёнида талабаларнинг билимини назорат қилиш ва баҳолашда биологик диктантлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ботаникани ўқитиша “Тўпгуллар” мавзусида куйидаги топшириқдан фойдаланиш тавсия этилади:



Түпгулларга мос рақамларни жадвалга ёзинг.

Түпгул номи	Рақамлар	Түпгул номи	Рақамлар
Бошоқ		Кучала	
Шингил		Мураккаб бошоқ	
Сойабон		Мураккаб соябон	
Қалқонча		Гажак	
Саватча		Мураккаб шингил	
Сохта		Каллакча	

Диктантнинг биринчи турида талабалардан нұқталар ўрнига мос келувчи тушунчаларни қўйиш тавсия этилади.

**1 – топшириқ. Биологикдиктант.**

1. Организмларнинг ирсият, ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганадиган фан - ...

2. Гомологик бўлмаган хромосомаларда жойлашган бўлиб бирнече белгининг мустақил ирсийланиши ва алтернатив намоён бўлишини таъмин этувчи генлар - ...

3. Гомологик хромосомаларнинг бирхил қисмида жойлашган бўлиб битта белгининг кескин фарқ қилувчи-алтернатив ҳолатда ривожланиши таъминловчи доминант ва ретсетсив шаклда бўладиган генлар - ...

4. Организм миқдорий белгиларининг ирсийланиши ва ривожланиши даражасини белгиловчи, бир хил функцияси кучига эга бўлган ноаллелгенлар - ...

5. Генларнинг эпистатик таъсири натижасида патлари оқ рангдаги товуқ зотларини ўзаро чатиштирилганда  $\Phi_2$ да фенотип ва генотип жиҳатидан ажралиши нисбати - ...

6. Кумулятив полимерияда фенотип бўйича ажралиши нисбати - ...

7. Ўсимликлардаги хромосомалар сонининг карра ортиши - ...

8. Белгиларнинг хилма-хиллик даражаси ёки ўзгарувчанлик чегаралари - ...

9. Генетик материалнинг ирсий ўзгариши - ...

10. Бир ген доирасидаги битта ёки бирнечта нуклеотидларнинг ўзгариши ёки алмашиниши билан боғлиқ мутациялар - ...

**Биологик диктант жавоблари:** 1. Генетика. 2. Ноаллелгенлар. 3. Аллелгенлар.

4. Полимергенлар. 5.  $13 : 3; 1:2:1:2:4:2:1:2:1$ . 6.  $1:4:6:4:1$ .

7. Полипloidийа.

8. Реакция нормаси. 9. Мутация. 10. Нуқтали мутация.

Диктантнинг иккинчи турида талабалардан таърифга мос келувчи тушунчаларни қўйиш тавсия этилади.

**1 – топшириқ. Саволларга мос келадиган жавобларни жуфтлаб кўрсатинг.**

1. Биотик муносабатларнинг қайси кўринишида бирга яшайдиган организмлар бир-бирига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди?

---

2. Биотик муносабатларнинг қайси кўринишида бирга яшайдиган икки организмларнинг биттаси ёки иккаласи ҳам салбий таъсир остида бўлишиади?

3. Биотик муносабатларнинг қайси кўринишида бунда икки организмларнинг ҳар иккаласи ёки биттаси бирга яшаидан ўзига фойда олади?

4. Биотик муносабатларнинг қайси кўринишида бир организм иккинчи организмдан яшаши мұхити ва овқат манбайи сифатида фойдаланади?

---

5. Ўсимликлар замбуруулар ёки бактериялар билан заарланганда уларга қарши ишлаб чиқувчи антибиотик.

6. Биотик муносабатларнинг бу кўринишида бунда бир организм ўз ўлжасига ҳужум қилиб, ундан овқат манбайи сифатида фойдаланади, бу

муносабат күпинча ўлжасанинг ўлими билан тугайды.

- 
7. Симбиоз муносабатларнинг турлари. \_\_\_\_\_
8. Ўзаро биологик бөгланишининг бир шакли бўлиб, бунда бирга яшаши ҳар иккала организмга ҳам фойда келтиради. \_\_\_\_\_
9. Ўзаро муносабатдан бир организм иккинчисидан уй – жой сифатида фойдаланади, иккинчиси бундай муносабатдан ҳеч қандай наф кўрмайди.
10. Бундай ўзаро муносабатда бир организм иккинчисидан асосан овқат манбайи сифатида фойдаланади, лекин ҳеч қандай зарар етказаймайди.

**Топшириқ жавоблари:** 1. Нейтрализм. 2. Антибиоз. 3. Симбиоз. 4. Паразитизм. 5. Фитоалексин. 6. Йиртқичлик. 7. Мутуализм, ҳамсоялик, комменсализм. 8. Мутуализм. 9. Ҳамсоялик. 10. Комменсализм.

**Биологик фанлардан ташкил этиладиган таълим – тарбия жараёнида локал даражадаги технологиялардан фойдаланиш бўйича тингловчининг ўз-ўзини назорат қилишига мўлжалланган модул дастури**

**Модул дастурининг дидактик мақсади:** Сиз модул дастури ёрдамида мустақил ишлаб, ўқитиш жараёнига таълим технологияларидан бироюн локал даражадаги технологияларни қўллаш, мазкур технологияларнинг ўзига хос хусусиятлари, «Кейс-стади», «Инсерт», «Кластер», Венн диаграммаси, «Ақлий ҳужум», «Кичик групчаларда ишлаш», «Атамалар занжири», «Атамалар варағи» каби технологиялардан фойдаланилган машғулотларнинг анъанавий машғулотлардан фарқи ва афзаллиги, талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари билан танишишиниз, методик билим, кўникма ва малакаларингиз, касбий маҳоратингизни, нутқ ва мулоқот маданиятингизни ривожлантиришиниз зарур.

ЎФЭ	Модуллар бўйича ўқув топшириқлари	Методик кўрсатма	Балл
1.	<b>Мақсад:</b> «Кейс-стади» ва «Инсерт» локал технологиясининг умумий хусусиятлари, машғулотда талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш босқичлари билан танишиш. <b>Амалий машғулот матнини дикқат билан ўқиб чиқинг ва қуийидаги саволларга жавоб беринг.</b> 1-модулни дикқат билан ўқиб чиқинг ва қуийидаги саволларга жавоб топинг: 1. Локал технология «Кейс-стади» нинг ўзига	Кичик групчалари билан ҳамкорликда ишланг	2-балл

	<p>хос хусусиятларини аниқланг.</p> <p>2. Мазкур технологиядан фойдаланиш натижасида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлларини белгиланг.</p> <p>3. Локал технология «Инсерт» нинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.</p> <p>4. Мазкур технологиядан фойдаланиш натижасида таабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлларини белгиланг.</p>		
2.	<p><b>Мақсад:</b>“Кластер”, Венн диаграммасининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.</p> <p>2-модулни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуийдаги саволларга жавоб топинг:</p> <p>1. Локал технология “Кластер”нинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.</p> <p>2. Мазкур технологиядан фойдаланиш натижасида таабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлларини белгиланг.</p> <p>3. Локал технология Венн диаграммасининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.</p> <p>4. Мазкур технологиядан фойдаланиш натижасида талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлларини белгиланг.</p>	Кичик гурӯҳ аъзолари билан ҳамкорликда ишланг	1-балл
3.	<p><b>Мақсад:</b>“Ақлий ҳужум”нинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш.</p> <p>3-модулни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуийдаги саволларга жавоб топинг:</p> <p>1. Локал технология “Ақлий ҳужум”нинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.</p> <p>2. Мазкур технологиядан фойдаланиш натижасида таабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлларини белгиланг.</p> <p>3. Локал технология “Кичик гурӯхларда ишлаш” методининг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.</p> <p>4. Мазкур технологиядан фойдаланиш натижасида таабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлларини белгиланг.</p> <p>5. Жавобингизни Венн диаграммаси билан изоҳланг.</p>	Кичик гурӯҳ аъзолари билан ҳамкорликда ишланг	2-балл

4.	<p><b>Мақсад:</b> “Атамалар занжири” ва “Атамалар варағи”дан фойдаланилган машғулотларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиши.</p> <p>4-модулни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуидаги саволларга жавоб топинг:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Локал технология “Атамалар занжири” нинг ўзига хос хусусиятларини аникланг.</li> <li>Мазкур технологиядан фойдаланиш натижасида таабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлларини белгиланг.</li> <li>Локал технология “Атамалар варағи”нинг ўзига хос хусусиятларини аникланг.</li> <li>Мазкур технологиядан фойдаланиш натижасида таабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш йўлларини белгиланг.</li> </ol>	Кичик гурӯҳ аъзолари билан ҳамкорликда ишланг	3-балл
5.	<p>Модуль дастурини яқунлаш.</p> <p>Мақсад: Ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>Модуль дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қайдаражада эришдингиз?</li> <li>Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик мақсадларни такрорланг. Уларни бажаришда қандай қийинчиликларни енгишга эришдингиз?</li> <li>Ушбу модуль дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?</li> <li>Мустақил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 2 балл билан баҳоланг.</li> <li>Машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиши ҳосил қилган бўлсангиз танлаган мавзуингиз бўйича локал даражадаги технологиялардан фойдаланишга мўлжалланган машғулот ишланмасини лойиҳаланг.</li> <li>Машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиши ҳосил қилмаган бўлсангиз матн ва модул дастури устида такроран ишланг.</li> </ol>	Тўплаган балларингизни жамланг ва кейинги қаторга ёзинг	
	Тингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари	жами	балл

## VI. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Билим	Хақиқий борлик умумий аксини топади. Талабалар ҳодиса, воқеа, қонуниятлар түғрисидаги маълумотларни ўрганадилар ва у уларнинг ютуғи бўлади.	Really being reflected in the total. Student events, learn information about the laws and their achievement.
Вазият-ситуацион	(ситуация) (кейинги лотинчадаги ситуациян-аҳвол) –муайян вазият, аҳволни ҳосил қиласидиган шарт-шароитлар ва ҳолатлар уюшмаси.	(Situato) (the situation in Latin – the situation) - specific situation, the situation creates the conditions and circumstances of the Association.
Вебинар усули	дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерактив имкониятлар) билан жонли олиб борилиши.	Courses, seminars or conferences with the students present at the time audio and video over the internet (and mentioned in previous posts, many interactive options) to live.
Дастурлаштирилган таълим бериш	Дастурлаштирилган таълим бериш асосини, тартибга келтирилган топшириқларни намоён қилувчи, ўргатувчи дастур ташкил этади. У бутун ўқитиш жараёнини бошқаради.	Learning the basic tasks, the training program. It manages the entire learning process.
Касб	бу меҳнат фаолиятининг барқарор тури бўлиб, у нафақат аник билим ва қўнималарни бўлишини талаб қилмай, балки бир хил бўлган умум касбий билимларни ҳам бўлишини талаб қиласиди	This type of stable activity, it not only does not require specific knowledge and skills, but also requires the same general professional knowledge
Кейс-стади	(инглизча сасе - тўплам, аник	(English chassis kit, clear

	вазият, стади -таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган таълим услугидир.	the situation, study the field), Caseyex plained and trained the way of solving the eproblem formulation and the purpose of his options Search ref concrete situation, real or artificially created problem-based analysis of the situation of the teaching methods.
Концепция	умумий ғоя ёки бирор-нарса тўғрисида тасаввур, тушунча, фикрлар тизими	The general idea, or think about something, the concept and ideas.
Кредит	Хост университетида (қабул қиласидаган университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Пост – университетда ( талабани бошқа ОТМГа жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.	Host University (the university) has successfully passed all the subjects of post – university (university studentssent OTMG) should be taken into account.
Кредит	шартли синов бирлигибўлиб, талабанинг ўқув фанининг маълум бир қисмини ўтганлиги ҳақидаги маълумот беради. Ҳар бир ўқув фанига маълум миқдордаги кредит бирликлари ажратилади. Кредит бирликлари сони талabalарнинг меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади	Conditional test unit, students study science in a specific part of the report to the information. Each school science allocate a certain number of credit units. Credit is determined by the number of units according to the students labor costs.
кўникма	эгаллаган билимлар асосида ўзгарувчан шароитларда бирорта фаолиятни амалга ошириш қобилияти.	based on knowledge of changing conditions, the ability to carry out any activities.

Малакалар	бу, күп марта тақрорлаш натижасидаги машинал (бейхтиёрий), ҳаракатлардир.	This is repeated several times (involuntary), action
Модератор	Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларни ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра сұхбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради	Checks the validity of the regulations adopted in the development of students' independent thinking and processing skills, knowledge, help to boost activity. Information, seminars, workshops and panel discussions, provide generalizes.
Модулли ўқитиши	ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимиға энг яхши мослашгандир.	Because it is one of the promising systems of education in educational opportunities for recipients of knowledge and creative skills development system is the best fit.
Муаммоли вазият	Мазкур ҳолда вазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади	Currently the subject of the situation in this case under stood the situation or in danger the future to achieve the objectives.
Муаммоли таълим	муаммони ҳал этиш ғояси ётувчи, яхлит тизим. Муаммоли ўқитиши ҳам амалий, ҳам назарий-билиш хусусиятидаги муаммоли вазиятларни ҳал этиш орқали янги билимларни эгаллашга асосланган.	That underlie the idea of solving the problem, aholic training both practical and theoretical know-featured solution to problematic situations based on new knowledge.
Рақобатбардош мутахассис	бу биринчидан, ўзининг қобилиятларини ривожланғанлиги, касбий	This, first of all, his ability, professionaldeyep knowledge of personal and

	чукур билимлилиги, шахсий ва фуқаровий сифатларини шаклланғанлиги, иккинчидан шахсий ва оиласывай фаровонликни таъминлашга имкон берувчи, маҳсулотга яхши баҳо берувчикедек таклиф қила олиш каби қасбий фаолиятга юқори даражадаги тайёргарликдир.	civil formulated, and secondly to provide individual and family welfare, productratings, such astheyemployer's ability to offer high level of professional training.
Ривожлантирувчи вазифа	ўқитиш жараёнида шахснинг ақлий, ҳиссий ва иродавий ривожланиши, билишга бўлган интилишларини ва ижодий фаолликни шакллантириш ва ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлади.	heprocess of teaching a person'smental, emotional and of development, the desire to know and to ensure the developmentof creative activity.
Ривожлантирувчи таълим	ўқитувчининг асосий вазифаси билиш мустақиллиги қобилиятларини ривожлантиришга асосий билиш мустақиллиги қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган, талабаларни ўқув фаолиятини ташкиллаштириш ҳисобланади.	Aimed to improve the ability to learn independence and the role of the teacher, the students educational activities.
Таълим олиш	бу билим, кўникма ва малакалар тизимини эгаллаш жараёнидир, яъни бунда шахснинг ижодий фаолиятининг жиҳатлари, дунёқарashi ва ўзини тутиш сифатлари ташкил топади, ҳамда билиш қобилиятлари ривожланади.	This knowledge, skills and process skills to master the system, which is such a personal aspects of creative activity, as the out look and behavior, in the ability to learn and develop.
Таълим берувчи	бу ҳамкорий фаолиятни намоён қилиб бунда қасб таълим ўқитувчиси талабалар фаолиятини ташкиллаштиради, рағбатлантиради, ўзгартиради	This cooperation activities with respect to the organization of the professional teacher education students, encourage, change and

	ва назорат қиласы.	control.
Тьютор	устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маърурачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.	(Tutored Latin) serves as a mentor coach. In some cases, the report fulfills the role of a link between a teacher and a student. At the same time, by knowledge and skills acts as an advisor and mentor.
Ўқитиши	бу таълим олувчиларга янги ўқув ахборотини тақдим этиши, уни ўзлаштиришни ташкиллаштиришга, қўникма ва малакаларни шакллантиришга, билиш қобилиятларини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилган, мунтазамли ташкилий жараёндир.	trained to provide new information, organization skills and mastering of skills, knowledge, abilities, develop targeted, the regularity of the process.

## **VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари**

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847-сонли Фармони. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
11. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8 dekabrdagi “Xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni

tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 997-son qarori (Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi, 10.12.2018 y., 09/18/997/2289-son).

### III. Махсус адабиётлар

12. Ж.Ф.Юлдашев.- Педагогик технология асослари. 2007 йил
13. Ж.О.Толипова . Биологияни ўқитиша педагогик технологиялар. –Т. 2011 йил.
14. Ж.О.Толипова, Фофуров А.Т Биология ўқитиши методикаси. –Т. 2012 йил.
15. Толипов Ў., Усмонбоева М. «Педагогик технологиянинг татбиқий асослари». Ўқув қўлланма. Фан. ЎзПФИТИ, 2006.
16. Қ. Ниёзов. биология фанидан илғор педагогик технологиялар ва уларни амалда қўллаш бўйича. Маъruzalар матни. Наманганд. 2009 й.
17. Бершадский М.Е., В каких значениях используется понятие «технология» в педагогической литературе? // Школьные технологии. 2002. № 1.С.3-18.
18. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии – М.: Педагогика, 1989.
19. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах/Учебное пособие// Под общей редакцией академика С.С.Гулямова. - Т.:ТГЭУ, 2005.
20. Голиш Л.В., Что нужно знать обучающему о современных технологиях обучения? // Экспериментальное учебно-методическое пособие. Ташкент: ИРССПО, 2002.
21. Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения // Школьные технологии, 2004. № 4.
22. Кушнир А.М. Методический плюрализм // Школьные технологии, 2004. № 4. С.3-11.
23. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии / Учебное пособие. М.: Народное образование, 1998.
24. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии – Т.: ФАН, 2000.
25. Толипова Ж.О, Фофуров А.Т.-Биология таълими технологиялари. Методик қўлланма “Ўқитувчи” Т.: 2002 - 128 бет.
26. Толипова Ж.О. Биологияни ўқитиша инновацион технологиялар. Педагогика олий ўқув юрти талабалари учун дарсллик. “Чўлпон” Т.: 2011 - 128 бет

27. Толипова Ж.О., Фофуров А.Т. Биология ўқитиши методикаси. Академик лицей ва касб-хунар колледжлари биология ўқитувчилари учун ўқув-методик қўлланма. – Т.: Билим, 2004, - 160 бет.
28. Garry G. Azgaldov Alexander V. Kostin Alvaro E. Padilla Omiste The ABC of Qualimetry Fonts kindly provided by ParaType Inc Redero 2015.
29. Федюкин В.К. Квалитология: Учебное пособие. Часть 1. - СПб.: Изд-во СПБГИЭУ, 2002.
30. Федюкин В.К. Основы квалиметрии. -М.: Изд-во «ФИЛИНЪ»,2004.
31. Бекоева М.И. Педагогическая квалиметрия в управлении качеством образования студентов современного вуза // Nauka-rastudent.ru. – 2015. No. 06 (18) / [Электронный ресурс] – Режим доступа. – URL: <http://naukarastudent.ru/18/2760>

#### **IV. Интернет сайтлар**

32. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.
33. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
34. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
35. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
36. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.